

ЎЗБЕКИСТОН ФОНД БОЗОРИДА
ПРО АМАЛИЁТИНИ ҚўЛЛАШ

6-бет

РОЛЬ САМОЗАНЯТЫХ
В НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКЕ

Стр. 12

ЎЗБЕКИСТОНДА КўЧМАС
МУЛКНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ

32-бет

JOYDA 

SQB xizmati

«Sog'ligim-Boyligim» foydali omonati

**Daromad oling va
COVID-19 ga
qarshi himoyada
bo'ling!**

SUG'URTALANGAN



(71) 200-43-43



«O'zbekiston sanoat-qurilish banki» aksiyadorlik tijorat banki xizmat ko'rsatadi

Хизматлар лицензияланган



Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MK

SAVDOGAR BANK

SAVDOGAR BANK –
СИЗНИНГ
БИЗНЕС-ҲАМКОРИНГИЗ!


Ҳурматли ҳамкорлар!

*Янги йил қизиқарли лойиҳалар, улкан ютуқ ва зафарлар
билан бой бўлсин! Ҳамкорлигимиз бизга янги йўл
ва имкониятларни очиб берсин!*

*Келаётган йил омадли бўлсин ҳамда фаровонлик
ва улкан ғалабалар олиб келсин! Янги йилда янги орзулар
ва ниятларга албатта эришишингизни тилаймиз! Янги йил
Сизларга омад олиб келишини чин қалбимиздан истаб қоламиз!*

SAVDOGAR BANK

Ваш бизнес партнер!



INNOVATIONS

4 Quant – for those who appreciate time and cash

SECURITIES MARKET

6 *G. Baqoeva*
Foreign experience in applying the practice of IPO (Initial Public Offering) in the stock market of Uzbekistan and opportunities to use derivatives

EMPLOYMENT

12 *S. Voronin, D. Ugay*
The role of the self-employed in the national economy: the first results of the new incentives

EMPLOYMENT

18 The essence of self-employment

SOCIAL POLICY

26 *S. Yusupov*
Marketing activities

TAX ADMINISTRATION

34 *I. Niyazmetov*
Improvement of taxation of real estate in Uzbekistan

AUDITING ACTIVITIES

42 *A. Turaev, R. Khaydarov*
Improvement of auditing activities in the Republic of Uzbekistan on the basis of international standards

DIGITALIZATION OF THE ECONOMY

48 *A. Shermukhamedov, D. Narzullaeva, D. Abdullaeva*
Digital economy, blockchain technology, and cryptocurrency. History, current status, and prospects

INVESTMENTS

54 *D. Usmanova*
The impact of credit ratings on the investment climate in the Republic of Uzbekistan

INNOVATIONS

60 Uzpromstroybank: new services – new opportunities

62 Obtaining a loan in Russia is possible without citizenship of the Russian Federation

64 Gold market and its price

68 Islamic finance

МУАССИС ВА ҲАМКОРЛАРИМИЗ:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки,
Агробанк, Асакабанк, Алокабанк,
Капиталбанк, Микрокредитбанк,
Савдогарбанк, ТИФ Миллий банки,
Туронбанк, Трастбанк, Халк банки,
Ўзсаноатқурилишбанк, Қишлоқ қурилиш банк,
Ипотекабанк, Ипак йўли банки

ТАХРИР КЕНГАШИ:

М.Б. НУРМУРАТОВ
(кенгаш раиси),
Б.Э. ЗАХИДОВ,
О.А. БУТАЕВ,
Р.О. ОХУНОВ
(кенгаш котиби),
С.С. АННАКЛИЧЕВ,
К.Н. ИРИСБЕКОВА,
А.К. МИРСОАТОВ,
Ч.С. МИРЗАЕВ,
С.Р. НОРМУХАМЕДОВ

ТАХРИРИЯТ:

Директор:

Г.Н. БЕЗГИН

Бош муҳаррир:

В.С. УМИРОВ

Масъул котиб:

Ф.Т. ИЗЗАТУЛЛАЕВ

Реклама ва маркетинг хизмати:

Тел.: (+998)71-234-91-13;

(+998)94-677-78-04

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

«БОЗОР. ПУЛ ВА КРЕДИТ» МЧЖ,
Тошкент ш., Чингиз Айтматов кўч., 1А-уй.
<http://www.bpk.uz/>
e-mail: info@bpb.uz

Материаллар кўчириб босилаётганда журналдан олингани кўрсатилиши шарт. Юборилган қўлёзмаларни тақриз қилиш ва қайтариб юборишни тахририят ўз зиммасига олмайди.

Журналнинг обуна индекси: 853

ISSN 2010-6580

Журнал ЎзР Мағбуот ва ахборот агентлигида 2014 йил 2 июлда рўйхатдан ўтган.

Гувоҳнома рақами: 0058

Теришга берилди: 22.12.2020 й.

Босишга рухсат этилди: 24.12.2020 й.

Бичими: 60x90/8.

Офсет босма усулида чоп этилди.

Шартли босма табоғи: 9,0.

Буюртма № 62. Адади: 1250.

«SILVER STAR PRINT» МЧЖда чоп этилди (Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-даха, 17-уй).

Баҳоси шартнома асосида.

Ушбу нашр «Afrosiyob» тезорар поездлирида тарқатилди.

МУАЛЛИФЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Бозор, пул ва кредит» журналда мақолангизни чоп этмоқчи бўлсангиз, уни фақатгина электрон кўринишда қўйидаги манзилга юборинг: info@bpb.uz
Тахририят томонидан қабул қилинган мақолаларга талаблар билан журналда кўрсатилган www.bpk.uz сайти орқали тавшишингиз мумкин.

Эслатма: муаллифлар кўрсатилган электрон манзилга мақола юборишда исми, фамилияси, лавозими, илмий даражаси, иш жойи ва боғлиқ телефонларини аниқ кўрсатишлари ва мақоланинг инглиз тилидаги аннотациясини юборишлари шарт.

БУ СОНДА В НОМЕРЕ

ИННОВАЦИЯЛАР

4 Quant – вақт ва нақд кадрига
етганлар учун

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ

6 *Г. Бақоева*
Ўзбекистон фонд бозорига IPO (акциянинг бирламчи
жойлаштирилиши) амалиётини қўллашда хориж
тажрибаси ва деривативлардан фойдаланиш
имкониятлари

ЗАНЯТОСТЬ НАСЕЛЕНИЯ

12 *С. Воронин, Д. Узгай*
Роль самозанятых в национальной экономике: первые
результаты действия новых стимулов

АҲОЛИ БАНДЛИГИ

18 Ўзини ўзи банд қилишнинг моҳияти

МАРКЕТИНГ ФАОЛИЯТИ

26 *С. Юсупов*
Тўқимачилик корхоналарида маркетинг фаолиятини
бошқариш самарадорлиги

СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИ

34 *И. Ниязметов*
Ўзбекистонда кўчмас мулкни солиққа тортиш
механизминини такомиллаштириш

АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИ

42 *А. Тўраев, Р. Ҳайдаров*
Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини
халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш

ЦИФРОВИЗАЦИЯ ЭКОНОМИКИ

48 *А. Шермухамедов, Д. Нарзуллаева, Д. Абдуллаева*
Цифровая экономика, технология блокчейн,
криптовалюта. История, современное состояние и
перспективы

ИНВЕСТИЦИЯЛАР

54 *Д. Усманова*
Кредит рейтингларининг Ўзбекистон Республикаси
инвестицион климига таъсири

ИННОВАЦИЯЛАР

60 *А. Тўраев, Х. Абдуллаев*
Ўзсаноатқурилишбанк: янги хизматлар – янги имкониятлар

62 Получение займа в России
возможно без гражданства РФ

64 Олтин бозори ва унинг нархлари

ИСЛОМ МОЛИЯСИ

68 Исломда ижара (лизинг)нинг асосий қоидалари



QUANT – ВАҚТ ВА НАҚД ҚАДРИГА ЕТГАНЛАР УЧУН

МЕҲНАТ, ИЗЛАНИШ ВА ИНТИЛИШ ЭВАЗИГА
ТОПИЛГАН МАБЛАҒ ДОИМ ҚАДРЛИ. УНИ ОҚИЛОНА
ВА ИШОНЧЛИ БОШҚАРИШ ЭСА САНЪАТДИР.
ФАРОВОН ТУРМУШ УЧУН КЎПРОҚ ИШЛАШ КЕРАК,
ДЕГАН ҚАРАШ ОНГИМИЗГА СИНГИБ КЕТГАН.
АСЛИДА ҲАМ ШУНДАЙМИКИН? БИЗНИНГЧА, КЎП
ИШЛАШ БИЛАН ҲАММАСИГА ЭРИШИШ ДОИМ ҲАМ
МУМКИН БЎЛАВЕРМАЙДИ. ЧУНКИ «МАБЛАҒНИ
САРФЛАШ ҚОБИЛИЯТИ УНИ ЖАМҒАРИШДАН КЎРА
КАМРОҚ АҲАМИЯТГА ЭГА», ДЕГАН ҚАРАШ ЎЗИНИ
ҲЕЧ ҚАЧОН ОҚЛАГАН ЭМАС.

«Қишлоқ қурилиш банк»
АТБнинг янги «QUANT» мо-
биль иловаси айнан маблағни
бошқаришда тежамкорлик
асосига яратилган.

Илова имкониятлари-
дан фойдаланиб, энг аввало
вақтдан ютилади. Яъни, турли
тўловларни дунёнинг исталган
жойидан туриб амалга ошириш
мумкин. Касса ёнида соатлаб
навбат кутиш энди йўқ. Барча
коммунал хизматлар бўйича
ҳолатни ва карталар ҳолатини,

операциялар тарихини назор-
рат қилиш, ҳатто интернетни
фаоллаштирмасдан фойда-
ланиш каби қулайликларни
ўзида жамлаган янги илова
ҳақида, яхсиси, бир бошдан
ҳикоя қиламиз.

Мобиль илова PRO ҳамда
LITE версиясига эга. Демак
ундан қулай фойдаланиш им-
конияти барча учун бирдек
яратилган. Бош саҳифа, тўлов-
лар, ўтказмалар, хизматлар
ва соғламанлар бўлимларидан

таркиб топган иловани юклаб
олган мижоз бир вақтнинг ўзи-
да қуйидаги имкониятларга эга
бўлади.

Бош саҳифада он-лайн банк
хизматлари билан танишиш,
карталарни кўшиш, шунингдек
карталарнинг умумий ҳамда
алоҳида баланслари ҳақидаги
маълумотларни олиш мумкин.

Тўловлар бўлимида 500дан
ортиқ хизматлар учун тўлов-
ларни амалга ошириш имко-
нияти мавжуд. Хусусан, мобиль
алоқа, коммунал хизматлар,
телевидение, интернет-про-
вайдерлар, давлат хизматла-
ри, телефон ва ҳатто хайрия
мақсадлари ҳам қамраб олин-
ган. Асосийси, барча тўлов-
лар бўйича ҳолат ҳақида ҳам
маълумотга эга бўлиш мумкин.
Дам олиш кунлари ёки ишдан
рухсат сўраб, турли коммунал
хизматлар билан боғлиқ тў-
ловлар ҳолатини билиш ёки
амалга ошириш учун кетадиган
вақт ҳамда асаббузилишлар,
навбат кутиш энди мижозлари-
миз учун тамомила бегона.



QUANT



Ўтказмалар бўлимида эса «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ ва бошқа тижорат банклари томонидан эмиссия қилинган пластик карталарга пул ўтказмалари, P2P амалиётларини амалга ошириш мумкин.

Тан оламиз, бундай иловаларни бир қатор банклар таклиф этмоқда. Демак кун сайин ривожланиш ҳисобига рақобат кескинлашмоқда. Хизмат ёки товар бозорда ўз ўрнига эга бўлиши учун ана шу рақобатга дош бера олиши унинг кейинчалик қай даражада ривожланишини, содда қилиб айтганда, тақдирини белгилайди.

Биз бу борада масъулиятни тўла англаган ҳолда изланиш олиб бордик ва бу бесамар кетмаганига ишонамиз. Зеро «QUANT» мобиль иловаси ўзининг рақобатчиларидан фарқли равишда NFC технологияси асосида «HUMO Pay» контактсиз тўловлар ва пул ўтказмаларини амалга ошириш имкониятини беради. Бу дегани, эндиликда «QUANT» мобиль иловаси билан савдо шохобчалари, хизмат кўрсатиш, умуман HUMO терминаллари мавжуд



бўлган барча нуқталарда тўловларни фақат телефон ёрдамида амалга ошириш мумкин. Бундан ташқари, яна бир янгилик шуки, мобиль иловага бириктирилган HUMO картасидаги маблағни NFC технологияси орқали бошқа HUMO картасига ўтказиш мумкин. Бунинг учун махсус юклагама буйруқ бериб, смартфонларни бир-бирига яқинлаштириш kifоя. Энг асосийси, картани ёнингизда олиб юришга умуман ҳожат йўқ.

Бу ҳам ҳаммаси эмас. Илованинг банк хизматлари бўлими

орқали карталарни бошқариш, ҳисоблар тўғрисида маълумот ва мониторинг, конверсия, омонат, шунингдек кредит амалиётлари билан боғлиқ юмушларингиз ҳам ечим топади.

Демак, вақт қадрига етувчилар учун қутилган илова айнан шу тариқа ишлатилади. Энди эса, асосийси, нақд қадрига етувчилар учун ҳам бир янгилик.

Илованинг мустаҳкам ҳимоя тизими пулларни «ўғирлатиш» билан боғлиқ ҳар қандай ҳадикни ишонч билан энгиб ўтишга имкон беради.

Бир сўз билан айтганда, «QUANT» мобиль иловаси мижозларнинг масофадан туриб банк хизматларидан тезкор ва сифатли фойдаланиш истагига тўла мос келади.

Айтганча, иловани PlayMarket ва AppStore орқали юклаб олиш мумкин. Бунинг учун ҳозирроқ ажратадиган санокли сонияларингиз келажакда соатлаб вақтингиз тежалишига замин яратади. Зеро ишонамизки, «QUANT» билан банк йўлингизда эмас, қўлингизда бўлади.

Банк ахборот хизмати.

ҚИСҚАЧА:

«QUANT» МОБИЛЬ ИЛОВАСИ ЎЗИНИНГ РАҚОБАТЧИЛАРИДАН ФАРҚЛИ РАВИШДА NFC ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА «HUMO PAY» КОНТАКТСИЗ ТЎЛОВЛАР ВА ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ИМКОНИЯТИНИ БЕРАДИ. ЭНДИЛИКДА «QUANT» МОБИЛЬ ИЛОВАСИ БИЛАН САВДО ШОХОБЧАЛАРИ, ХИЗМАТ КЎРСАТИШ, УМУМАН HUMO ТЕРМИНАЛЛАРИ МАВЖУД БЎЛГАН БАРЧА НУҚТАЛАРДА ТЎЛОВЛАРНИ ФАҚАТ ТЕЛЕФОН ЁРДАМИДА АМАЛГА ОШИРИШ МУМКИН.

ЎЗБЕКИСТОН ФОНД БОЗОРИДА ІРО (АКЦИЯНИНГ БИРЛАМЧИ ЖОЙЛАШТИРИЛУВИ) АМАЛИЁТИНИ ҚЎЛЛАШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ВА ДЕРИВАТИВЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИАТЛАРИ

**БУГУНГИ КУНДА ГЛОБАЛ, МИНТАҚАВИЙ
ВА МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА МОЛИЯВИЙ
ИНСТРУМЕНТЛАР БОЗОРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ СУРЪАТЛАРИНИ
ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА, ЎЗБЕКИСТОН
ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИГА МОС
КЕЛАДИГАН ДЕРИВАТИВЛАРНИ АМАЛИЁТГА
КИРИТИШ МАСАЛАЛАРИ ДОЛЗАРБ БЎЛИБ
ТУРИБДИ.**



Гулбахор Бақоева,
Жаҳон иқтисодиёти ва
дипломатия университети
«Халқаро молия ва
инвестициялар» кафедраси
катта ўқитувчиси

Қимматли қоғозлар бозорида савдо амалиётларини олиб боришга талаб доим юқори бўлиши лозим ва қимматли қоғозларнинг қийматини баҳолаш ва бозорда уларга институционал сармоядорларнинг бўлган қизиқишини баҳолашнинг энг

кенг тарқалган усулларидан бири фундаментал таҳлил ҳисобланади.

Ушбу усул қимматли қоғознинг кучли ва заиф томонларини аниқлашга асосланган бўлиб, акция ва облигацияларнинг инвестицион жозибадорлигини аниқлаш учун ҳар хил бошқарув даражасида молиявий-иқтисодий фаолиятнинг турли кўрсаткичларини тўлиқ таҳлил қилишни назарда тутлади.

Бугунги кунда Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорининг жорий ҳолатини инobatга олган ҳолда, таъкидлаш лозимки, фундаментал таҳлил усулларини миллий фонд биржаси фаолиятига мослаштириш ва бу жараёнда юзага келадиган муаммолар юзасидан тегишли илмий тадқиқотлар ишлаб чиқиш зарурати мавжуд. Ривожланаётган фонд биржаларига молиявий воситалар-

ни жалб этиш учун унда савдо қилаётган корхона ва ташкилотларнинг акциялари билан аҳолини таништириш лозим. Буни амалга оширишда IPO амалиёти, яъни акцияларнинг бирламчи жойлаштириливи муайян ҳисса қўшиши мумкин.

Ушбу амалиёт сармоядорлар учун номаълум бўлган корхоналарнинг акциялари ҳақида батафсил маълумот беради ва шу тариқа салоҳиятли инвесторларни ўзига жалб этади. Акциялар билан фонд бозорларидан бирида очиқ савдо қилинади, компания акцияларни сотиш орқали молиявий ресурсларнинг ҳаракатини таъминлайди. Бундан ташқари, IPO амалиёти компаниянинг капитализация даражасини оширишга ва унинг молиявий жиҳатдан юқори даражага кўтарилишига хизмат қилади.

Акциялар савдоси ҳажмига кўра энг йирик фонд биржалари Нью-Йоркда жойлашган NYSE ва NASDAQ ҳисобланади. Шимолий Америка қимматли қоғозлар бозори амалиётлар сони ва ҳажми бўйича етакчилик қилиб келмоқда. Иккинчи ўринни Осиё фонд бозорлари эгаллаб келмоқда, унда Гонконг, Шанхай, Токио ва Осака шаҳарлари қимматли қоғозлар билан сав-



доларни амалга оширувчи асосий марказлар ҳисобланади.

Агар компания ўз акцияларини фонд биржасига чиқаришга қарор қилса, унда андеррайтинг хизматидан фойдаланиш лозим. Андеррайтерлар қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари ва потенциал сармоядорлар ўртасида воситачи фирма ҳисобланади. Америка Қўшма Штатларида йирик инвестицион банклар ва брокерлик компаниялари суғурта қилувчи томон сифатида фаолият олиб бордилар. Улар акция ёки облигация учун бирламчи нархни белгилаб оладилар, IPO бўйича харид қилишга тайёр сармоядорларни жалб қиладилар ва эмиссия компаниясидан ўз хизматлари учун маълум миқдорда тўлов (мукофот) оладилар, мукофот миқдори, одатда, жойлаштирилув нархининг 7 фоизини ташкил этади.

Андеррайтерлар фақатгина мукофот ҳисобидан даромад олишмайди. Уларнинг асосий даромади акцияларнинг дастлабки баҳоси ва кейинроқ

фонд биржасидаги бозор нархи ўртасидаги фарқдан шаклланади. Аънанавий IPO шартларига кўра андеррайтинг фирмаси IPO амалиётини ўтказмоқчи бўлган компаниянинг тўлиқ молиявий таҳлилини ўтказиши ва унинг асосида дастлабки таклиф нархини ва ўз акцияларини сотиб олиш бўйича таклифларни белгилайди. Бу улар учун фойдалидир, чунки фонд биржасида савдонинг бошланишида (биринчи соатларда ва кунларда) нарх одатда ўсиш хусусиятига эга, бу эса биринчи харидор ва суғурта компаниясининг акцияларни сотиш учун яхши пул ишлашига имкон беради.

Илк маротаба ўтказилган IPO амалиёти ўзига хос ютуқ ва камчиликларга эга бўлди. Ютуқ сифатида «Кварц» АЖ акциялари савдоси ҳақида кенг оммага маълумот берилиши, сармоядорлар 60 фоизгача фойда кўриши, фонд бозори иштирокчиларининг жалб этилишини киритсак, камчилик сифатида акцияларнинг катта қисми сотилмай қолгани, IPO ама-

лиёти ҳақида кенг миқёсдаги тарғибот ишлари ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан тушунтириш олиб борилмагани ва "Road Show"лар қилинмаганлигини таъкидлашимиз мумкин. Аммо умумий ҳисобда IPO амалиёти муваффақиятли ўтди ва ҳозирги кунда кўлаб корхоналар ушбу амалиётни ўтказишни режалаштирмоқда.

Шу ўринда «Кўқон механика заводи» АЖ ўзининг SPO (Secondary Public Offering) амалиётини ўтказди. 2018 йил 27 ноябрда акцияларни сотиб олишга сўровномалар йиғилди. Андеррайтер сифатида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий Банки иштирок этди (IPO амалиёти ташкилотчиси). Инвестицион воситачи сифатида эса «Тошкент» РФБ листингида турувчи «Ўзнефтьгазмаш» АЖ иштирок этди. «Ўзнефтьгазмаш» АЖ «Ўзбекнефтьгаз» миллий холдинг компанияси таркибига кириб, «Кўқон механика заводи» АЖнинг асосий акциядори ҳисобланади.

SPO амалиёти доирасида 2,2



млн. дона акция жойлаштирил-луви амалга оширилиши кўзда тутилган. Бунинг натижасида «Ўзнефтьгазмаш» АЖнинг улуши 64,08 фоизга тушади, бошқа акциядорларнинг улуши эса 35,92 фоизга ортади. Мутахассисларнинг фикрича, акциялар нархи 1,5 баробар ошиши кутилмоқда. Натижада акцияларнинг (2,2 млн. дона) 100 фоиз жойлаштирилувчи амалга оширилди. Талабномалар сони 2 821 065тани ташкил этди. 26,14 фоиз талаб қондирилмади. Бугунги кунда акциянинг ўртача нархи 1400-1460 сўми ташкил этади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, SPO ва IPO амалиётлари қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Айниқса, Ўзбекистон шароитида сармоядорларнинг қизиқишларини орттириш учун шундай амалиётларнинг миқёсини кенгайтириш лозим. Шу орқали фонд биржасига бўлган ишончининг ортиши деривативларнинг жорий этилишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар бозорининг самарадорлиги етарли даражада эмаслигига қарамай, ҳукумат томонидан ушбу соҳани ривожлантириш учун барча чора-тадбирлар кўрилмоқда. Капитал бозорини ривожлантириш, фонд биржаси фаолиятини халқаро миқёсда кўтариш, IPO ва SPO амалиётларини ўтказиш, деривативларни амалиётга жорий этиш, сармоядорларни қимматли қоғозлар бозорига жалб этиш каби чора-тадбирлар унинг самарадорлигини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Яқин келажақда республика-миз молия бозори, шужумладан фонд бозори дунё миқёсида рақобатбардош бўлишига эришиш, маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун қулай шароитлар яратиш – бугунги кундаги асосий вазифамиз. «Thomson Reuters» халқаро ахборот агентлиги билан йўлга қўйилган ҳамкорликни бу мақсадга эришиш учун илк қадам сифатида кўриш мумкин.

«Тошкент» РФБ хизматлари-

ни кенгайтириш мақсадида РЕПО битимларини қайта йўлга қўйиш лозим. РЕПО битимлари қимматли қоғозларни гаровга қўйиш йўли билан пул маблағларини қарзга олишнинг оммабоп усули ҳисобланади. Мижозга тегишли бўлган қимматли қоғозлар нафақат фойда келтириши, балки кредит маблағларини зудлик билан жалб қила оладиган самарали восита сифатида ҳам қўлланилиши мумкин.

Бугунги кунда фонд бозорига корпоратив қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган РЕПО битимлари қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази томонидан тасдиқланган ва Адлия вазирлигида 2004 йил 6 августда 1396-рақам билан рўйхатга олинган «Корпоратив қимматли қоғозлар билан репо битишувларини амалга ошириш тўғрисида»ги Низом асосида тартибга солиниб келинмоқда.

2004 йилдан бошлаб РЕПО келишувлари кенг миқёсда амалга оширилган эди. Лекин

«Тошкент» РФБ ва Корея фонд биржаси билан ҳамкорлик ўрнатилгандан кейин бу амалиётлар тўхтатилди. РЕПО битимлари миллий қонунчиликка биноан икки босқичда амалга оширилади: акция сотилиши ва қайтиб сотиб олиниши. Корея тизимида эса брокер масъулиятни ўз бўйнига олади ва РЕПО битими бир босқичда амалга оширилади. Шу жиҳатдан, РЕПО амалиётини ўтказишда номутаносибликлар мавжуд бўлгани учун ушбу турдаги битимлар ҳозирги кунда амалга оширилмаяпти.

РЕПО келишувларини кенгайтириш учун иккламчи бозорни ривожлантириш зарур. Бу йўналишда фонд биржасида иккламчи бозордаги келишувларнинг сони кам бўлсада, ҳажми бўйича юқори кўрсаткичга эга. Натижада 2016 йил давомида фонд биржасининг ўзида 22,3 млрд. сўмлик савдо битими тузилиб, шундан 0,4 млрд. сўмлик қисми (0,13 млн. АҚШ доллари) хорижий



ҚИСҚАЧА:

ЎЗБЕКИСТОН КАПИТАЛ БОЗОРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЯНА БИР ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШИ УНИНГ ЖАҲОН ФОНД БИРЖАЛАРИДА САВДО МАЙДОНЛАРИГА ЧИҚИШИДИР. БУ БОРАДА ЎЗБЕКИСТОН ТОМОНИДАН ЛОНДОН ФОНД БИРЖАСИГА 1 МЛРД. АҚШ ДОЛЛАРИ МИҚДОРИДА ЕВРООБЛИГАЦИЯЛАР ЖОЙЛАШТИРИЛИШИ ИЛК ҚАДАМ БЎЛДИ. УШБУ ОБЛИГАЦИЯЛАР ИККИТА ТРАНШДА ЖОЙЛАШТИРИЛАДИ: 2024 ВА 2029 ЙИЛЛАРДА 500 МЛН. АҚШ ДОЛЛАРИ МИҚДОРИДА. БЕШ ЙИЛЛИК ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗНИНГ ДАРОМАДЛИЛИГИ 4,7 ФОИЗ, ЎН ЙИЛЛИК ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗНИНГ ДАРОМАДЛИЛИГИ ЭСА 5,3 ФОИЗНИ ТАШКИЛ ҚИЛАДИ.


валютада амалга оширилди.

Бугунги кунга келиб иккламчи бозорнинг кенгайиши қимматли қоғозлар бозорининг жозбадорлигини оширишда асосий йўналиш бўлиб ҳисобланади. Сўнги даврлар давомида фонд биржаси савдо айланмасида қимматли қоғозларнинг иккламчи бозори устунлик қилиб келмоқда.

Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантирувчи истиқболли секторлардан яна бири банклардир. Ўзбекистон Республикаси Марказий депозитарийсида тасдиқланган акциялар чиқарилган ҳажмига кўра йирик (10 млрд. сўм миқдоридан юқори қийматдаги акциялар эмиссиясига эга), ўрта (3-10 млрд. сўм)

Диаграмма

«Тошкент» Республика фонд биржаси бирламчи ва иккламчи бозорлари нисбати



Манба: «Тошкент» РФБ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Жадвал

Еврооблигациялар жойлаштирилудаги асосий иштирокчилар

Транш	Даромадлилик (фоизда)	Британия сармоядорлари улуши (фоизда)	АҚШ сармоядорлари улуши (фоизда)	Европа давлатлари сармоядорлари улуши (фоизда)	Осиё мамлакатлари сармоядорлари улуши (фоизда)
2024	4,7	39	23	6	6
2029	5,3	32	31	10	10

Манба: «Тошкент» РФБ янгилликлари ва маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

ва кичик (3 млрд. сўм) иштирокчиларга бўлинади.

Тижорат банклари устав капиталда давлат улушининг пасайтирилиши томон йўл тутилгани маълум. Эътиборли жиҳати шундаки, давлат улуши қанча камайса, инвестор учун ўша корхонанинг акциялари шунчалик жозибадор ҳисобланади. Шунинг учун бу йўналишда давлат иштироки камайиши қимматли қоғозлар бозорининг ривожига ҳисса қўшиши мумкин.

Қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиши ҳисобклиринг фаолиятига ҳам боғлиқдир. Замонавий клиринг тизимлари, рискларни ва фонд бозори иштирокчиларининг транзакцион харажатларини камайтириш молиявий бозорнинг сифатли ривожланишига, ликвидлик ва бозорда нарх шаклланиши сифатининг ошишига, молиявий инструментлардан фойдаланиш самарадорлигининг ортishiга хизмат қилади. Булар эса, ўз навбатида, мавжуд инфратузилманинг янада барқарорлашуви учун янги шарт-шароитлар яратади.

Ҳисоб-клиринг палатаси фаолияти Ўзбекистон Республи-

касининг «Қимматли қоғозлар бозорининг ишлаш механизми тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 апрелдаги «Қимматли қоғозлар иккиламчи бозорини келгусида ривожлантириш чоралари тўғрисида»ги Фармони билан тасдиқланган бўлиб, «Қимматли қоғозлар бозорида ҳисоб-клиринг палатаси тўғрисида»ги Қарор ва қонунчиликнинг бошқа актлари билан тартибга солинади¹.

Ўзбекистон капитал бозори ривожланишининг яна бир истиқболли йўналиши унинг жаҳон фонд биржаларида савдо майдонларига чиқишидир. Бу борада Ўзбекистон томонидан Лондон фонд биржасига 1 млрд. АҚШ доллари миқдорида еврооблигациялар жойлаштирилиши илк қадам бўлди. Ушбу облигациялар икита траншда жойлаштирилади: 2024 ва 2029 йилларда 500 млн. АҚШ доллари миқдорида. Беш йиллик қимматли қоғознинг даромадлиги 4,7 фоиз, ўн йиллик қимматли қоғознинг даромадлиги эса 5,3 фоизни ташкил қилади.

Ушбу амалиёт Лондон фонд биржасида юқори талабга эга

бўлди ва институционал сармоядорлардан 150та сўровнома келиб тушди. Асосий сармоядорлар сифатида бошқарув фондлари (75 фоиз ва 78 фоиз), суғурта компаниялари ва нафақа жамғармалари (20 фоиз ва 16 фоиз) ва банклар (5 фоиз ва 6 фоиз) иштирок этишди. Ушбу жойлаштирувнинг ютуқли жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон илк бор муваффақиятли битим орқали халқаро бозорга чиқишга эришди;
 - Сармоядорларнинг ёрдами билан қимматли қоғознинг нархини белгилашда замонавий усуллардан фойдаланилди ва рейтинг кўтарилди;
 - Ўзбекистондаги бошқа давлат корхоналари ва ташкилотлари томонидан облигациялар чиқарилиши ва жойлаштирилиши режалаштириб қўйилди;
 - МДХ давлатлари орасида 2019 йилда илк бор мустақил облигациялар жойлаштирилиши амалга оширилди.
- 2017 йилнинг 17 январида Ўзбекистон Республикаси Президенти «Давлат мақсадли объектларини тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш учун сотиш тартибларини

¹ Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами, 2003 й., №7-8, 65-бет.

янада соддалаштириш ва сотишни жадаллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармонни имзолади. Ушбу фармоннинг учинчи қисми IPO амалиётларининг ўтказилишига қаратилган бўлиб, бу компаниянинг капиталини оширишга имкон бериши таъкидланган.

Капитал бозорида савдода бўлган акцияларнинг мавжудлиги компаниянинг қийматини баҳолашга имкон беради, у бирлашиш ва сотиб олиш (M&A) мақсадида менежерларнинг фаолиятини баҳолаш учун восита сифатида ишлатилиши мумкин. Компаниянинг акциядорлари ўзларининг акциялари аксарият қисмини ёки бир қисмини сотиш имконига эга бўлиб, шу билан бирга компаниянинг кутилаётган келажақдаги даромадларини капитализация қилиш имкониятини беради. Юқорида келтирилган қимматли қоғозлар бозорида рўй бераётган ўзгаришлар, шубҳасиз, унинг келажақдаги ривожини ва истиқболини белгилаб беради.

Миллий фонд бозори миллий хўжаликнинг асосий во-

ситаларига нисбатан янги ва етарлича ривожланмаган сегмент ҳисобланади. Ташқи ва ички омилларнинг мавжудлиги бир томондан миллий фонд бозорини ривожлантириши, бошқа томондан эса унга тўсиқ бўлиши мумкин. Молия бозорида иштирокчи банклар уч кўринишда қатнашиши мумкин (эмитент, сармоядор ва профессионал иштирокчи сифатида). Ўзбекистон банклари ривожланиши натижасида улар охириги пайтларда корпоратив облигациялар ва уларни жойлаштириш бўйича воситачи сифатида қатнаша бошлашди, бу, ўз навбатида, уларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги деривативларни самарали қўллашга ҳаракат қилаётганини билдиради.

«Тошкент» РФБ орқали амалга оширилган IPO ва SPO амалиётлари ўзининг ижобий самарасини берди. Рўй берган бир қатор камчиликлар эса кейинги амалиётлар даврида бартараф қилинади. Ушбу келишувлар, шубҳасиз, иккиламчи бозордаги битимлар сони ва ҳажмини оширишга хизмат қилади.

Қимматли қоғозлар бозорида мавжуд бўлган молиявий инструментлардан опцион шартномалари Ўзбекистон шароити учун энг мос ва ўринли ҳисобланади. Қонуний жиҳатдан мавжуд, лекин амалий жиҳатдан умуман қўлланилмайдиган ушбу инструмент сармоядор учун жуда қулай ҳисобланади ва рискни минимал даражага тушира олади.

Қимматли қоғозлар бозорида мавжуд рискларни камайтириш ва уларни хеджирлаш мақсадида консалтинг хизматлари ва хедж фондларни ташкил этиш масалалари ҳам долзарб ҳисобланади.

ABSTRACTS

FOREIGN EXPERIENCE IN APPLYING THE PRACTICE OF IPO (INITIAL PUBLIC OFFERING) IN THE STOCK MARKET OF UZBEKISTAN AND OPPORTUNITIES TO USE DERIVATIVES

This article focuses on the role of IPO and SPO practices in the development of the securities market of Uzbekistan, its existing problems and ways to solve them. Opportunities of using foreign experience, as well as measures to be taken to increase the number of investors in the stock market of Uzbekistan and to draw attention to it have been studied.

Манбалар:

- ¹ «Тошкент» РФБ Ахборот бюллетени, 2006-2019 й.й.
- ² Алексеев М.Ю. Рынок ценных бумаг. – Москва: Финансы и статистика, 2014. – 352 б.
- ³ Анкудинов Д. Интерес инвесторов будет расти // Экономическое обозрение. 2008, №9. – 23 б.
- ⁴ Бекмуродов А.Ш., Мирзаев Ф.И., Бердияров Б.Т., Нафасов Д., Соидов Ш. Тижорат банкларида рискларни баҳолаш ва бошқаришда қўлланиладиган халқаро мезонлар ва стандартлар. Ҳуқуқ қўлланма. – Тошкент, Ўзбекистон, 2013. – 64 б.
- ⁵ Халл Джон К. Опционы, фьючерсы и другие производные финансовые деривативы. – Москва, Санкт-Петербург. Вильямс, 2008. – 1044 б.
- ⁶ Шохъязамий Ш.Ш. Финансовый рынок и ценные бумаги. Книга II. – Т.: Iqtisod-moliya, 2005. – 829 б.
- ⁷ Шохъязамий Ш.Ш. Тадбиркор қимматли қоғозлар бозорида. – Т.: Адолат, 2002. – 331 б.
- ⁸ Finerty Johnson. Financial Derivatives: Second Edition. – Menn. Blackwell Publishers Ltd., 2009. – 770 p.
- ⁹ Graham Benjamin, Zweig Jason. The Intelligent Investor. – Dublin. HarperCollins Publishers, 2009. – 640 p.
- ¹⁰ Hull John C. Futures, Options and other Derivatives: Fourth Edition. – Washington. Prentice-Hall Inc., 2000. – 1024 p.
- ¹¹ www.uzse.uz



Сергей Воронин,
главный специалист
Института бюджетно-
налоговых исследований,
и.о. проф. Ташкентского филиала
РЭУ им. Г.В. Плеханова, д.э.н.



Дарья Угай,
ведущий специалист
Института бюджетно-
налоговых исследований

РОЛЬ САМОЗАНЯТЫХ В НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКЕ: ПЕРВЫЕ РЕЗУЛЬТАТЫ ДЕЙСТВИЯ НОВЫХ СТИМУЛОВ



Расширение самозанятости оказывает большое влияние на уровень заработной платы, занятости, а также на рост доходов населения и сокращение бедности¹. Данная взаимосвязь отчетливо проявляется в развивающихся странах, у которых сложилась высокая доля услуг в структуре ВВП и значителен масштаб теневой сферы (Диаграмма 1).

Анализ зарубежного опыта показывает, что в странах с высокими доходами доля самозанятых от общего уровня всех занятых в экономике составляет не более 15%, что говорит о достаточной удовлетворенности рынка труда необходимыми ресурсами и отсутствии критического недостатка рабочих мест. При этом разрыв бедности или дифференциация доходов между слоями населения складывается на сравнительно низком уровне (менее 0,5). Одной из причин этого является наличие широкого спектра социальных программ и высокий уровень социальной защиты.


В то же время, в странах с

доходами ниже среднего наблюдается противоположная тенденция. Так, в странах, в которых доля самозанятых составляет более 70% от всех занятых, рост рабочих мест обеспечивается за счет регистрации самозанятых, что оказывает положительное воздействие на экономику в целом. Основная часть занятых в странах с доходами ниже среднего использует малокавалифицированный труд. В результате распространения труда самозанятых происходит повышение его качества, сокращение теневого сектора за счет повышения грамотности населения, внедрения медицинского страхования, системы пенсионных

¹ Stephan J. Goetz, David A. Fleming, and Anil Rupasingha, *The Economic Impacts of Self-Employment*, *Journal of Agricultural and Applied Economics*, 44, 3 (August 2012).

Диаграмма 1

Средние значения показателей занятости в разрезе стран с различным уровнем доходов за период 2000-2019 гг.



Источник: данные Всемирного банка (индикаторы включают в себя самозанятых, так как в отдельности они не рассматриваются).

Примечание:

Данные в разрезе доходов приводятся в соответствии с методологией Всемирного банка. Шкала справа – разрыв бедности, коэффициент. Шкала слева – доля самозанятых в % в общем количестве занятых и доля занятых в % к численности населения.

Разрыв бедности – это коэффициент, при котором средний доход «бедного» слоя населения располагается ниже черты бедности (на уровне \$1,90 в день по ППС 2011 г.). Черта бедности определяется как половина среднего дохода домохозяйства от общей численности населения (охват населения – в возрасте 18–65 лет и людей старше 65 лет).

накоплений, и тем самым формируются программы их защиты и улучшаются условия для ведения деятельности².

В настоящее время в научных кругах широко распространено мнение о высоком уровне уязвимости индивидуальных предпринимателей и самозанятых к экономическим шокам. Это отчетливо проявилось в условиях широкого распространения коронавирусной пандемии. Однако в тех странах, в которых самозанятые граждане были зарегистрированы и облагались

налогами на оптимальном уровне, данная категория занятых смогла защитить себя в полной мере. Об этом свидетельствует позитивный опыт деятельности самозанятых в Чехии и Италии. В этих странах самозанятым в период действия ограничений были предоставлены выплаты на уровне минимального прожиточного минимума (Чехия) и минимальной заработной платы (в Италии) в целях качественной самоизоляции.

Анализ структуры распределения занятости в разви-

тых странах в разрезе отраслей экономики показал, что наибольшую долю занимают услуги в сфере бизнеса и профессиональной подготовки (консалтинг в сфере финансов, юридических и других услуг), а далее следуют строительство и сельское хозяйство. Доля услуг в сферах образования и здравоохранения, оптовой и розничной торговли составляет около 10% соответственно для каждого вида деятельности.

В странах с доходами ниже среднего основную долю в за-

² Gary S. Fields, *Self-employment and poverty in developing countries*, Cornell University, USA, and IZA, Germany, May 2014.



ности самозанятые имеют в сфере розничной торговли. В отдельных странах государство стимулирует деятельность самозанятых, обеспечивая тем самым продовольственную безопасность соответствующей страны (например, сельхозпроизводители в Эстонии).

Стимулирование сокращения занятости в теневом секторе посредством регистрации и оптимального налогообложения деятельности самозанятых обеспечивает высокую защиту этой категории населения.

До 2019 г. в Узбекистане к самозанятым относились граждане, которым были выданы временные трудовые удостоверения с правом на учет трудового стажа и получения стимулирующих льгот. Данная категория занятых лиц должна была самостоятельно осуществлять основанную на личном трудовом участии деятельность по оказанию услуг,

выполнению работ для физических и юридических лиц, направленную на получение трудового дохода.

В соответствии с Постановлением Кабинета Министров №566 «О введении временного трудового удостоверения для самозанятых граждан» от 9.07.2019 г. в республике было утверждено «Положение о порядке выдачи временного удостоверения самозанятым гражданам», «Перечень видов деятельности, по которым выдаются данные удостоверения» (24 вида). Граждане получили возможность легально работать в таких видах деятельности, как репетиторство, присмотр за детьми и пожилыми, уборка, мелкий ремонт, мойка автомобилей, выпас скота, народное целительство, сбор макулатуры и др.

За выдачу удостоверения с самозанятыми лицами взималась плата, которая была диффе-

ренцирована в зависимости от срока, на который оно выдавалось. Так, если удостоверение выдавалось на 1 месяц, то плата составляла 0,5 от базовой расчетной величины, на 3 месяца – 1,4 БРВ, 6 месяцев – 2,6 БРВ, 9 месяцев – 3,7 БРВ и 12 месяцев – 4,5 БРВ (Прил. 2 к ПКМ №566 от 9.07.2019 года). За исключением регистрационного сбора, самозанятые были освобождены от уплаты НДФЛ и ЕСП.

Начиная с даты выдачи и на период действия временных удостоверений весь период засчитывался в трудовой стаж граждан для исчисления пенсии. За выдачу удостоверения граждане должны были осуществлять платеж, который распределялся следующим образом: 60% – в Пенсионный фонд, 20% – в Государственный фонд содействия занятости и трудовых отношений и 20% – в бюджеты районов и городов.

С 1 сентября 2019 г. самозанятые получили право не оплачивать НДФЛ, не открывать расчетные счета в банках, не вести документацию по своей деятельности, не сдавать отчетность по доходам и не сдавать декларацию о доходах. В то же время у них появилась возможность пользоваться льготами и преференциями с обретением нового статуса.

Организации получили право привлекать самозанятых лиц к своей деятельности по оказанию работ и услуг на договорной основе. При этом оплата труда указанных лиц не являлась объектом исчисления единого социального платежа (ЕСП). Самозанятый может оказывать услуги или выполнять

работы для других физических или юридических лиц, вступая с ними в возмездные трудовые отношения.

Таким образом, уже в 2019 г. в Узбекистане появилась совершенно новая категория деятельности физических лиц. Государство предоставило им шанс выйти из тени, зарегистрироваться в качестве самозанятого и получать льготы с обретением нового статуса.

В то же время, принятых мер оказалось недостаточно для сокращения теневого занятости и поддержки предпринимателей в условиях распространения коронавирусной пандемии и действия вынужденных ограничений. Так, по данным Министерства занятости и трудовых отношений за январь-июнь 2020 г., уровень безработицы среди экономически активного населения составил 13,2% (в 1 полугодии 2019 г. – 9,1%), а число нуждающихся в трудоустройстве выросло до 1,94 млн. человек.³ Численность трудовых ресурсов составила порядка 19 млн. человек, а число занятых из-за негативного воздействия COVID-19 сократилось на 5% и составило 12,7 млн. человек. Из них только 5,5 млн. человек заняты в официальной сфере экономики и около 5,1 млн. чел – в неофициальной сфере.

Особенно высоким остается уровень неофициальной занятости в сферах строительства, торговли и общественного пи-



тания. Лишь 4,9 млн. человек из всех занятых в экономике в настоящее время оплачивают подоходный налог⁴.

Поэтому 8 июня 2020 г. в целях расширения занятости и сокращения теневого сферы были приняты новые меры поддержки предпринимательской деятельности и самозанятости (Постановление Президента №ПП-4742)⁵.

В соответствии с этим нормативным актом устанавливается, что доходы, полученные в результате трудовой деятельности самозанятых лиц, не включаются в состав совокупного дохода физического лица (данная льгота была ранее закреплена Налоговым кодексом в новой редакции и Постанов-

лением Кабинета Министров №566 от 9.07.2019 г.).

В настоящее время к самозанятым относятся физические лица, которые самостоятельно и при личном трудовом участии оказывают услуги, выполняют работы в целях получения дохода. При этом установлено требование, что самозанятые не должны быть зарегистрированными в качестве ИП и нанимать работников.

С 1 июля 2020 г. расширен и введен в действие перечень видов деятельности, которыми могут заниматься самозанятые лица, с 24 до 67 направлений. С этого момента регистрация их деятельности осуществляется в уведомительном порядке и отменена обязательная вы-

³ Отчет по итогам социологического обследования в 101 городе и районе Республики Узбекистан. Республиканский центр занятости и защиты труда. (Обращение 3.08.2020 г.) <https://www.gazeta.uz/2020/08/03/unemployment/>.

⁴ Выступление Президента Республики Узбекистан на совещании 27.07.2020 г. <https://www.gazeta.uz/2020/07/27/shadow-economy/>.

⁵ О мерах по упрощению государственного регулирования предпринимательской деятельности и самозанятости. Постановление Президента Республики Узбекистан от 8.06.2020 г. №4742.



дача временного трудового удостоверения самозанятого лица (соответственно, отмена платы за его выдачу).

Из этих 67 видов деятельности, доступных для самозанятых граждан, наиболее востребованными являются:

- сфера бытовых услуг (парикмахерские, маникюр, косметология, педикюр, стирка и глажка на дому, изготовление ключей, пошив обуви, ремонт и покраска);
- производство товаров народного потребления и сфера

услуг (продажа хлеба, попкорна на дому, мороженого, салатов, безалкогольных напитков, торговля сельхозпродукцией на дехканских рынках);

- услуги в сельском хозяйстве (выпас скота и уход, помощь владельцам приусадебных участков);

- услуги в промышленной сфере (деревянное зодчество, сантехника, электромонтаж, сбор макулатуры, пластика, металлолома и другое);

- социальные услуги (репетиторство на дому, присмотр за детьми и уход, ведение домашнего хозяйства, уборка помещений, народная медицина и другое);

- услуги в сфере ИКТ (работа в соцсетях, разработка программного обеспечения, мобильных приложений, сайтов и обработка текста).

В 2020 г. самозанятые лица, хотя и освобождены от подоходного налога, но в обязательном порядке должны уплачивать социальный налог в размере не менее 50% от суммы базовой расчетной величины (111 500 сумов) независимо от фактически отработанного времени в качестве самозанятого лица. Эти средства в полном объеме направляются во внебюджетный Пенсионный фонд. Из накопленных страховых взносов определяется размер заработка для исчисления пенсии. Пенсия для самозанятых исчисляется в порядке, установленном для индивидуальных предпринимателей.

Согласно пункту 10 Постановления Президента Узбекистана №4742 от 8.06.2020 г., на 2021 год также будет установлен минимальный размер

ВКРАТЦЕ:

В НАСТОЯЩЕЕ ВРЕМЯ В НАУЧНЫХ КРУГАХ ШИРОКО РАСПРОСТРАНЕНО МНЕНИЕ О ВЫСОКОМ УРОВНЕ УЯЗВИМОСТИ ИНДИВИДУАЛЬНЫХ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЕЙ И САМОЗАНЯТЫХ К ЭКОНОМИЧЕСКОМУ ШОКАМ. ЭТО ОТЧЕТЛИВО ПРОЯВИЛОСЬ В УСЛОВИЯХ ШИРОКОГО РАСПРОСТРАНЕНИЯ КОРОНАВИРУСНОЙ ПАНДЕМИИ. ОДНАКО В ТЕХ СТРАНАХ, В КОТОРЫХ САМОЗАНЯТЫЕ ГРАЖДАНЕ БЫЛИ ЗАРЕГИСТРИРОВАНЫ И ОБЛАГАЛИСЬ НАЛОГАМИ НА ОПТИМАЛЬНОМ УРОВНЕ, ДАННАЯ КАТЕГОРИЯ ЗАНЯТЫХ СМОГЛА ЗАЩИТИТЬ СЕБЯ В ПОЛНОЙ МЕРЕ. ОБ ЭТОМ СВИДЕТЕЛЬСТВУЕТ ПОЗИТИВНЫЙ ОПЫТ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ САМОЗАНЯТЫХ В ЧЕХИИ И ИТАЛИИ. В ЭТИХ СТРАНАХ САМОЗАНЯТЫМ В ПЕРИОД ДЕЙСТВИЯ ОГРАНИЧЕНИЙ БЫЛИ ПРЕДОСТАВЛЕНЫ ВЫПЛАТЫ НА УРОВНЕ МИНИМАЛЬНОГО ПРОЖИТОЧНОГО МИНИМУМА (ЧЕХИЯ) И МИНИМАЛЬНОЙ ЗАРАБОТНОЙ ПЛАТЫ (В ИТАЛИИ) В ЦЕЛЯХ КАЧЕСТВЕННОЙ САМОИЗОЛЯЦИИ.

суммы социального налога, уплачиваемого самозанятыми лицами.

Самозанятость является совершенно новым в республике форматом трудоустройства населения, который позволяет человеку легально работать на самого себя. При данном режиме труженики освобождены от подоходного налога, но они в обязательном порядке уплачивают социальный налог, что позволяет им накапливать трудовой стаж, учитывающийся при расчете размера пенсии по возрасту. В результате большой привлекательности этой формы деятельности число самозанятых лиц за короткое время выросло до 264336 человек. Только в сфере ИКТ уже зарегистрировано 4179 самозанятых. Регистрация самозанятых осуществляется в бесконтактном режиме в приложении Soliq и на Портале электронных государственных услуг налоговых органов tax.soliq.uz. В результате самозанятых лиц за короткое время выросло с 224 960 человек (на 8 августа) до 370 400 человек (на 31 августа 2020 года). Большая часть самозанятых по состоянию на 1 сентября работает в сфере бытовых услуг – 104,7 тыс., в сельском хозяйстве – 78,3 тыс., сфере социальных услуг – 66,4 тыс. человек.

Таким образом, в республике постепенно создаются благоприятные условия для расширения занятости за счет регистрации деятельности самозанятых граждан. Данная форма деятельности выгодна как для лиц, которые трудились в теневой сфере, так и для граждан, которые вернулись в Узбекистан в период коронавирусной



ВКРАТЦЕ:

В 2020 Г. САМОЗАНЯТЫЕ ЛИЦА, ХОТЯ И ОСВОБОЖДЕНЫ ОТ ПОДОХОДНОГО НАЛОГА, НО В ОБЯЗАТЕЛЬНОМ ПОРЯДКЕ ДОЛЖНЫ УПЛАЧИВАТЬ СОЦИАЛЬНЫЙ НАЛОГ В РАЗМЕРЕ НЕ МЕНЕЕ 50% ОТ СУММЫ БАЗОВОЙ РАСЧЕТНОЙ ВЕЛИЧИНЫ (111 500 СУМОВ) НЕЗАВИСИМО ОТ ФАКТИЧЕСКИ ОТРАБОТАННОГО ВРЕМЕНИ В КАЧЕСТВЕ САМОЗАНЯТОГО ЛИЦА. ЭТИ СРЕДСТВА В ПОЛНОМ ОБЪЕМЕ НАПРАВЛЯЮТСЯ ВО ВНЕБЮДЖЕТНЫЙ ПЕНСИОННЫЙ ФОНД. ИЗ НАКОПЛЕННЫХ СТРАХОВЫХ ВЗНОСОВ ОПРЕДЕЛЯЕТСЯ РАЗМЕР ЗАРАБОТКА ДЛЯ ИСЧИСЛЕНИЯ ПЕНСИИ. ПЕНСИЯ ДЛЯ САМОЗАНЯТЫХ ИСЧИСЛЯЕТСЯ В ПОРЯДКЕ, УСТАНОВЛЕННОМ ДЛЯ ИНДИВИДУАЛЬНЫХ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЕЙ.

пандемии. Лица, которые раньше трудились в неофициальном секторе экономики, могут легко зарегистрироваться и работать официально, пользуясь защитой государства (получение социального пакета, пенсии и др. возможности).

В заключение необходимо отметить, что в дальнейшем следует продолжать работу по улучшению условий для расширения занятости. Для этого необходимо шире использовать результаты социологических исследований, которые

проводятся Министерством финансов, Центральным банком, Министерством экономического развития и сокращения бедности, Министерством занятости и трудовых отношений и другими организациями. Принятие необходимых мер с учетом результатов социологических исследований позволит избежать ошибок при разработке и внедрении экономических инструментов поддержки предпринимательской деятельности и расширения занятости.

ABSTRACTS

THE ROLE OF THE SELF-EMPLOYED IN THE NATIONAL ECONOMY: THE FIRST RESULTS OF THE NEW INCENTIVES

According to this article, the expansion of self-employment has a large impact on the level of wages, employment, as well as the growth of incomes of the population and the reduction of poverty. This relationship is clearly manifested in developing countries, which have a high share of services in the structure of GDP and a significant scale of the shadow sphere.

ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИШНИНГ МОҲИЯТИ

ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛГАН ШАХСЛАР — БУ ТОИФА ХАТАРНИ БЎЙНИГА ОЛГАН ҲОЛДА, ДОИМИЙ ТАРЗДА ДАРОМАД ОЛИШ МАҚСАДИДА ЎЗГАЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БИЛАН ШАХСАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ КИШИЛАРДИР. ОДАТДА, УЛАР ХУСУСИЙ ТАДБИРКОР СИФАТИДА РЎЙХАТДАН ЎТМАЙДИЛАР ВА ЁЛЛАНМА ХОДИМЛАРГА ЭГА БЎЛМАЙДИЛАР. СЎНГГИ ВАҚТЛАРГА ҚАДАР БУ ТОИФАГА ДАВЛАТ ТОМОНИДАН МЕҲНАТ СОҲАСИ ИШТИРОКЧИЛАРИ СИФАТИДА ҚАРАЛМАГАН. БИРОҚ АЙНИ ПАЙТДА УЛАР ИЖТИМОИЙ НЕЪМАТЛАРДАН СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР БИЛАН БИР ХИЛ ТАРЗДА ФОЙДАЛАНАДИЛАР. ШУНИНГ УЧУН ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛГАН АҲОЛИ ҚАТЛАМИНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШ ВА ШУ ТОИФАДАГИЛАРНИ ҲАМ СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР САФИГА ҚЎШИШ МУАММОСИ ТУҒИЛДИКИ, 2020 ЙИЛДАГИ ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА БУНГА ЭҲТИЁЖ ЯНАДА КУЧАЙДИ.



ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛГАНЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ АСОСЛАРИ

Биринчидан, ҳозирги вақтда ўзини ўзи банд қилганларни солиққа тортишда Адам Смит томонидан белгилаб берилган ва ўзининг долзарблигини йўқотмаган қуйидаги тамойилларга риоя этилиши лозим:

- 1) адолатлилик тамойили;
- 2) аниқлик тамойили, яъни солиқ барча элементларининг солиқ тўловчилар учун маълумлиги;
- 3) қулайлик тамойили, яъни солиқ уни тўловчилардан улар учун қулай даврда ва қулай усулда ундирилиши;
- 4) тежамкорлик тамойили, яъни солиқ ундириш билан боғлиқ харажатларнинг минималлаштирилиши ва давлат бюджети даромадларини максималлаштириши.

Иккинчидан, Адам Смит назарда тутган адолат тамойили ва ижтимоий неъматларни ишлаб чиқариш назарияси (Ж.М. Бьюкенен, Э.Б. Аткинсон, Ж.Э. Стиглиц, М. Олсон ва бошқалар) ижтимоий неъматларни яратиш учун жамият барча аъзолари томонидан солиқ тўланиши лозимлигини асослайди. "Ягона солиққа тортиш" назариясини илгари сурган К. Викселнинг

концепцияси солиқ тўловчига нисбатан индивидуал ёндашувга асосланади ва ижтимоий неъматлар ҳақидаги классик нуқтаи-назарнинг мантиқий интиҳоси ҳисобланади. Бунда, Виксель адолатли тарзда таъкидлаганидек, ҳаётда солиқ тўловчи, агар унда пулни жамоат эҳтиёжлари ёки шахсий эҳтиёжлар учун сарфлаш йўлини танлаш имконияти бўлса, у албатта шахсий эҳтиёжларни танлайди ва бу билан ўзининг фойдалилигини максималлаштиради. Фуқаро қанча солиқ тўлаётганидан қатъи назар, бу тўловнинг ижтимоий неъматлардан олинадиган манфаатлар билан қанчалик алоқадорлигини англамайди. Йирик капитал эгалари эса йирик солиқ тўловчи ва манфаат кўрувчи сифатида давлат тизимини қўллаб-қувватладан кўпроқ манфаатдор бўладилар. Шу боис солиқлар солиқ тўловчининг мувозанатланмаган ҳолатда сақлаб турилишини қўллаб-қувватловчи мажбурий чора деб қаралади.


Учинчидан, солиқлар – макроиқтисодий боғлиқликлар асосида ундириладиган тўловлар бўлиб, ҳозирги замон назариялари, биринчи ўринда Ж.М.Кейнснинг "самарали талаб" ва "таклиф иқтисоди" би-

лан асослантирилган. Кейнс назариясига кўра, солиқлар – талаб меъёри, жамғариш меъёри ва такрор ишлаб чиқаришнинг мақбул тузилмасини тартибга солиш учун мақсадли равишда фойдаланилувчи дастакдир. Бу тизимда прогрессив солиққа тортиш нафақат жисмоний шахсларни солиққа тортишга нисбатан, балки бутун бизнесни (йирик, ўрта, кичик ва амалда ўзини ўзи банд қилиш ҳисобланадиган микробизнесни) солиққа тортишга нисбатан татбиқ этилиши мумкин. Натижада иқтисодий жиҳатдан мақбуллик ва ижтимоий адолат унча катта бўлмаган, жумладан, ўзини ўзи банд қилганлар олган даромадни солиққа камроқ тортиш лозим эканлигини асослайди. Тахлиллар шуни кўрсатадики, солиққа тортишнинг максимал даражаси қўшилган қийматнинг 35%и даражасида бўлиши лозим.

ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ ШАРТЛАРИ ВА МОҲИЯТИ

Бозор муносабатлари ва унинг циклик депрессиялар кўринишидаги ажралмас қисми, шунингдек, саноатни реструктуризациялаш жараёнлари, иқтисодиёт барча тармоқларида трансформация жараёнлари меҳнатга лаёқатли аҳолини расмий иқтисодиётдан сиқиб чиқарадики, уларнинг бир қисми ўзини ўзи банд қилиш билан шуғулланади. Бозорга асосланган иқтисодий муносабатлар тенгсизликнинг сабаби ва табиий муҳити деб тан олинади.

Сўнги вақтларда мамла-



катимизда ҳам камбағаллик, аҳоли орасида уларнинг сони каби маълумотлар очиқ эълон қилина бошлади. Кўпинча ҳатто ишлаётганлар ҳам етарли даражадаги маблағни жамғаролаётгани ҳам маълум ҳақиқат. Камбағалликни қисқартириш бўйича тегишли вазирлик очилгани ҳам бежиз эмас. Шу боис аҳолининг ўзини ўзи банд қилиши ҳолати мавжуд бўлиб келди.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, мамлакатимизда жорий этилган янгича ижтимоий муносабатлар, яъни ўзини ўзи банд қилганларни расмий рўйхатга олиш амалиёти жорий этилиши, бир томондан, аҳолининг мазкур қатламида тadbиркорлик ташаббуси тан олиншини аңлатса, иккинчи томондан, бюджет қўшимча даромад манбаи билан таъминланишини билдиради. Шуниси эътиборга молиқки, ўзини ўзи банд қилган киши ўзида ҳам тadbиркор, ҳам ходимни бирлаштиради ва шу йўл билан капитал ҳамда ёлланма меҳнат ўртасидаги зиддиятларга барҳам беради. Бунда потенциал даромад ва ўзини ўзи банд қилганларга нисбатан қўлланиладиган солиқ ставкаси ўртасида шундай мутаносибликни қўллаб-қувватлаш лозимки, токи аҳолининг бундай тоифаси шу тарзда расмий фаолият кўрсатишдан манфаатдор бўлсин.

ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИШНИНГ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАСИ

Европада ўзини ўзи банд қилишни қўллаб-қувватлаш бўйича илк дастурлар 1970–1980-йилларда пайдо бўлди ва улар аҳолининг

шаклланиб улгурган ўзини ўзи банд қилиши воқелигини легаллаштиришдан эмас, балки ишсизларга хусусий корхона очишларига кўмаклашишдан иборат бўлди. Бунда ўзини ўзи банд қилиш шахсий меҳнатга асосланган ва ёлланма меҳнатдан фойдаланмайдиган тadbиркорлик фаолияти сифатида тан олинди. Институционал меъёрлар кичик бизнес билан шуғулланишда аҳолига кўмаклашиш нуқтаи назардан шакллантирилди. Масалан, молиявий кўмак олиш учун бизнес-режа тузиш (Франция), малака тўғрисидаги сертификатга эга бўлиш (Германия, Испания) лозим эди. Айнан хусусий тadbиркорлик қўллаб-қувватланарди: давлат ва маҳаллий бюджет ҳисобидан нафақалар тўланарди (Германияда уч йил давомида), шунингдек, кўмакнинг бошқа турлари ҳам амал қиларди. Бу-

гун ЕИ аъзо-давлатларида ўзини ўзи банд қилганлар сони аҳоли умумий миқдорининг 5,6%ини ташкил этади.

ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзини ўзи банд қилганларнинг рўйхатга олиниши кўпгина иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этади ва иқтисодий муносабатлар деярли барча томонлари – давлат, алоҳида фуқаролар, минтақаларнинг манфаатларини акс эттиради ва иқтисодий ўсишнинг лоқомотиви бўлган тadbиркорлик ривожига кўмаклашади.

ТУРЛИ МАМЛАКАТЛАРДА ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзини ўзи банд қилиш кўп мамлакатларда қўлланилади. Масалан, Германияда агар



фуқаро диний ташкилотга аъзо бўлса, унинг даромадидан қўшимча 2–3% тўлов ундирилади. АҚШда эса ўзини ўзи банд қилган фуқаро иш столи ва компьютер харид қилгани учун солиқ чегирмаларига эга бўлади. Келинг, бу ҳақда батафсилроқ тўхталамиз.

GERMANYA

Ўзини ўзи банд қилганлик ҳолатини расмийлаштириш учун идентификацион рақам – IdNr олиш лозим бўлади. Буни биздаги СТИРга тенглаштириш мумкин. IdNr ни солиқ идорасига ариза топширганингиздан кейин уч ҳафта ичида олишингиз мумкин. Унда таҳмин қилинаётган даромад, фаолият тури, диплом, оилавий ҳолат ҳамда аризачи черковга қатнаши ёки қатнамадлиги каби маълумотлар кўрсатилади лозим.

Солиқлар. Ўзини ўзи банд қилганлар даромад солиғини



прогрессив шкала бўйича тўлайдилар: қанча кўп даромад олсангиз, шунча кўп солиқ тўлайсиз.

Германияда биздаги каби давлат хизматлари агентлиги мавжуд эмас. Қабулга ёзилиш бир ой олдин ва фақат телефон орқали амалга оширилади. IdNr ни олганингиздан кейин ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида фаолият кўрсатишингиз мумкин.

Германияда диний ташкилотларнинг аъзолари черков солиғини ҳам тўлайдилар, бу даромаднингизнинг 2–3%ини ташкил қилади ва диний ташкилотларга расман аъзо бўлган шахсларга нисбатангина қўлланилади (солиқнинг бу тури Германия, Австрия, Хорватия, Швеция, Дания, Финляндия, Исландия, Италия, шунингдек, Швейцариянинг айрим кантонларида мавжуд). Бу солиқни тўламаслик учун ФХДЁ бўлимидан махсус маълумотнома олишингиз ва уни солиқ идорасига тақдим этишингиз керак. Бу ҳужжатда фуқаро черковда рўйхатда туриши ёки турмаслиги кўрсатилади.

Бунга қўшимча равишда ўзини ўзи банд қилган шахс тиббий суғурта учун бадал сифатида даромаднинг 7,7%ини тўлаши шарт. У ҳаётга хавф туғилиши билан боғлиқ ҳолатларни қоплаш (масалан, тез тиббий ёрдам келиши ва касалхонада тезкор операция қилиш) учун ишлатилади.

Демак, ким черковга қатнаса, даромаднинг 9,7-10,7%ини тўлайди (тиббий суғурта билан бирга). Диний ташкилотларга аъзо бўлмаганлар фақат тиббий суғурта учун 7,7% тўлайдилар. Ҳар иккала ҳолатда ҳам бунга 0 дан 45%гача бўлган даромад солиғи кўшилади.

Олинган даромад ҳақида қандай ҳисобот берилади? Германияда солиқ ҳисоботи жуда ноқулай ва мураккабдир. У махсус сайт орқали амалга оширилади.

Дастлаб декларацияда ойлик даромад миқдори кўрсатилади, болалар бор-йўқлиги ва тиббий суғурта шакли акс эттирилади.

Иккинчи қадам – оилавий аҳволингиз ва нимадан даромад олганингиз кўрсатилади.





Учинчи қадам – ҳар бир бўлим тўлдирилади: ҳисобварақ реквизитлари, қайси солиқ идорасида ҳисобда туришингиз, паспорт маълумотлари ва IdNr рақами кўрсатилади. Булар билан бошини қотириб ўтиришни истамаганлар ойига 50 евро тўлаш шарти билан солиқ агентини ёллайдилар.

Банк ҳисобварағи реквизитлари, яъни IBAN ва BIC-ни банкдан оласиз: банк ҳисобварағи реквизитлари фақат унинг эгасига паспорт тақдим этилган ҳолда берилди.

Тўртинчи қадам – тиббий ва кўшимча суғурта бадаллари миқдори кўрсатилади. Базавий тўловгина мажбурий – агар ҳаётга бирор нарса хавф солаётган бўлса. Бунинг учун даромаднинг 7,7% фоизини тўлайсиз.

Мазкур ҳисобот 31 июлга қадар тақдим этилиши шарт. Агар, айтайлик, 2018 йил учун ҳисобот топшираётган бўлсангиз, ҳужжатларни 2019 йилнинг 31 июлигача топширингиз талаб этилади. Агар бу муддатни ҳеч бўлмаганда бир

ойга кечиктирсангиз, солиқ суммасининг 10% миқдорига жарима тўлайсиз, бироқ унинг миқдори 25 000 евродан ошмайди.

Ўзини ўзи банд этган шахс айёрлик қилиб, «минижобс» усулини қўллаши, яъни ўриндошлик асосида ишлаши мумкин. Бунда бир жисмоний шахс ёки компания билан ҳар қандай шаклдаги шартнома: пудрат ёки меҳнат шартномаси расмийлаштирилади. Агар бунда даромад ойига 450 евродан кам бўлса, солиқ тўламаслигингиз мумкин. Шу боис кўпинча декларацияда фақат 450 евро кўрсатилиб, қолган даромадни конвертда олишади.

Агар ходимда бундай «минижобс»лардан бир нечта бўлсаю, солиқни фақат биттасидан тўласа, солиқ идораси солиқ тўланмаган ҳар бир ҳолат учун 5000 евродан жарима қўллайди.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯ

Расмийлаштириш. Бу мамлакатда хусусий тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилганлар фарқланмайди – бу ерда

фақат хусусий тадбиркорлар бор. Тадбиркор бўлиш учун корейликлар солиқ идорасига мурожаат қилишади. Ариза бериш учун паспорт, даромадлар ҳақидаги маълумотнома, офис ижараси ёки хариди ҳақидаги чек тақдим этилади. Солиқ идорасидан хатни ўрта ҳисобда бир ой кутишингизга тўғри келади.

Солиқлар. Даромад солиғи прогрессив тизим асосида тўланади, бундан ташқари 10% миқдорига қўшилган қиймат солиғи ҳам тўланади.

Натижада жанубий корейлик тадбиркор даромадидан камида 8% ва бунга кўшимча равишда 10% ҚҚС тўлайди. 10 млн вон даромад олинган бўлса, қатъий белгиланган бадал тўланади ва солиқ фоизи ошадди.

Даромадлар ҳақидаги ҳисобот. Ҳисоботлар май ойида тақдим этилади – масалан, 2017 йил учун декларацияни корейликлар 2018 йил май ойида топширишган. Бунга қадар февраль ойида хусусий тадбиркорнинг почтасига солиқ тўлаш тўғрисидаги хабарнома ва солиқ чегирмасини расмийлаштириш учун бланк юборилади. Бу ҳужжатларни тадбиркор солиқ идорасига олиб боради. Бир ҳафта ўтгач, солиқ чегирмаси маъқуллангани ҳақида хабар келади. Бу сумма ҳисобвараққа уч ой ичида қайтарилади. Тадбиркор офисдан узокда яшаса ва транспорт харажатлари учун даромадининг 5%идан кўп қисми сарфланадиган бўлса, у чегирмадан фойдаланиш имкониятига эга.

Ходимларга ойлик иш ҳақи (агар бўлса), канцелярия мол-

лари, офис техникаси, офис ижараси, иш фаолияти учун зарур дастурий таъминот – буларнинг ҳаммасини декларацияда кўрсатиб, солиқдан чегирма олиш мумкин.

АВСТРАЛИЯ

Расмийлаштириш. Австралиядаги тижорат порталида рўйхатдан ўтиш лозим бўлади – бу Ўзбекистонда ўзини ўзи банк қилишни расмийлаштириш тартиб-таомили каби амалга оширилади. Кейин Tax File Number, яъни солиқ тўловчининг идентификацион рақамини (СТИР) олиш керак бўлади.

Бунинг учун сайтда анкета тўлдирилади: жинси, ёши, яшаш жойи ва даромад тури кўрсатилади. Кейин бўлажак ўзини ўзи банд қилувчи почта ёки ижтимоий хизматлар вазирлигига паспорти билан боради ва Tax File Number олади. Шундан сўнг декларацияни тақдим этиб, интернетда хизматларни тақдим этиш учун солиқ идорасининг хизматларига улашиш мумкин бўлади.

Расмийлаштириш учун 28-30 кун талаб этилади. Tax File Number олмасдан ҳам иш бошласа бўлади, бироқ бунда кўпроқ солиқ тўлашга тўғри келади.

Солиқлар. Австралияликлар солиқларни прогрессив шкала бўйича ва бунга қўшимча равишда даромаднинг 2%и миқдорида тиббий суғурта – Medicare учун бадал тўлашади. Бу маблағ хусусий клиникада даволаниш қиймати, тез тиббий ёрдам, хорижда тиббий ёрдам кўрсатиш учун харажатлар ва ҳатто косметик жарроҳлик харажатларини қоплайди.

Австралияда ўзини ўзи банд қилган киши тиббий суғуртага камиди 2% тўлайди. Агар даромад йилига 18,2 минг доллардан кўп бўлса, тушумдан яна 19% тўланади. 37 минг доллар даромад олинганда қатъий белгиланган бадал тўланади ва солиқ миқдори ошади.

Даромадлар ҳақида ҳисобот бериш. Декларация бир йилда бир марта, 30 июнга қадар юборилади. Бунинг учун Давлат хизматлари марказига ўхшаш тарзда ишловчи идора орқали телефон рақами асосида аутентификация ўтказилади ва сайтда “солиқ хизмати” танланади. Шундан сўнг ўзини ўзи банд қилган шахс ўзи ҳақидаги, оилавий ҳолати, даромади, сўнги икки йил ичидиги харажатлари тўғрисидаги маълумотни ва банк реквизитларини тақдим этади.

ПОЛЬША

Ўзини ўзи банд қилганликни расмийлаштириш учун солиқ рақами керак бўлади, бу давлатда ҳам СТИР олинади. У кишига туғилган вақтдаёқ берилади. Шу рақам ва паспорт билан поляклар иш берувчига борадилар.

Польшада жами уч хил меҳнат шартномаси мавжуд.

Меҳнат тўғрисидаги шартнома – ҳақи тўланадиган таътил, нафақа тўловлари ва касаллик варақаси бериладиган иш.

Кафиллик шартномаси – нафақасиз, таътилсиз ва касаллик варақаларисиз.

Иш тўғрисидаги шартнома – ходим даромад солиғини ўзи тўлаши лозим.

Польшада ўзини ўзи банд қилганлар иш тўғрисидаги шартномани расмийлаштирадilar.

Солиқлар. Ўзини ўзи банд қилганлар прогрессив шкала асосида даромад солиғи тўлайдилар. Суғурта ва нафақа тўловлари – хоҳишга кўра тўланади.

Даромадлар ҳақида ҳисобот топшириш. Ўтган йил учун даромадлар ҳақидаги декларация солиқ идорасига солиқ тўловчининг ўзи томонидан ёки махсус дастур орқали 30 апрелга қадар юборилади. Дастурда рўйхатдан ўтиш, паcпорт маълумотларини ва ўтган йил учун даромадларнинг умумий миқдорини киритиш талаб этилади.

АҚШ

Расмийлаштириш. Ўзини ўзи банд қилганлик мақомини олиш учун худди биздаги каби СТИР олинади. Буни почта, факс ёки солиқ хизматининг сайти орқали амалга ошириш мумкин. Сайтда ўзи ҳақидаги маълумотлар, банк реквизитлари киритилади ва иш жойи кўрсатилади (уйда ёки офисда).

Буларнинг ҳаммаси учун 2 ҳафта вақт талаб этилади. Солиқ идорасида ариза ёзиш шарт эмас. Солиқ идораси ўзини ўзи банд қилувчи эканлигини 1040-махсус шакл орқали тўлдирилган декларациядан ҳам билиб олаверади.

Солиқлар. АҚШда энг содда тизим қўлланилади – барча ўзини ўзи банд қилганлар даромаддан 15,3% тўлайдилар. У 12,4% даромад солиғи ва 2,9% тиббий суғурта бадалини ўз ичига олади. Агар йилига 137 700 АҚШ долларидан кўп даромад олсангиз, унда фақат тиббий суғурта учун ҳақ тўлайсиз.


1 январдан 15 апрелгача солиқ тўловчилар ўтган йил учун декларация тақдим этишлари шарт. Уни тақдим этишнинг уч йўли бор:

- қўлдан тўлдириш ва маҳаллий солиқ идорасига элтиб топшириш;

- АҚШ солиқ идорасининг сайтидаги махсус шакл орқали;
- солиқ агенти орқали.

Айёрлик қилиш ва жарималар. Ўз уйида ишловчи ўзини ўзи банд қилган шахс алоқа тармоғи, иш учун харид қилинган компьютер, интернет ва ҳатто ижарага олинган хонадонда стол эгаллаб турган майдон учун чегирма олиши мумкин.

АҚШ солиқ хизмати солиқ тўловчиларни бир йилда икки мартаба тўсатдан текшириши мумкин. Агар ўзини ўзи банд қилган шахс декларация қилинмаган даромадни тасдиқлаб ёки оширилган чегирмани асослаб бера олмаса,



унга нисбатан 20-75% пеня ҳисобланиши мумкин. Бунда солиқ ўз вақтида тўланмаган тақдирда пеня доимий равишда ошиб боради. Алоҳида мураккаб ҳолларда иш судгача бориб етиши мумкинки, унда солиқ тўламаган шахсга нисбатан жарима ёки қамоқ жазоси қўлланилиши мумкин. Демак, АҚШда солиқ тўлаш ботида айёрлик қилиш нафақат мураккаб, хавфли, балки жуда серхаражат ишдир.

Фрилансерлар учун мўлжалланган Upwork сервисида ўзини ўзи банд қилганлар атай орттирилган солиқ чегирмаларини тақдим этганлар. Масалан, иш учун учта айфон харид қилганларини билдирганлар. Аслида эса



бу телефонлар дўстлар учун совға эди. Бироқ мазкур сервис солиқ чегирмасини ҳисобга олиш имкониятини бекор қилди, шу тариқа америкаликлар айёрлик қилишининг мазкур усулидан маҳрум бўлдилар.

РОССИЯ

Расмийлаштириш. Жисмоний шахслар ва ёлланган ишчиларга эга бўлмаган, йилига кўпи билан 2,4 млн рубль даромад олувчи тадбиркорлар ўзини ўзи банд қилганлар бўлишлари мумкин.

Ўзини ўзи банд қилганлик мақомига эга бўлиш учун "Менинг солиғим" бепул иловасини юклаб олиш ёки солиқ идорасининг махсус сайтига

кириш лозим. Иловада Давлат хизматлари идорасининг ҳисобга олиш хизмати орқали ёки паспорт бўйича рўйхатдан ўтиш талаб этилади.

Илова ўрнатиб бўлингач, фойдаланувчи рўйхатдан ўтиш усулини танлайди. Бунда телефон рақами кўрсатилиши, минтақа танланиши лозим.

Ўзини ўзи банд қилган даромад олиши билан «Янги сотув» тугмасини босади. Кейин эса СТИР, хизматлар рўйхати ва олинган ҳақ миқдорини киритади. Сўнг илова орқали чекни юборади.

Шахсий кабинетда яна карта, паспорт ва СТИР маълумотлари киритилиши мумкин. Илова автоматик тарзда барча солиқлар миқдорини ҳисоблайди, харажатлар статистикасини юритади ва тўлов ҳақида эслатма юборади. Солиқ тўлаш учун аввал «Тўлаш» тугмаси босилади, пуллар банк картасидан автоматик тарзда ечиб олинади.

Илова ёрдамида санокли сониялар ичида даромадлар ҳақида маълумотнома, шунингдек, ўзини ўзи банд қилган шахс эканлигини ҳақидаги маълумотномани олишини мумкин.

Шунингдек, «Кармон» бепул хизмати ҳам бор. У "Менинг солиғим" иловасидаги барча операцияларни автоматлаштиради: буюртмачиларга ўзи тўлов учун счётақдими этади, чекларни юборади, солиқларни тўлайди. Пулни ҳар қандай банк картасига чиқариш мумкин.

Солиқлар. Ўзини ўзи банд қилганлар солиқни ҳар ойнинг 25-санасигача тўлайдилар. Масалан, апрель ойи учун солиқ 25 майгача тўланиши лозим. Агар фуқаро жисмоний шахс билан ишласа, даромадидан

4%, агар юридик шахс билан ишласа 6% солиқ тўлайди.

Бундан ташқари, давлат барча ўзини ўзи банд қилганларга 10 000 рубль миқдоридан бир марталик солиқдан чегирма ажратади. Бу пуллар даромад солиғининг бир қисмини қоплайди. Агар жисмоний шахслар билан ишласангиз, 4% ўрнига 3% тўлайсиз, юридик шахслар ва хусусий тадбиркорлар билан ишласангиз 6% ўрнига 4% тўлашингиз керак. Буларнинг барчасини мобил илова автоматик тарзда ўзи бажаради.

Пул тугагунча фоизлардаги фарқ 10 000 рубль ичидан чегириб қолинади. Кейин чегирма олиш мумкин бўлмайди.

Мазкур лойиҳа 2020 йилнинг 1 июлига қадар Россия Федерациясининг 23 минтақасида ишлаб турган бўлса, шу санадан бошлаб у бутун Россия бўйлаб татбиқ этилди.

**Инновация бўлими
томонидан тайёрланган.**

ABSTRACTS

This review examines the essence of self-employment, the history of its emergence and formation in developed and developing countries, as well as the peculiarities of registration, taxation, tax deductions, prospects and other issues. Self-employment issues are gaining relevance amid the introduction of various restrictions related to the coronavirus pandemic.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.09.2019 йилдаги ПҚ-4453-сонли «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида «хомашёни чуқур қайта ишлаш асосида бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда юқори қўшилган қийматга эга тўқимачилик, тикув-трикотаж, чарм-пойабзал ва мўйначилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилишнинг 2020-2025 йилларга мўлжалланган мақсадли вазифалари»¹ белгилаб берилган. Кўриниб турибдики, тўқимачилик саноатида бундай стратегик вазифаларнинг қўйилиши тўқимачилик корхоналарида маркетинг фаолиятини бошқариш масалалари бугунги кунда долзарб эканлигини англади.

Авваламбор, тўқимачилик корхоналарида маркетинг фаолиятини бошқариш самарадорлигини баҳолашда республикамизда тўқимачилик саноатининг бугунги кундаги ҳолатини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, тўқимачилик саноати ривожланишида тармоққа жалб қилинаётган инвестицияларнинг роли катта. Таҳлил натижаларига кўра, 2019 йилда тўқимачилик соҳасида 792,5 млн. АҚШ долларилек инвестициялар ўзлаштирилди, шундан 269,1 млн. АҚШ доллари (улуши 37,4 фоиз) тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ташкил этиб, 51 та янги ва модернизация қилинган енгил саноат корхоналари асосан қишлоқ жойларида ишга туширилди. Натижада 2018 йилга нисбатан калава ип ишлаб чиқариш қувватлари – 166,5 минг тоннага, газлама ишлаб чиқариш – 132,2 млн. кв. метрга, трикотаж матоси – 27,2 минг тоннага, тайёр маҳсулотлар – 62,6 млн. донага ва пайпоқ маҳсулотлари – 16,3 млн. жуфтга оширилди².

Бундан ташқари, тармоқда 720 минг тоннадан ортиқ пахта толаси қайта ишланиб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръатлари 115 фоизга (14,9 трлн. сўм), истеъмол моллари эса 119 фоизга (8,8 трлн. сўм) ва уларнинг улуши 2018 йилга нисбатан 2019 йил якунига кўра 2 фоизга (57 фоиздан 59 фоизга) ўсди.

Шунингдек, тармоқда 780дан зиёд корхоналар томонидан 1,9 млрд. АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулот экспорт қилиниб, тайёр

маҳсулотларнинг улуши 2018 йилга нисбатан 2019 йилда 5 фоизга (46 фоиздан 51 фоизга) ўсди. Корея, Италия, Туркия ва Болгариядан машҳур «бренд»га эга бўлган хорижий дизайнёрлар билан биргаликда 120та янги турдаги, 229 хил ассортимент ва моделлардаги маҳсулотлар ўзлаштирилди. Тармоқнинг экспорт географияси кенгайтирилди, янги истеъмол бозорлари топилиб, буюртмалар портфелини шакллантириш мақсадида тармоқ корхоналари МДХ, Европа Иттифоқи, Кавказ, Эрон, Туркия, Корея, Хитой ва Россия давлатларида ўтказиладиган Халқаро кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этиб, салоҳиятли бозорларда янги савдо уйлари ташкил этилди.

Ҳозирда ташқи бозорларга кенг қўламли маҳсулотларни етказиб беришни таъминлаш мақсадида тармоқ корхоналарининг хориждаги ярмарка-кўргазмаларида иштироки таъминланиб келинмоқда. 2019 йилнинг биринчи чорагида Германия, Буюк Британия, Америка Қўшма Штатлари, Бангладеш, Россия ва бошқа давлатларда бўлиб ўтган тадбирларда қарийб 90га яқин корхоналар иштирок этиб, 200 млн. АҚШ долларилек қўшимча шартномалар имзоланди. 2019 йилнинг 1 ярми бўйича эса ушбу кўрсаткич 650 млн. АҚШ долларидан ортди ҳамда жами 2,3 млрд. АҚШ долларилек (ёки йилдаги экспорт режасига нисбатан 120 фоиз миқдориди) кафолатли экспорт шартномалари тузилди. Шунингдек, экспорт тузилмасида қўшимча ва юқори қўшилган қийматга эга бўлган тўқимачилик маҳсулотлари улушини ошириб бориш ҳамда экспорт фаолиятига янги корхоналарни жалб этиш ҳисобига 2019 йил якунларига кўра 200 млн. АҚШ долларилек қўшимча валюта тушумлари амалга оширилди.

Бундан ташқари, маҳаллий маҳсулотларни экспортга чиқариш қўламлигини кенгайтириш мақсадида уларни интернет магазинлар, жумладан «Amazon» интернет савдо тизимига олиб чиқиш ва сотилган товарларни харидорларга почта орқали етказиб бериш бўйича амалий ишлар олиб борилди. Бунинг натижасида 2019 йилнинг ўзида тайёр маҳсулотлар йиллик экспорт ҳажмлари қарийб 32 млн. АҚШ долларига ошди. Корхоналарда маҳаллийлаштириш дастури (маҳсус текстиль материаллар, кимёвий модда-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.09.2019 йилдаги ПҚ-4453-сонли Қарори.

² «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси маълумотлари.

лар, фурнитура ва галантерея, айрим технологик дастгоҳлар) ҳамда кооперацион алоқаларни ривожлантириш асосида 68,1 млн. АҚШ долларлик импорт ўрини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Сифатни бошқариш тизими 100дан ортиқ корхоналарда жорий этилиб, уларнинг улуши умумий корхоналар сонига 74 фоизга етказилди. Тармоқ корхоналарида 210та халқаро стандартлар жорий этилди.

2016 йил 21 декабрда қабул қилинган 2687-сонли Қарорда белгиланган «2017–2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш Дастури» бўйича республиканинг барча ҳудудларида 2017–2019 йилларда амалга ошириш режалаштирилган 132та лойиҳа тўлиқ ишга туширилди. 2019 йилда мавжуд корхоналарни модернизация қилиш, янги кувватларни яратиш, «Маҳаллийлаштириш», «Касаначилик», «Обод қишлоқ ва маҳалла» дас-

турлари доирасида олиб борилган ишлар натижасида 15 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Технологик жараёнлар, хомашё ва материаллар ҳамда энергия ресурслари сарфини мувозанатлаш, технологик асбоб-ускуналарни янгилаш ҳисобига маҳсулот таннархи 49,08 млрд. сўмга, яъни 5,2 фоизга камайтирилди. Шу жумладан, ҳамма йирик корхоналарда энергоаудит ўтказилиб, энергия манбалари сарфи 3 фоизга камайтирилди. Тармоқда инновацион ғоялар, технологияларни ва ишланмаларни ҳамкорликда илмий-тадқиқот институтлари билан яратиш ҳисобига 1227,6 млрд. сўмлик инновацион ишлар амалга оширилди.

Тўқимачилик саноатида янги ташкил этилган тизимлардан бири – кластерлар бўйича 2019 йилда яна 48та пахта тўқимачилик ишлаб чиқариш кластерлари ташкил этилди ва 63та лойиҳа ташаббускорлари 531 минг гектар ер майдонларида ўз фаолиятларини амалга оширди. Ушбу лойиҳалар республикада пахта экин майдонларининг 51,4 фоизини ташкил этиб, жами 1317 минг тонна пахта хомашёси етиштирилди, ундан олинган пахта толаси 454 минг тоннани ташкил этди. Бугунги кунда ер унумдорлигини ошириш мақсадида 35 минг тонна минерал ўғитлар захираси яратилган ва бу йўналишда ишлар давом этмоқда.

Юқорида республикада тўқимачилик ва енгил саноатининг бугунги кундаги ҳолати таҳлил қилинди. Кўриниб турибдики, мамлакатимизда бу соҳада жуда кўп ишлар амалга оширилмоқда. Алоҳида таъкидлаш керакки, республикада иқтисодий ривожланишида тўқимачилик ва енгил саноатнинг роли катта. Чунки ҳозирда республикада енгил саноатида жами саноатда банд бўлган ходимларнинг 1/3 қисми фаолият олиб бормоқда, енгил саноат маҳсулотларининг салмоғи жами саноат маҳсулотига нисбатан 13,4



ҚИСҚАЧА:

ҲОЗИРДА ТАШҚИ БОЗОРЛАРГА КЕНГ КўЛАМЛИ МАҲСУЛОТЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА ТАРМОҚ КОРХОНАЛАРИНИНГ ХОРИЖДАГИ ЯРМАРКА-КўРГАЗМАЛАРИДА ИШТИРОКИ ТАЪМИНЛАНИБ КЕЛИНМОҚДА. 2019 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДА ГЕРМАНИЯ, БУЮК БРИТАНИЯ, АМЕРИКА ҚўШМА ШТАТЛАРИ, БАНГЛАДЕШ, РОССИЯ ВА БОШҚА ДАВЛАТЛАРДА БўЛИБ ўТГАН ТАДБИРЛАРДА ҚАРИЙБ 90ГА Яқин КОРХОНАЛАР ИШТИРОК ЭТИБ, 200 МЛН. АҚШ ДОЛЛАРИЛИК ҚўШИМЧА ШАРТНОМАЛАР ИМЗОЛАНДИ. 2019 ЙИЛНИНГ 1-ЯРМИ БўЙИЧА ЭСА УШБУ КўРСАТКИЧ 650 МЛН. АҚШ ДОЛЛАРИДАН ОРТДИ ҲАМДА ЖАМИ 2,3 МЛРД. АҚШ ДОЛЛАРИЛИК (ёки йилдаги ЭКСПОРТ РЕЖАСИГА НИСБАТАН 120 ФОИЗ МИҚДОРИДА) КАФОЛАТЛИ ЭКСПОРТ ШАРТНОМАЛАРИ ТУЗИЛДИ.



фоизни, истеъмол товарларига нисбатан эса 55 фоизни ташкил этади.

Тўқимачилик корхоналарида маркетинг фаолиятини бошқариш тизими

Бу тизимнинг моҳиятини очиб беришдан олдин маркетинг ўзи нима, тўқимачилик соҳасида маркетинг қандай ташкил этилади, унинг бошқариш усуллари қандай ва бозорларда маркетинг тадқиқотлари қандай ўтказилади, каби саволларга тўхталиб ўтамыз.

Маркетинг – бозор билан боғлиқ фаолият тури бўлиб, сотувчи ва харидор ўртасидаги товар, маҳсулот ёки хизматлар алмашинуви натижасида компаниянинг қиймати ошиш жараёнини англатади.

Маркетингни бошқариш – маркетинг фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган барча моддий, молиявий, меъёрий ва бошқа ресурсларнинг мажмуи бўлиб, уни амалга ошириш жараёнида барча ходимлар фаолиятини бир мақсадга йўналтириш, уюштириш ва мувофиқлаштиришдан иборатдир. Бунда иқтисодий, техникавий ва бошқа қонунлардан онгли равишда фойдаланилади. Бу фаолият мар-

Чизма

Маркетинг комплексининг таркибий элементлари



1-жадвал

Тўқимачилик корхоналарида маркетингни бошқаришнинг асосий функциялари

Маркетинг функциялари	Фаолият тури
Бозорни комплекс тадқиқ қилиш	Бозорнинг асосий кўрсаткичларини аниқлаш. Бозорнинг ривожланиш истиқболлари. Истеъмолчиларни ўрганиш, истеъмолчиларнинг товарга муносабати, харид қилиш сабаблари, харид қилиш усуллари. Рақобатчилар позицияларининг ва фаолият амалиётининг таҳлили. Бозорни сегментлаш. «Муваффақиятнинг ҳал қилувчи омиллари»ни аниқлаш.
Товар ассортиментини режалаштириш	Ишлаб чиқаришнинг ассортимент таркибини ишлаб чиқиш. Товарнинг ривожланиш аънаналари. Товарнинг истеъмол ва техник кўрсаткичлари ўртасида ўзаро алоқани ўрнатиш, янгилик киритиш сиёсати. Товар рақобатбардошлигини баҳолаш. Баҳо сиёсати.
Талабни шакллантириш ва сотишни рағбатлантириш	Алоқалар ўрнатишни ривожлантириш. Реклама. Сотишда ишловчиларни ихтисослаштириш. Корхона имижини шакллантириш.
Савдо-сотиқ фаолиятини режалаштириш ва ташкил этиш	Сотиш ва товар ҳаракати каналларини танлаш. Товар айланиши, ассортимент позициялари бўйича режалаштириш. Маҳсулот сотишнинг оптимал шароитларини аниқлаш. Сотишни прогнозлаш.

кетологлардан ниҳоятда катта билим ва меҳнат талаб қилувчи мураккаб тизимдир. Тўқимачилик корхоналарида маркетингни бошқариш тизимининг таркибий қисмлари: мақсад тамойиллари, вазифалари, ташкилий тузилиши, усуллари, бошқаришнинг техника ва технологияси, кадрлар ва бошқалардан иборат бўлади.



Шунинг учун **корхона маркетинг фаолияти** учун қуйидаги масалалар катта аҳамиятга эга:

Биринчидан, ахборотларни йиғиш ва ишлаб чиқиш:

- ✓ ташқи муҳит ҳақидаги маълумотлар;
- ✓ ишлаб чиқариш, молия ва бошқа характердаги ички чеклашлар ҳақидаги маълумотлар;
- ✓ атроф-муҳитнинг турли хил шароитларида турли хил асбобларнинг таъсири ҳақидаги маълумотлар;
- ✓ бозорга таъсир қилиш ва харидорларда афзаллик яратишнинг мавжуд имкониятлари ҳақидаги маълумотлар.

Иккинчидан, маркетинг ускуналаридан фойдаланиш масалалари муҳимдир. Бозор тўғрисидаги ҳақиқатни билиш товарни яратиш ва қулай шароитларда режалаштирилган миқдордаги товарни сотишга эришиш учун уни сотиш вақтини танлашга имкон беради. Бунинг учун сотувчи ихтиёрида маҳсулот ҳақидаги қуйидаги маълумотлар бўлади:

- ✓ маҳсулот хусусиятлари;
 - ✓ маҳсулот сифати;
 - ✓ марка номи.
- Бундан ташқари:
- ✓ саноатда ишлаб чиқариш дастури ва савдо навларни бутлаш, янги маҳсулотни ривожлантириш, мижозларга техник ва савдо хизматларини кўрсатиш;

✓ нархларнинг белгиланиши ва ўзгариши, нархларнинг даражаланиш имкониятлари, чегирмалар беришни ўз ичига олувчи нарх-наво сиёсати;

✓ тақсимлаш-сотиш тизимини яратиш, сотиш нархларини танлаш, сотиш услубларини қўллаш, етказиб беришга тайёрлик ҳақидаги қарорни ишлаб чиқиш, корхонанинг кўлами ва жойлашиши;

✓ коммуникация – реклама турлари элементлари, сотишни қўллаб-қувватлашни ўз ичига олади.

Корхона ёки ташиқотлар маркетинг асоси сифатида рақобатлашувчи **5 та концепцияни** олиши мумкин:

✓ ишлаб чиқаришга йўналтирилган концепция;

✓ маҳсулотга йўналтирилган концепция;

✓ сотишга йўналтирилган концепция;

✓ маркетингга йўналтирилган концепция;

✓ ижтимоий масъул маркетинг концепцияси.

Тўқимачилик корхоналарида маркетингни бошқариш масалалари таҳлил қилинаётганда унинг услубий асосларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Маркетингни бошқаришнинг услубий асосларига келсак, Ф.Котлер фикрича, маркетингни бошқариш жа-

раёни қуйидагилардан ташкил топган³:

✓ бозор имкониятларининг таҳлили;

✓ мақсадли бозорни танлаш;

✓ маркетинг комплексини ишлаб чиқиш;

✓ маркетинг чора-тадбирларини ҳаётга татбиқ этиш.

Бозор имкониятлари таҳлилида маркетинг тадқиқотлари – маркетинг ахбороти, маркетинг муҳити, бозорнинг тузилиши, улгуржи ва чакана савдо таҳлили олиб борилади. Мақсадли бозор танлашда эса талаб ҳажминини ўлчовчи, бозорни сегментлаш жараёнлари кўриб ўтилади. Талаб ҳажмининг ўлчови ва унинг башорати кўп даражали характерга эга. Маркетинг тадқиқотлари жараёни бир қатор операцияларни ўз ичига олади. Масалан, иккиламчи ахборот корхона текширилиши зарур бўлган муаммо ёки масалани белгилаб олгунига қадар ўрганилмайди, бирламчи ахборот эса иккиламчи ахборот синчиклаб ўрганиб чиқилмагунига қадар йиғилмайди.

Маркетинг хизматларини ташкил этиш турли хил тартибда амалга оширилиши мумкин. Аммо шуни таъкидлаш керакки, бундай хизмат, қоидага кўра, босқичма-босқич корхонанинг турли хил бўлинмаларига тарқатиб юборилган маркетингнинг барча асосий вазифаларини бирлаштирган ҳолда шакллантирилади. Шу билан бир вақтда

2-жадвал

Тўқимачилик корхоналарида маркетингни бошқаришда маркетинг хизмати бўлимлари фаолиятининг асосий турлари

Бўлимлар	Фаолият тури
Бозорни тадқиқ қилиш бўлими	Бозорнинг асосий кўрсаткичларини аниқлаш. Бозорнинг ривожланиш истиқболини прогностлаш. Истеъмолчиларни ўрганиш. «Муваффақиятнинг асосий омиллари»ни аниқлаш. Рақобатчилар фаолиятини таҳлил қилиш.
Маҳсулот ассортиментини режалаштириш бўлими	Ишлаб чиқаришнинг ассортимент таркибини ишлаб чиқиш. Товарнинг истеъмол ва техник кўрсаткичлари ўртасида ўзаро боғлиқликни ўрнатиш.
Сотув бўлими	Сотиш ва товар ҳаракати каналларини танлаш. Маҳсулот ассортиментини бўйича товар айланишини режалаштириш. Маҳсулотни реализация қилишнинг оптимал шароитларини аниқлаш. Сотишни прогностлаш.
Фирма дўконлари	Харидорлар талабини ўрганиш. Харидорларни рағбатлантириш. Сотиш каналлари ишловчиларини рағбатлантириш. Корхона обрў-этиборини шакллантириш.
Реклама бюроси	Маҳсулотни реклама қилиш. Корхона обрў-этиборини шакллантириш. Ахборот алмашувчанликни ривожлантириш.

³ Котлер Ф. *Маркетинг-менеджмент: Экспресс-курс. / Пер. с англ. под ред. Ю.Н.Каттуревскою.* – СПб.: Питер, 2005. – 800 с.

корхонанинг маркетинг хизмати бир эмас, балки бир неча бўлинмалар томонидан кўрсатилиши мумкин.

Маркетинг мақсади ишлаб чиқаришни харидор эҳтиёжига мослаштириб, талаб ва таклиф мувозанатига эришган ҳолда нархни шакллантириш, ташкилотларга юқори фойда келтиришдир. Бунга эришиш учун маркетинг бир неча муҳим вазифаларни ҳал этиши лозим.

Бундай ҳолатда барча маркетинг вазифаларини аниқ мувофиқлаштириш керак. Маркетингнинг ҳозирги **вазифалари** қуйидагилардан иборат:

- ✓ бозорни комплекс ўрганиш;
- ✓ товар навларини режалаштириш;
- ✓ талабни шакллантириш ва сотишни рағбатлантириш;
- ✓ савдо-сотик фаолиятини режалаштириш ва ташкил қилиш.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан шуни хулоса қилиш мумкинки, тўқимачилик корхоналарида маркетинг хизматини амалга оширишда тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда босқичма-босқич ёндашиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

✓ Ташқи ишлар вазирлигига – «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси томонидан шакллантирилаётган корхоналар вакилларида иборат делегацияларнинг хорижий давлатларга уюшган ҳолда чиқишлари учун чиқиш визалари қисқа муддатларда олинишини таъминлаш;

✓ «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАКга – «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси томонидан шакллантирилаётган экспортбоп тайёр маҳсулотлар юklarини Корея, Бирлашган Араб Амирликлари, Исроил, АҚШ, Корея ва бошқа мамлакатларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун қўлланиладиган тарифларда (0,9 \$/кг дан 1,55 \$/кг гача) етказиб бериш;

✓ Ўзбекистон давлат карантин инспекциясига – тўқимачилик маҳсулотлари экспортида тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш муддатларини янада қисқартириш;

✓ 2020 йил якунига қадар мамлакатимизда етиштириладиган пахта толасини тўлиқ қайта ишлаш қувватларига эришиш, жумладан, 2019 йил якунлари бўйича 608,2 минг тонна калава ип ишлаб чиқарилган бўлса, 2020 йил охирига бориб 754,3 минг тоннани ташкил этишини таъминлаш;





Фикримизча, тўқимачилик саноатида маркетинг назоратининг асосий мақсадлари куйидагилардан иборат:

- мақсадларга эришиш даражасини белгилаш;
- яхшиланиш имкониятини аниқлаш;
- корхона мослашувчанлиги талаб қилинган атраф-муҳит ўзгаришларига қанчалик мос келишини аниқлаш.

Шунингдек, қоидага кўра маркетинг фаолиятининг назорати куйидагиларни ўз ичига олади:

- сотишни амалга ошириш ва унинг имкониятлари устидан назорат;
- фойдалиликнинг назорати ва маркетинг харажатлари таҳлили;
- стратегик назорат ва маркетингни тафтиш қилиш.

Манбалар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.09.2019 йилдаги ПҚ-4453-сонли Қарори.
2. Котлер Ф. Маркетинг-менеджмент: Экспресс-курс. / Пер. с англ. под ред. Ю.Н. Каптуревского. – СПб.: Питер, 2005. – 800 с.
3. «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси маълумотлари. 2016-2020 йй.

ҚИСҚАЧА:

МАРКЕТИНГ – БОЗОР БИЛАН БОҒЛИҚ ФАОЛИЯТ ТУРИ БЎЛИБ, СОТУВЧИ ВА ХАРИДОР ЎРТАСИДАГИ ТОВАР, МАҲСУЛОТ ЁКИ ХИЗМАТЛАР АЛМАШИНУВИ НАТИЖАСИДА КОМПАНИЯНИНГ ҚИЙМАТИ ОШИШ ЖАРАЁНИНИ АНГЛАТАДИ.

МАРКЕТИНГНИ БОШҚАРИШ – МАРКЕТИНГ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ЗАРУР БЎЛГАН БАРЧА МОДДИЙ, МОЛИЯВИЙ, МЕЎЕРИЙ ВА БОШҚА РЕСУРСЛАРНИНГ МАЖМУИ БЎЛИБ, УНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА БАРЧА ХОДИМЛАР ФАОЛИЯТИНИ БИР МАҚСАДГА ЙЎНАЛТИРИШ, УЮШТИРИШ ВА МУВОФИҚЛАШТИРИШДАН ИБОРАТДИР. БУНДА ИҚТИСОДИЙ, ТЕХНИКАВИЙ ВА БОШҚА ҚОНУНЛАРДАН ОНГЛИ РАВИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИ. БУ ФАОЛИЯТ МАРКЕТОЛОГЛАРДАН НИҲОЯТДА КАТТА БИЛИМ ВА МЕҲНАТ ТАЛАБ ҚИЛУВЧИ МУРАККАБ ТИЗИМДИР.

ABSTRACTS

EFFICIENCY OF MARKETING MANAGEMENT IN TEXTILE ENTERPRISES

This article examines the effectiveness of marketing activities management in textile enterprises. Also, the content of Marketing Management in textile enterprises is revealed, and the main elements of Marketing Management, the main functions of it, the main types of activities of marketing service departments in the management of marketing are presented.

ЎЗБЕКИСТОНДА КЎЧМАС МУЛКНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ



И. Ниязметов, и.ф.д.

*Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги хузуридаги
Бюджет-солиқ тадқиқотлари
институтини лойиҳа раҳбари*

**АКСАРИЯТ
ДАВЛАТЛАРНИНГ
МАҲАЛЛИЙ
БЮДЖЕТЛАРИ
ДАРОМАДЛАРИДА
МУЛКИЙ СОЛИҚЛАР
ҲАЛ ҚИЛУВЧИ
РОЛЬ ЎЙНАЙДИ.
ЎЗБЕКИСТОНДА
ҲАМ МАҲАЛЛИЙ
БЮДЖЕТЛАР
ДАРОМАДЛАРИДА
МУЛКИЙ СОЛИҚЛАР
МУҲИМ РОЛЬ
ЎЙНАСА-ДА, МАЗКУР
СОЛИҚЛАРНИНГ
УМУМИЙ ФИСКАЛ
АҲАМИЯТИ ЖУДА ПАСТ**

Самарали солиқ тизимини ифодаловчи хусусиятлардан бири, бу – унинг кам харажат бўлишидир. Яъни, солиқ тизими



имкон қадар кам маблағ сарфи билан ишлаши керак. Солиққа тортиш жараёнлари давлат ва солиқ тўловчилар учун ортиқча ресурслар сарфига ҳамда оворагарчиликларга сабаб бўлмаслиги лозим. Бироқ Ўзбекистонда амалда бўлган айрим солиқлар давлат учун кам харажат бўлаётгани йўқ. Бундай солиқлар сирасига, биринчи навбатда, мулк ва ер солиқларини киритиш мумкин.


Амалдаги солиқ тизимида мулк ва ер солиқларининг механизми юридик ва жисмоний шахслар учун фарқланади.

Юридик шахслардан олинadиган мол-мулк солиғи механизмига киритиб келинган ўзгаришлар моҳияти узоқ даврли динамикада кўриб чиқиладиган бўлса, унинг ставкалари мунтазам ўзгариб келганлиги ойдinлашади.

Диаграммадан кўринадики, корхоналар учун мулк солиғи ставкаси 2001 йилга қадар ҳар 2–3 йилда босқичма-босқич ошириб келинган. 2002 йилдан бошлаб, мулкчилик шаклидан қатъи назар, хўжалик субъектлари асосий воситаларининг ҳар йили қайта баҳолаб борилиши тизими йўлга қўйилиши, яъни солиқ базасининг оширилиши муносабати билан солиқ ставкаси 5 фоиздан 2 фоизга туширилган. Ундан кейинги даврларда мазкур солиқнинг ставкаси яна мунтазам ошириб борилган, хусусан, 2003 йилдан 3 фоиз, 2004 йилдан 2013 йилгача 3,5 фоиз, 2014–2015 йилларда 4 фоиз, 2016–2018 йилларда 5 фоиз қилиб белгиланган. Норматив муддатда битказилмаган қурилиш объектлари ва белгиланган муддатда ўрнатилмаган

1-диаграмма

Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ставкасининг ўзгариш динамикаси, 1992-2020 й.й.



асбоб-ускуналар учун мол-мулк солиғининг икки баробар оширилган ставкаси қўлланиб келинган.

Бундан кўринадики, Ўзбекистонда корхоналардан олинадиган мулк солиғининг фискал аҳамиятини ошириб боришга доимо ҳаракатлар бўлиб келган. Бироқ, бундай ҳаракат фақатгина йилдан-йилга қамрови камайиб келган йирик корхоналар кесимига тўғри келарди. Солиқ солиш объектнинг таркиби ҳам жуда кенг бўлган. 2018 йилга қадар мулк солиғи объектлари таркибига корхона балансидаги ҳар қандай асосий воситалар, тугалланмаган қурилиш объектлари ҳамда белгиланган муддатда ишга туширилмаган асбоб-ускуналар кирар эди. Бу эса умумбелгиланган тартибда солиқ тўловчи корхоналар учун нафақат солиқ юкининг юқори бўлишига, балки мулк солиғини ҳисоблаб чиқиш билан боғлиқ

бухгалтерия ва солиқ маъмуричилигининг қийинлашувига ҳам сабаб бўлиб келди.

2018–2019 йилларда амалга оширилган солиқ ислохотлари натижасида мол-мулк солиғи механизмига сезиларли ўзгаришлар киритилди. Дастлабки ислохотлар натижасида юридик шахслар мол-мулк солиғи объекти сифатида 2018 йилдан кўчмас мулк объектлари, норматив муддатда битказилмаган қурилиш объектлари ҳамда белгиланган муддатда ишга туширилмаган асбоб-ускуналар қолдирилди.

2019 йилдан киритилган ўзгаришларга кўра юридик шахслар мулк солиғи объекти таркибига фақат кўчмас мулк тоифаси қолдирилди. Солиқнинг базавий ставкаси ҳам 5 фоиздан 2 фоизга туширилди. Қурилиши норматив муддатда тугалланмаган объектларга нисбатан икки баравар оширилган, яъни 4 фоиз

миқдоридagi солиқ ставкаси белгиланди.


Бундан ташқари, бўш турган бинолар, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотларга нисбатан ҳам оширилган ставкаларни белгилаш йўли билан таъсир чоралари қўлланилиши мумкин. Бундай мулк объектларига солиқ имтиёзлари ҳам татбиқ этилмайди.

Илгари ягона солиқ тўловчиси бўлган корхоналарга мулк солиғи жорий қилиниши ҳисобига бу солиқнинг тўловчилари таркиби ҳам кенгайтирилди. Солиқ имтиёзлари ҳам қисқартирилиб, тартибга солинди.

Кўрсатиб ўтилган ижобий ўзгаришларга қарамадан, юридик шахслардан олинадиган мулк солиғи ҳамон ислохотга муҳтож. Чунки, бу солиқнинг амалдаги механизмида солиқ солиш базиси кўчмас мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати

2-диаграмма

Жисмоний шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаларининг ўзгариш динамикаси, 1998-2020 й.й.



ҳисобланади. Бироқ бундай қиймат кўчмас мулкларнинг реал бозор қийматини ифода этмайди. Бу эса мулкларни солиққа тортишнинг асл моҳиятига мос келмайди ва адолатни таъминлашга хизмат қилмайди.

Жисмоний шахслардан олинadиган мулк солиғига тўхталadиган бўлсак, бу солиқ механизмидаги ўзгаришлар-

га давлат томонидан нофаол мулк объектларига солиқ инструменти орқали таъсир ўтказиш мақсадида амалга ошириб келинган ислохотлар сифатида баҳо бериш мумкин.

Жисмоний шахслар учун мулк солиғининг базаси 2018 йилга қадар мулкнинг инвентарь қиймати ҳисобланар эди. Мулкнинг инвентарь қийматини аниқлашда эскир-

ган норматив баҳолаш тизимидан фойдаланилиши натижасида кўчмас мулкларнинг ҳақиқий бозор баҳосидан анча катта оғишларга ва солиқ базасининг сунъий равишда кичик бўлишига йўл қўйиб келинди. Оқибатда ўшбу солиқнинг бюджет даромадларидаги улуши жуда сезиларсиз бўлди. Солиқнинг фискал аҳамиятини ошириш учун эса унинг ставкалари йиллар давомида сезиларли ошириб борилди. Ушбу солиқнинг ставкаси, айниқса, 2011 йилдан бошлаб кескин ошиб бориш тенденциясига эга бўлган. Солиқнинг ставкалари турар жойнинг майдони ва жойлашган ҳудудига қараб табақалаштирилгани ҳолда базавий ставкаси 2017 йилда 2010 йилдагига нисбатан 3,5 баробарга оширилган.

2018 йилдан жисмоний шахслар учун мулк солиғи механизмига ўзгаришлар киритилиши, яъни солиқ базасининг инвентарь қийматдан кадастр

ҚИСҚАЧА:

2018 йилдан ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР УЧУН МУЛК СОЛИҒИ МЕХАНИЗМИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИЛИШИ, ЯЪНИ СОЛИҚ БАЗАСИНИНГ ИНВЕНТАРЬ ҚИЙМАТДАН КАДАСТР ҚИЙМАТИГА ЎТКАЗИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОЛИҚ СТАВКАЛАРИ ЎРТАЧА 8,5 БАРАВАРГА ПАСАЙТИРИЛДИ. БИРОҚ БИР ПАЙТНИНГ ЎЗИДА СОЛИҚ БАЗАСИ ҚАРИЙБ 10 БАРАВАРГА ОШИРИЛДИ. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР МУЛК СОЛИҒИ БЎЙИЧА ЎЗГАРИШЛАРНИ ШАКЛ ЖИҲАТДАН ХАЛҚАРО АМАЛИЁТГА УЙҒУНЛАШУВ, ДЕБ ҲИСОБЛАШ МУМКИН.

қийматиға ўтказилиши муносабати билан солиқ ставкалари ўртача 8,5 бараварга пасайтирилди. Бироқ бир пайтнинг ўзида солиқ базаси қарийб 10 бараварга оширилди.

Жисмоний шахслар мулк солиғи бўйича ўзгаришларни шакл жиҳатдан халқаро амалиётга уйғунлашув, деб ҳисоблаш мумкин. Бироқ мазмунан мулкни солиққа тортишда прогрессивликни таъминлашдаги ривожланган мамлакатлар амалиёти билан Ўзбекистон амалиёти бир-бирдан кескин фарқ қилади.

Солиқни ҳисоблашнинг 2011 йилдан жорий қилинган табақалашган механизми моҳиятан катта мулкка кўпроқ солиқ, кичикроқ мулкка камроқ солиқ солишни назарда тутди. Бироқ, бизнинг фикримизча, мулкни солиққа тортишнинг табақалашган механизмини киритишдан кўзланган мақсадга тўлақонли




эришиш учун амалдаги тартибнинг ўзи камлик қилади. Чунки мулкнинг “шаҳар” мақомидаги ҳудудда жойлашганлиги ёки турар жой майдонининг катталиги мулк солиғи ставкасини ошириш учун назарий ва, ҳатто, амалий жиҳатдан ҳам ягона асосли мезон бўла олмайди. Турар жойнинг шаҳарда жойлашганлиги унинг қийматини белгилаб берувчи битта мезон, холос. Бироқ мулкнинг ҳақиқий

бозор баҳоси қурилишнинг сифати, турар жойнинг қулайлиги, кўркамлиги ва бошқа қатор мезонлар асосида шаклланади. Таъбир жоиз бўлса, қиймати юқори бўлган турар жой мулклари катта шаҳарлар чегарасида, бироқ кўпроқ шаҳар ташқарисига жойлашган. Амалдаги тартибда эса бундай мулкларга базавий, яъни энг қуйи ставкада солиқ солиш кўзда тутилган.

3-диаграмма

Ўзбекистонда фискал аҳамияти сезиларсиз солиқларнинг ЯИМдаги салмоғи



Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.



Жисмоний шахслар мулк солиғи механизмидаги иккинчи йирик муаммо солиқ базасининг белгиланиши билан боғлиқ. Амалдаги солиқ қонунчилигига кўра жисмоний шахслар учун мулк солиғини ҳисоблаб чиқариш мақсадида солиқ базаси 42 млн. сўмдан кам бўлиши мумкин эмас. Жисмоний шахслар мулк объектининг баҳоси мавжуд бўлмаган тақдирда, кўчмас мулкнинг шартли қиймати солиқ базаси ҳисобланади. Бундай қиймат Тошкент ва Нукус шаҳарларида, шунингдек вилоят марказларида юқорида кўрсатилган сумманинг 5 баравари (210 млн. сўм) миқдориди, бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойларда эса 2 баравари (84 млн. сўм) миқдориди ўрнатилган. Бу рақамлардан, гўёки, Ўзбекистонда жисмоний шахслар эгалигидаги кўчмас мулкларнинг энг минимал қиймати 4 минг АҚШ доллари атрофида, шунингдек, мулкларнинг ўртача қиймати йирик шаҳарларда 20 минг, бошқа аҳоли пунктларида эса 8 минг АҚШ доллари атрофида, деган хулоса келиб

чиқади. Бироқ мамлакат кўчмас мулк бозоридида шаклланиган нархлар бундай шартли қийматларнинг ҳақиқий бозор баҳосидан анча паст эканлигини кўрсатади.

Энди, мохиятан мулквий солиқ ҳисобланмиш ер солиғига тўхталадиган бўлсак, ушбу солиқ ҳам ўзининг 300дан ортиқ ставкалари билан алоҳида амал қилгани ҳолда, солиқни ҳисоблаб чиқиш билан боғлиқ ортиқча вақт ва солиқ маъмуриятчилиги харажатларига сабаб бўлиб келмоқда. Чунки Ўзбекистонда ер солиғи қатъий (сўмда) белгиланган ставкалар асосида ҳисоблаб чиқилади. Бу эса ер участкасининг қаерда жойлашганлиги (худудий мансублиги), унинг қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган, суғориладиган ёки суғорилмайдиган ер эканлиги, сифати ва бошқа турли хил мезонлардан келиб чиққан ҳолда ставкаларни табақалаштиришни тақозо этган. Ер солиғи ставкаларининг табақаланиши республика мустақиллигининг дастлабки йилларида ишлаб чиқилган бў-

либ, шундан буёғига улар ҳар йили фақат индексациялаш йўли билан ўзгартириб (ошириб) келинмоқда. Инфляцион иқтисодиёт шароитида сўмда белгиланган ер солиғи ставкаларини ҳар йили қайта индексациялашдан ўзга илож йўқ.

Бизнинг фикримизча, ер солиғи ставкаларини ўрнатишнинг амалдаги услуби жуда эскирган бўлиб, у ҳозирги иқтисодиёт ва маҳаллий бюджетлар талабига жавоб бермайди. Чунки у ер участкаларининг реал бозор қиймати, даромадлилик даражаси каби омилларни ҳисобга олмаган.

Юқоридагилардан кўринадики, Ўзбекистонда мол-мулк ва ер солиқлари маъмуриятчилигини ҳозирги кунда унчалик самарали деб бўлмайди.

3-расмдан кўринадики, Ўзбекистонда мулк ва ер солиқларининг ЯИМга нисбати сезиларли аҳамиятга эга эмас. Хусусан, мол-мулк солиғининг салмоғи кўриладиган 2010–2019 йиллар мобайнида ЯИМнинг 0,5–0,7 фоизини ташкил қилган. Ер солиғи бўйича эса бу кўрсаткич ундан камроқ, яъни 0,4–0,5 фоиз бўлиб келганлигини кўраемиз.



Амалиёт таҳлили ва кузатувлардан келиб чиқиб, жисмоний шахслардан олинadиган мулк ва ер солиқларини Ўзбекистондаги энг самарасиз солиқлар сифатида баҳолаш мумкин. Чунки охириги йилларда ставкалари ва базаси оширилишига қарамасдан, бу солиқларнинг ЯИМга нисбати 0,2 фоизга, жами бюджет даромадларидаги улуши эса 1 фоизга ҳам етмайди. Биргаликда олинганда бу солиқлар давлат бюджети даромадларининг 2 фоизидан камроғини ташкил қилгани ҳолда уларни ундириш учун давлат солиқ идоралари ходимларининг 20 фоизидан ортиғи сафарбар қилинади¹. Агар

ушбу солиқларни ҳисоблаш, солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш ва хабардор қилиш, ҳисобланган солиқларни ундириш билан боғлиқ умумий сафарбарликни баҳолайдиган бўлсак, вақт, меҳнат ва бошқа ресурслар сарфи нуқтаи назаридан бу солиқлар бошқа солиқларга нисбатан анча қимматга тушаётганлигини кўрамиз. Хусусан, 2019 йилда



ҚИСҚАЧА:

АМАЛИЁТ ТАҲЛИЛИ ВА КУЗАТУВЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ, ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН МУЛК ВА ЕР СОЛИҚЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭНГ САМАРАСИЗ СОЛИҚЛАР СИФАТИДА БАҲОЛАШ МУМКИН. ЧУНКИ ОХИРГИ ЙИЛЛАРДА СТАВКАЛАРИ ВА БАЗАСИ ОШИРИЛИШИГА ҚАРАМАСДАН, БУ СОЛИҚЛАРНИНГ ЯИМГА НИСБАТИ 0,2 ФОИЗГА, ЖАМИ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИДАГИ УЛУШИ ЭСА 1 ФОИЗГА ҲАМ ЕТМАЙДИ. БИРГАЛИКДА ОЛИНГАНДА БУ СОЛИҚЛАР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИНГ 2 ФОИЗИДАН КАМРОҒИНИ ТАШКИЛ ҚИЛГАНИ ҲОЛДА УЛАРНИ УНДИРИШ УЧУН ДАВЛАТ СОЛИҚ ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ 20 ФОИЗИДАН ОРТИҒИ САФАРБАР ҚИЛИНАДИ.

жисмоний шахслардан олинadиган мулк ва ер солиқлари тушуми 1 710,1 млрд. сўмни ташкил қилгани ҳолда, уларнинг маъмуриятчилигида банд ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари ҳамда техник таъминотига 142,5 млрд. сўм сарфланган. Яъни, мазкур солиқларни ундириш қиймати тушумнинг 8,3 фоизини ташкил қилган.

Бироқ мулк ва ер солиқларидан уларнинг фискал аҳамияти пастлиги учунгина воз кечиш мумкин эмас. Чунки мазкур солиқлар реал солиқлар сифатида жамиятда солиққа тортишнинг вертикал адолат принципи таъминланишига хизмат қилади. Бундан ташқари, мулкӣ ва ресурс солиқлари иқтисодийёта капитални тўғри йўналтириш,

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотларига асосланган.



мулк ва ресурслардан самарали фойдаланишга ундовчи фискал инструментлардир. Шу сабабли мулкый солиқлар механизмларини такомиллаштириш орқали уларнинг таъсирчанлиги ва фискал аҳамиятини ошириш лозим.

Айниқса, жисмоний шахслар учун мулкый солиқлар таъсирчанлигини ошириб боришдан кўзланган мақсадларни назарий жиҳатдан куйидагича асослаш мумкин:

– фискал мақсад, яъни мол-мулк солиғининг фискал аҳамиятини ошириш ҳисобига маҳаллий бюджетларга мулкый солиқлар тушумини кўпайтириш ва шу орқали уларнинг молиявий имкониятларини кенгайтириш;

– иқтисодий мақсад. Жисмоний шахслар эгаллигидаги кўчмас мулклар асосан ноишлаб чиқариш (нофаол) характерга эга бўлиб, иқтисодиётга бевосита ресурс бўла олмайди. Улардан тадбиркорлик мақсадларида фойдаланилмас экан, бундай мулклар фақат ўлик капитал ёки ҳашам мулк сифатида тўпланади. Шу сабабли давлат уларни юқори солиққа тортиш орқали мулклардан самарали фойдаланишни рағбатлантиради;

– ижтимоий мақсад. Мулк солиғи ставкаларини табақалаштириш, яъни кўпроқ (қимматроқ) мулкка юқорироқ солиқ ўрнатиш ҳисобига давлат жамиятда бойликнинг нотекис тақсимланишини маълум даражада текислашга (силлиқлашга) ҳаракат қилади.

Ўзбекистонда мулкый солиқлар механизмни юқоридаги ҳар учала талабга жавоб берадиган тарзда қайта ишлаб

чиқиш тақозо этилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистонда маҳаллий бюджетлар молиявий имкониятларини кенгайтириш, солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини ошириш ҳамда мулкый солиққа тортиш механизмни ихчамлаштириш мақсадида амалдаги мол-мулк ва ер солиқларини бирлаштириб, босқичма-босқич кўчмас мулк солиғига ўтиш таклифи ишлаб чиқилди.

Амалдаги қонунчиликка кўра мол-мулк солиғининг базаси корхоналар учун кўчмас мулкнинг йиллик ўртача қолдиқ қиймати, жисмоний шахслар учун эса кўчмас мулкнинг кадастр қийматидан иборат. Ўрганилган хорижий мамлакатларда мулкни солиққа тортишдаги элементлар субъектнинг (юридик ёки жисмоний шахс) мақомига қараб эмас, балки объектнинг (турар ёки нотурар, ер ёки бино) хусусиятига қараб фарқланиши мумкин. Фикримизча, кўчмас мулкни солиққа тортиш механизмнинг асоси юридик ва жисмоний шахслар учун бир хил бўлиши лозим. Мулкни солиққа тортиш тизимини максимал даражада унифика-

циялаш учун амалдаги юридик шахслар учун алоҳида, жисмоний шахслар учун алоҳида ўрнатилган тартиб-қоидалардан воз кечиш зарур. Чунки айнан шундай механизм мулк солиғи юқини камайитириш мақсадида тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳар хил важ-корсонлар ўйлаб топилишига сабаб бўлмоқда. Демак, юридик шахслар учун ҳам мол-мулк солиғи базаси сифатида кўчмас мулкнинг кадастр қиймати ўрнатилиши лозим. Бунда кирим қилинган асосий восита (кўчмас мулк) бухгалтерия қийматининг амортизация ажратмалари орқали харажатларга олиб борилиши фақат фойда солиғини ҳисоблаб чиқиш мақсадларида амалга оширилиши кўзда тутилмоқда.

Мулк солиғи базасини ислоҳ қилиш билан боғлиқ иккинчи масала, бу – кўчмас мулк объектлари (шужумладан, ер участкалари) кадастр қийматини уларнинг реал бозор қиймати билан мувофиқлаштиришдир. Солиқнинг кўчмас мулк бозор қийматига нисбатан ҳисобланиши мазкур солиқдан кўзланган асл мақсадларга (фискал, иқтисодий, ижтимоий)




тўлақонли эришиш имкониятини юзага келтиради.

Мулк солиғи механизмини такомиллаштиришдаги учинчи муҳим элемент – солиқ ставкаларидир. Кўчмас мулк солиғи базасининг юридик ва жисмоний шахслар учун унификацияланиши ўз-ўзидан солиқ ставкаларини ҳам бир хилда қўллашни, солиқ базасининг бозор қиймати асосида белгиланиши эса ставкаларни қайта кўриб чиқишни талаб этади.

Хорижий тажрибада солиққа тортишдаги ижтимоий адолат таъминланиши учун кўчмас мулк солиғи ставкаларини белгилашда мулкнинг бозор (кадастр) қиймати ошиб боришига қараб прогрессив механизм асосида белгилаш принципига амал қилинади. Бундан ташқари, аксарият мамлакатларда кўчмас мулкни солиққа тортишда 0 фоиз қўлланадиган ёки солиққа тортилмайдиган қиймат чегаралари белгиланади.

Хориж тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистонда кўчмас мулк солиғининг прогрессив ставкаларини жорий қилиш, шунингдек солиққа тортилмайдиган қиймат чегарасини белгилаш солиққа тортишдаги вертикал ижтимоий адолатни таъминлашга хизмат қилади. Солиқ механизмига «солиққа тортилмайдиган қиймат» элементининг киритилиши ўз-ўзидан фуқароларнинг катта мулкка эга бўлмаган қатлами ва майда бизнес субъектларини мулк солиғидан озод қилади.

Кўчмас мулк бозорини ўрганиш ва кузатувлар шуни кўрсатдики, Ўзбекистонда энг арзон турар жойларнинг ўрта-



ча бозор нархи ҳозирги кунда 10 000 АҚШ доллари (Марказий банк амалдаги курси бўйича тахминан 104,0 млн. сўм) атрофида. Шундан келиб чиққан ҳолда кўчмас мулк бозор қийматининг дастлабки 100,0 млн. сўм бўлган қисми,

мулк юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлишдан қатъи назар, солиққа тортилмаслиги керак. Кўчмас мулк бозор қийматининг ошиб борган қисмига эса прогрессив тарзда юқорироқ ставкаларда солиқ солиниши лозим.

ABSTRACTS

IMPROVEMENT OF TAXATION OF REAL ESTATE IN UZBEKISTAN


The article critically reviews the system of property taxes in Uzbekistan and reveals the existing problems. In particular, the ineffectiveness of existing property and land tax mechanisms, the difficulty and cost of tax administration with low fiscal value of property taxes from individuals, the possibility of unifying the property and land tax mechanism and the introduction of real estate tax with social benefits are discussed.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

А.Н. Тўраев,
и.ф.д., Тошкент молия институти
«Бухгалтерия ҳисоби» кафедраси
профессори в.б.

Р.М. Ҳайдаров,
Ўзбекистон Аудиторлар Палатаси ижрочи
директори

АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ
ТАЪСИСЧИЛАРИ ТАРКИБИ
БИЛАН УШБУ ТАШКИЛОТ
КЎРСАТАЁТГАН АУДИТ
ХИЗМАТЛАРИНИНГ СИФАТИ
ЎРТАСИДА МАЪЛУМ БИР
БОҒЛИҚЛИК МАВЖУД.
ЕВРОПА ПАРЛАМЕНТИ ВА
КЕНГАШИНING 2006 ЙИЛ 17
МАЙДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН
2006/43/ЕК СОНЛИ «ЙИЛЛИК
ВА КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН
ҲИСОБОТЛАРНИНГ МАЖБУРИЙ
АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИ
ТЎҒРИСИДА»ГИ ДИРЕКТИВАСИГА
АСОСАН АУДИТОРЛИК
ТАШКИЛОТИНИНГ УСТАВ
КАПИТАЛИДАГИ УЛУШЛАРНИНГ
ЯРМИДАН КЎПИ АУДИТОРЛИК
ТАШКИЛОТИГА ЁКИ МУАЙЯН
МАЛАКА ВА АМАЛИЙ ТАЖРИБАГА
(АУДИТОР МАЛАКАСИГА) ЭГА
БЎЛГАН МУТАХАССИСЛАРГА
ТЕГИШЛИ БЎЛИШИ ШАРТ.



Ушбу талаб аудит соҳасига тегишли бўлмаган таъсисчиларнинг аудиторлик фаолиятига аралашшига, фойда кетидан қувиб, ходимлар ма-лакасини ошириш ва сифат назоратини таъминлаш бўйича харажатлар чекланишининг олдини олишга ва, албатта, аудиторлик ташкилотининг аудитор бўлмаган таъсисчилардан мустақиллигини таъминлашга қаратилган.

Республикамизда аудиторлик ташкилотининг таъсисчи (иштирокчи, муассис)лари таркибига бўлган талаб маълум бир эволюцион даврни бошидан ўтказяпти. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда 734-XII-сон билан тасдиқланган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни эски таҳририда аудиторлик ташкилотининг таъсисчилари таркибига ҳеч қандай талаб қўйилмаган бўлиб, ушбу қонуннинг 2-моддасида «аудиторлик фирмаси юридик ёки жисмоний шахс томонидан тузилиши» мумкинлиги кўрсатилган эди.

Таъсисчилар таркибига дастлабки талаб 2000 йил 26 майда 78-II-сон билан янги таҳрирда қабул қилинган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунда киритилди ва «вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралари ҳамда бошқа давлат ва хўжалик бошқарув органларига» аудиторлик ташкилотини таъсис этиш ман қилинди. Аудиторлик ташкилотларининг сони 2000 йил охирига келиб 490тага етди.

2002 йил 13 декабрда қабул қилинган 447-II-сон қонунда аудиторлик ташкило-

тининг мулкчилик тузилмасига қўшимча талаб қўйилди. «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасига янги 4-қисм қўшилди ҳамда «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланадиган бошқа шахслар»га аудиторлик ташкилотининг таъсисчиси бўлиш ман этилди.

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонун қабул қилинганидан кейин ўтган 15 йил мобайнида республикада аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур қонуний-ҳуқуқий база шакллантирилди, лицензиялар бериш тизими сезиларли даражада соддалаштирилди ва либераллаштирилди. Бунинг натижаси ўларок, республикада аудитор ташкилотларининг сони 2007 йилнинг 1 январь ҳолатига 565тани ташкил этди.

Шу билан бирга, аудит тизимидаги ишлар ҳолати ошган талабларга жавоб бермай қўйди, аудит бизнес самарадорлигини реал баҳолашнинг амалий воситаси бўла олмади. Аудиторлик текширувлари кўп ҳолларда юзаки ва паст профессионал даражада ўтказилаётганлиги сабабли, аудит тизими молия бозорида етарлича ишонч қозона олмади.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 февралда бўлиб ўтган йиғилишида республика аудит бозорининг аҳволи танқидий кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг

12.02.2007 йилдаги «2006 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорининг 21-бандига биноан Молия вазирлигига «аудиторлик фаолиятидаги ишларнинг аҳволини, шунингдек умуман молиявий инфратузилмани ривожлантириш самарадорлигини танқидий баҳолаш ва бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига фаолиятни янада такомиллаштириш ва тадбиркорлик тузилмаларига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш юзасидан аниқ таклифлар киритиш» вазифаси юклатилди.

2007 йилнинг бошида Молия вазирлигининг тегишли буйруғига биноан республика аудит бозорини ўрганиш бўйича идоралараро махсус комиссия ташкил этилди. Комиссия ўз фаолияти давомида республикада фаолият кўрсатаётган барча аудиторлик ташкилотларининг фаолияти билан танишиб чиқди. Иш давомида аудит соҳасида мавжуд бўлган баъзи бир муаммолар аниқланди:

- аудиторлик хулосаси аудиторлик ҳисоботида тўғри келмаслиги;

- аудиторлик ҳисоботи ёзилмасдан хулоса берилганлиги;

- аудитор иш ҳужжатларининг шакллантирилмаслиги;

- аудиторлар ўз вақтида малака оширмаганлиги;

- олий маълумотга эга бўлмаган шахсларнинг аудитор малака сертификатига эга эканлиги;

- ижобий хулоса асосида



ҚИСҚАЧА:

«АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИДАН КЕЙИН ЎТГАН 15 ЙИЛ МОБАЙНИДА РЕСПУБЛИКАДА АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ЗАРУР ҚОНУНИЙ-ҲУҚУҚИЙ БАЗА ШАКЛЛАНТИРИЛДИ, ЛИЦЕНЗИЯЛАР БЕРИШ ТИЗИМИ СЕЗИЛАРЛИ ДАРАЖАДА СОДДАЛАШТИРИЛДИ ВА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИЛДИ. БУНИНГ НАТИЖАСИ ЎЛАРОҚ, РЕСПУБЛИКАДА АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ СОНИ 2007 ЙИЛНИНГ 1 ЯНВАРЬ ҲОЛАТИГА 565ТАНИ ТАШКИЛ ЭТДИ. ШУ БИЛАН БИРГА, АУДИТ ТИЗИМИДАГИ ИШЛАР ҲОЛАТИ ОШГАН ТАЛАБЛАРГА ЖАВОБ БЕРМАЙ ҚЎЙДИ, АУДИТ БИЗНЕС САМАРАДОРЛИГИНИ РЕАЛ БАҲОЛАШНИНГ АМАЛИЙ ВОСИТАСИ БЎЛА ОЛМАДИ.

банк кредитини олган хўжалик субъектлари кредитни қайтара олмаганлиги;

- устав капитали турли-туман, аудиторлик фаолиятида ишлатиб бўлмайдиган мол-мулк билан шакллантирилгани;

- аудиторнинг бирйўла бир нечта аудиторлик ташкилотларида ишлаши;

- аудиторнинг турли аудиторлик ташкилотларида таъсисчи эканлиги.

Республикада мустақил аудит тизимини янада ривожлантириш, аудиторлик хизматлари сифатини ошириш, аудиторлик ташкилотлари фаолиятини самарали бошқариш усулларини қўллаш, аудиторлик текширувларининг натижалари ва ҳолисиги учун уларнинг жавобгарлигини кучайтириш, шу орқали тадбиркорлик тузилмалари томонидан уларга нисбатан ишончни ошириш мақсадида 2007 йил 4

апрелида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-615-сонли «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарлигини ошириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан тасдиқланган «Аудиторлик ташкилотлари тўғрисида»ги Низомда аудиторлик ташкилотининг мулк тузилмаси таркибига янги талаблар киритилди. Низомнинг 10 бандига асосан «аудиторлик ташкилоти устав капиталининг камида 51 фоизи мазкур аудиторлик ташкилотининг штатидаги аудитор(лар)га тегишли бўлиши ва аудитор фақат битта аудиторлик ташкилотининг таъсисчиси бўлиши мумкин»лиги белгиланди.

Ушбу Низом талаблари 2007 йил 17 сентябрда қабул қилинган 110-сонли қонунга биноан «Аудиторлик фаолияти

тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддаси матнига киритилди. Шу билан биргаликда қонуннинг 5-моддасига қўшилган янги хатбошига биноан чет эллик аудиторлик ташкилотига ўзининг филиали ёки шубба корхонасини тузишга, истисно тартибида, рухсат берилди. Шу тариқа республикада фаолият юритаётган халқаро аудиторлик ташкилотларининг фаолияти учун ҳуқуқий замин яратилди.

Қонунга киритилган ўзгаришлар натижасида, Молия вазирлигининг маълумотларига кўра, республикада фаолият кўрсатаётган аудиторлик ташкилотларининг сони 561тадан (2007 йилнинг 1 апрель ҳолатига) 79тагача камайди (2008 йилнинг 1 апрель ҳолатига).

МЧЖ шаклидаги «Аудит-рейтинг» рейтинг компаниясининг маълумотларига кўра, 2007 йилда аудиторлик хизматларининг ҳажми 8 253 млн. сўм бўлган бўлса, 2008 йил натижалари бўйича ушбу кўрсаткич 15 318 млн. сўмга кўтарилди, ўсиш суръати 185,6 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 июлдаги ПҚ-907 сонли «Аудиторлик ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан аудиторлик ташкилотининг нафақат мулкий тузилмаси таркибига, балки устав капиталига киритиладиган мулкнинг кўринишига ҳам алоҳида талаб белгиланди. Қарорга кўра, «2008 йилнинг 1 августидан бошлаб аудиторлик ташкилоти устав капиталининг

камида эллик фоизи таъсисчиларнинг пул маблағларидан, қолган қисми эса аудиторлик фаолиятини амалга оширишда бевосита фойдаланиладиган моддий бойликлардан шакллантирилиши» шарт этиб белгиланди.

Устав капиталига киритиладиган мулкка бўлган янги талаб белгиланиши аудит бозори таркибига жиддий таъсир кўрсатмади. 2008 йилнинг ўзида ой ўтган сари лицензия олган аудиторлик ташкилотларининг сони кўпая бошлади. Мисол учун, 2008 йилнинг 1 августидан 1 октябрга қадар республикада аудит бўйича лицензияга эга бўлган ташкилотлар сони 129тадан 134тага етди.

Кейинчалик, 2013 йил 30 апрелда қабул қилинган 352-сонли қонунга асосан «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддаси қисман ўзгартирилди ва «аудитор фақат ўзи ишлайдиган битта аудиторлик ташкилотининг таъсисчиси» бўлиши шартлиги талаби киритилди.

Акциядорлик жамиятларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари талаб ўзгаргани муносабати билан (2014 йил 6 майдаги ЎРҚ-370-сонли), 2014 йил 14 майда қабул қилинган ЎРҚ-372-сонли қонунга биноан «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасидан аудиторлик ташкилоти таъсисчисининг «акциядор» бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги қоида олиб ташланди.

Республикамызда аудит соҳасини тубдан ўзгартиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018



йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сонли «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарориди устав капиталига киритиладиган мулкнинг кўринишига бўлган талаб сақлаб қолиниб, «аудиторлик ташкилотининг устав капитали аудиторлик ташкилоти фаолиятини амалга оширишда бевосита фойдаланиладиган мол-мулкдан, шу жумладан, пул маблағларидан шакллантирилиши» белгиланди.

Лекин бу қарор билан эволюция жараёни тўхтамади, 2019 йилнинг март ойида «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Хорижий экспертларнинг тавсияларига биноан қонун лойиҳасининг 26-моддасига аудиторлик ташкилотининг таъсисчилари фақат ушбу аудиторлик ташкилотининг штабдаги аудиторлардан иборат бўлиши талаби киритилди.

Кўрииб турибдики, аудиторлик ташкилотининг таъсисчиларига бўлган талаб ўтган 25 йил мобайнида кучайиб

борди ва ҳозир аудиторлик ташкилотининг таъсисчилари фақат ушбу аудиторлик ташкилотиди ишлайдиган аудитор(лар)гина бўлиши шартлиги белгиланяпти.

Аудиторлик ташкилотининг таъсисчилари таркибига қўйилаётган талабларнинг ўзига хос замини бор. Талабларни ишлаб чиқишнинг асосий мақсади аудиторлик хизматининг сифатини оширишдир. Аудит сифатининг аудиторлик ташкилотининг мулкчилик таркиби билан қуйидаги ўзаро боғлиқликлари мавжуд.

Аудит сифатини оширишнинг йўналишларидан бири аудиторлик ташкилотининг мустақиллигини таъминлашдир. Аудиторлик ташкилоти давлат идора ва ташкилотлари ҳамда уларнинг ходимларидан ҳолис ва мустақил бўлиши лозим. Бугунги кунда ҳеч ким бу талабга эътироз билдирмайди.

Аудиторлик ташкилотининг таъсисчиси унинг штабдаги аудитор бўлиши шarti. Бу талаб сабабли аудитор ўзи таъсисчи бўлган ташкилотнинг аудиторлик хизматлари сифатини таъминлашга эътибор беради, деган фикр бор.

Аудиторлик ташкилоти таъсисчиларининг таркиби ва устав капитали миқдорига қўйилган талаблар аудиторлар таркибига ўз таъсирини кўрсатди.

Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда аудитнинг норматив-ҳуқуқий ва услубий базаси шакллантирилди, шунингдек, аудиторлик фаолиятини лицензиялашнинг соддалаштирилган ва муддатсиз тизими жорий этилди. Бу аудиторлик хизматлари бозорининг шаклланишига ва маҳаллий аудиторлик ташкилотлари аудиторлик компанияларининг йирик халқаро тармоқларига киришини таъминлашга имкон яратди.

Шу билан бирга, қатор муаммолар ва камчиликлар аудиторлик фаолиятининг янада ривожланишига, корпоратив бошқарув сифатини ошириш учун аудиторлик хизматларининг аҳамиятини оширишга тўсқинлик қилмоқда, хусусан:

биринчидан, аудиторлик ташкилотларига ишонч даражаси паст, шунингдек, аудиторлик текширувига молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлигини тасдиқлашнинг кафолати эмас, балки ортиқча ва малол келадиган маъмурий тартиб-таомил сифатида қаралмоқда;

иккинчидан, аудиторлик ташкилотларини танлаб олиш бўйича мавжуд чекловлар ва танловлар ўтказиш амалиёти кўп ҳолларда инсофсиз, шу жумладан, нарх борасида инсофсиз рақобатни келтириб чиқармоқда, бунинг оқибатида аудиторлик хизматлари сифати ва аудиторлик хулосаларининг ҳаққонийлиги пасаймоқда;

учинчидан, аудиторларни махсус тайёрлаш ва улар-

нинг малакасини оширишнинг амалдаги тизими юзаки тусга эга бўлиб, профессионал тайёргарликнинг ва аудиторлик хизматлари сифатининг зарурий даражасини, шу жумладан, аудиторлик фаолиятининг халқаро стандартларига мослигини таъминламаяпти, бу эса аудитор касби нуфузининг пасайишига олиб келмоқда;

тўртинчидан, аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ташқи назорат қилишнинг самарали тизими мавжуд эмас, бу лицензияловчи органнинг ҳуқуқий таъсир чоралари чеклангани шароитида сифатсиз аудиторлик хизматларини кўрсатиш ҳолларига ва аудиторларнинг инсофсиз хатти-ҳаракатларига нисбатан тезкор чора кўриш имконини бермаяпти;

бешинчидан, аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари умумэтироф этилган халқаро аудит стандартларига тўлиқ мос эмас, бу эса хорижий инвесторларда маҳаллий корхоналар молиявий ҳисоботларининг ҳаққонийлигига ишонччи таъминламаяпти.

Аудиторлик хизматлари бозорининг ривожланиши учун шароитларни янада яхшилаш ва аудиторлик фаолиятини тартибга солишда халқаро стандартларга мувофиқ замонавий ёндашувларни жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги №ПҚ-3946-сонли «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорни бажариш доирасида аудит сифатини ошириш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу лойиҳада аудиторлик ташкилотининг таъсисчилари фақат аудитор малака сертификатига эга бўлган шахслар бўлиши шарт, деб кўрсатилган.

Аудиторлик ташкилоти таъсисчилари таркибининг аудиторлик хизматлари сифатига таъсири масаласи нафақат республикаимизда, балки етакчи хорижий давлатларда ҳам долзарб масала ҳисобланади.

Мисол учун, республикаимизда ҳозирда бу борада қуйидаги аҳволни кузатиш мумкин. Молия вазирлигининг маълумотларига кўра, 2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига республикада:

- аудиторлик ташкилотлари сони – жами 97та;

- шу жумладан, барча турдаги аудиторлик текширувларини ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган аудиторлик ташкилотлари сони – 76та (78,3 фоиз);



- шу жумладан юридик шахслар иштирокида тузилган йирик аудиторлик ташкилотлари сони – 13та (16,4 фоиз).

Йирик аудиторлик ташкилотларининг асосий қисми (63та ёки 83,6 фоиз) фақат жисмоний шахслар иштирокида таъсис этилган бўлиб, уларнинг 34тасида (60 фоиз) таъсисчилар сони битта ёки иккита жисмоний шахсдан иборат, холос. Фақат бир оила аъзолари таъсисчи бўлган аудиторлик ташкилотлари сони ҳам кам эмас.

Кўриниб турибдики, аудиторлик ташкилотларининг ярмидан кўпида таъсисчилари фақат аудитор сертификатига эга бўлган мутахассислардан иборат. Лекин аудиторларнинг фақат ўзи таъсисчи бўлиши аудиторлик ташкилотининг аудит хизмати сифатини оширишга олиб келмади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги ПК-3946-сонли қарори қабул қилинишига туртки бўлган сабаблардан бири ҳам шу масала, яъни аудит хизматлари сифатининг пасайиб кетиши бўлди.

Аудит бозоридаги рақобатни кучайтириш, бозорга янги фирмаларнинг кириб келишини осонлаштириш мақсадида аудиторлик ташкилотининг таъсисчилари фақат аудиторлар бўлиши шарт, деган талабни қайта кўриб чиқиш керак. Аудиторларга тегишли бўлган улушни 51% миқдорида қолдириб, аудитор бўлмаган таъсисчиларнинг аудит сифатига салбий таъсир кўрсатиш эҳтимоллигини камайитириш бўйича керакли чоралар кўрган маъқул.

Бу таклифнинг асосий мақсади йирик ташкилотларга аудиторлик хизматларини кўрсата олиш даражасида йирик ва кенг имкониятли фирмаларнинг аудит бозорига кириб келишини енгиллаштиришдир. Иккиламчи мақсад эса фаолият юритаётган аудиторлик ташкилотлари фаолиятларини кенгайтириб, рақобатдошлигини оширишдир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, аудит бозори барқарорлигини таъминлаш мақсадига икки йўл билан эришиш мумкин:

- агар аудиторлик ташкилотининг мулк таркибига бўлган талаб пасайса, аудит бозорида кучли рақобатчилар пайдо бўлади, бу эса миջозларга ўзига маъқул келмаган аудиторлик ташкилотини алмаштириш имкониятини беради;

- аудиторлик ташкилотини, шериклардан қўшимча пул талаб қилгандан кўра, ташқаридан молиялаштириш анча осондир.

Муҳими, биргаликда йирик корхоналар аудити бозорида ишончга сазовор рақобатчилар пайдо бўлишига олиб келади.

Бу эса аудит сифатига ижобий таъсир кўрсатади, бозорнинг барқарорлигини таъминлайди.

Мулк таркибига бўлган талабни пасайтириш аудит ташкилотига ташқаридан қўшимча инвестициялар олиб келиши мумкин. Бу эса аудиторлик ташкилоти салоҳиятининг ошишига олиб келади, янги таъсисчилар янги инновацион фоялар олиб келадики, булар аудит сифатига ва хизмат даражасига ижобий таъсир кўрсатади.

ABSTRACTS

IMPROVEMENT OF AUDITING ACTIVITIES IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN ON THE BASIS OF INTERNATIONAL STANDARDS

In our republic, the demand for the composition of the founders (participants) of the audit organization is undergoing a certain period of evolution. The author believes that the state of affairs in the audit system has not yet met the requirements. Due to the fact that auditing is often conducted at a superficial and low professional level, the auditing system has not been able to build enough confidence in the financial market. The author of the article expressed his suggestions on how to put an end to such a negative situation.

Цифровая экономика, технология блокчейн, криптовалюта. История, современное состояние и перспективы


Шермухамедов А.Т., д.ф.-м.н., профессор.
Нарзуллаева Д.К., ст. преп.,
 Ташкентский филиал Российского
 экономического университета им. Г.В. Плеханова
Абдуллаева Д.К., к.э.н. доцент, Ташкентский
 экономический университет

Блокчейн (blockchain) – технология записи, хранения и обработки различных данных, которая была разработана около 10 лет назад. Ее уникальность состоит в том, что нет единого места для хранения данных, например, сервера или цифрового хранилища. Блоки с информацией распределяются одновременно на все компьютеры, работающие с указанной базой данных, причем она может быть любого размера. Таким образом поддерживается принцип распределенности, который означает, что при выходе из строя одновременно даже нескольких компьютеров в целом база не пострадает.



Внедрение в реальные экономические механизмы принципов блокчейна удобно рассмотреть на примере типичного банка. Клиенты охотно делают вклады, увеличивая капитализацию финансового учреждения, при высоком уровне доверия. По действующим правилам банки обязательно публикуют данные об оборотном капитале и несколько других показателей с определенной периодичностью.

Развитие цифровой экономики и технология блокчейн способны радикальным образом изменить современный учет и контроль. Вместо платных советов юриста и нотариальных услуг можно будет пользоваться качественными кон-



трактами для проведения частных и корпоративных сделок. Такие документы будут соответствовать нормам действующего законодательства. Ни одна из сторон не вправе вносить в них коррективы без обоюдного согласия. Сложности с масштабированием устранят более совершенные механизмы обработки, повышение производительности вычислительной техники.

Самым известным примером использования этой технологии является цифровая криптовалюта биткоин.



Термин «криптовалюта» вошел в обиход после публикации статьи Сатоши Накамото, рассказывающей о биткойне – цифровой валюте и цифровой децентрализованной платежной системе. Концепцию децентрализованной платежной системы он представил 31 октября 2008 года. Ее основные принципы: анонимность для всех участников, защита от мошенничества и независимость от контролирующих организаций.¹

Сейчас существует большое количество различных видов криптовалют, наиболее популярные из которых Bitcoin (самая распространенная и дорогостоящая криптовалюта), Ethereum (главный конкурент биткойна), Ripple (имеет ряд преимуществ: отсутствие комиссии, моментальные переводы) и форки биткойна – Litecoin, Bitcoin Cash.

Возможности технологии блокчейн Bitcoin развили такие платформы, как Ethereum, NEO, EOS, Lisk и Waves. Они являются распределенными реестрами, которые используют не только для операций с криптовалютами, но и для создания государственных баз данных, систем цифровой идентификации, регистрации прав

¹ Табернакулов А., Коффманн Ян. Блокчейн на практике. – М. Альпина, 2019. – 111 с.



интеллектуальной собственности и бухгалтерского учета.

В 2014 году В.Бутерин представил Ethereum – первую блокчейн-платформу смарт-контрактов. Умные контракты стали связующим звеном между распределенными реестрами, криптовалютами, различными информационными системами и приложениями. А в 2017 году появились первые биткоиновые миллиардеры, которые создали ажиотаж и превратили в трейдеров даже тех, кто до этого не воспринимал криптовалюты всерьез.

В декабре 2017 года биткоин стоил \$20 000. Количество запросов «биткоин» в «Яндексе» достигло \$8,5 млн. В это время компании привлекали аномально легкие деньги, благодаря криптовалютному краудфандингу – ICO. С его помощью стартапы, у которых не было ничего, кроме идеи, за считанные дни, а иногда и за несколько минут собирали миллионы долларов.

В середине сентября 2017 года биткоин торговался на уровне в \$3500, цена Ethereum составляла \$250, а XRP – \$0,18. Спустя два месяца – в декабре 2017 года – BTC установил исторический максимум стоимости в \$20 000, а в январе следующего года ETH и XRP достигли отметок в \$1400 и \$3,71 соответственно. За считанные недели многие альткоины показали тысячи процентов роста, а рынок превратился в настоящий финансовый пузырь, который лопнул так же быстро, как образовался.²

В марте 2018 года консалтинговая компания Satis Group LLC опубликовала исследование, согласно которому около 81% ICO-проектов обрели признаками мошенничества, 6% завершились провалом, 5% прекратили существование.

После мартовского падения до \$3800 цена биткоина быстро восстановилась до прежнего уровня в \$10 000 и в августе обновила годовой максимум на уровне \$12 400.

В 2019-2020 гг. есть все предпосылки для повторения такого сценария. Криптовалюты завоевывают внимание на фоне геополитической неопределенности и обесценения национальных валют в результате небывалых стимулирующих мер поддержки экономики. Федеральный резерв США «напечатал» несколько триллионов долларов, что доказало ценность активов с ограниченной эмиссией, таких как биткоин или золото. Если в 2017 году основным двигателем ажиотажа была боязнь упущенной выгоды и инвесторы скупали монеты, чтобы успеть заработать на росте их стоимости, то теперь интерес к криптовалютам имеет вполне фундаментальные основания.

Эксперты считают, что в ближайшие три месяца не стоит ждать повторения криптовалютного бума 2017 года. Однако котировки цифровых денег еще могут обновить максимумы текущего года и продолжить восходящее движение. На резкий и кратный рост рынка может повлиять приход институциональных инвесторов, но это вряд ли возможно до конца 2020.³

Если к преимуществам криптовалюты относятся ее надежность и неподверженность инфляции, то к недостаткам относят анонимность, которая ранее отмечалась как достоинство, что дает возможность использования криптовалюты для криминальной деятельности, несмотря на надежность системы блокчейн.

Децентрализованный способ обработки данных подобен виртуальной книге, которой пользуются одновременно все участники системы. Они не только сохраняют ее, но и создают новые страницы. Каждый такой информационный блок включает ссылку на старые записи. Это означает, что любые мошеннические действия исключены по определению. В случае необходимости про-

² «Пузыря не будет». Чего ждать от криптовалют к концу 2020 года РБК: <https://www.rbc.ru/crypto/news/5f608f469a7947580c44ebbf2.2018>.

³ «Пузыря не будет». Чего ждать от криптовалют к концу 2020 года РБК: <https://www.rbc.ru/crypto/news/5f608f469a7947580c44ebbf2.2018>.

веряют иные копии, подтверждающие подлинное состояние системы.⁴

Противники криптоактивов заявляют, что децентрализованная денежная система не может существовать, так как:

1. Криптовалюты не обеспечены никакими реальными активами, не имеют внутренней ценности, и их стоимость поддерживается только спекулятивным спросом.

2. Децентрализованная эмиссия означает, что ни одна организация не будет поддерживать их стоимость.

3. Криптовалюты не регулируются, поэтому никто не может защитить инвесторов от мошенников.

4. Контролировать операции с криптовалютами невозможно, поэтому они могут использоваться в криминальных и противоправных целях.

5. Дефляционные деньги невозможно использовать в реальной экономике, так как они будут снижать экономическую активность и приведут к стагнации.

6. Необратимость изменений в технологии блокчейн может привести к тому, что криптовалюты будут уничтожены при нахождении критической уязвимости в них самих или в базовых технологиях.

7. Блокчейн слабо масштабируется и не может обеспечить потребностей глобальной финансовой системы.⁵

Однако сторонники криптовалют выдвигают достаточно убедительные аргументы:

1. Криптовалюты обеспечены участием в отрасли десятков миллионов людей и многомиллиардными инвестициями в блокчейн-проекты.

2. Реальное использование криптовалют и их сообщество непрерывно растут во всем мире, что говорит о доверии людей к технологии.

3. Криптовалюты не замкнуты государственными границами и вскоре не будут нуждаться в обмене на другие активы для проведения расчетов.

Отрасли, где полезность технологии блокчейн и ее специфика могут привести к реальным изменениям в глобальной финансовой системе, это, в частности, финансовые рынки и вся сфера их функционирования – от межбанковских операций до биржевой торговли. Блокчейн уже продемонстрировал высокую эффективность в ходе ряда пилотных проектов, проведенных банками, фондовыми биржами, депозитариями и регуляторами по всему миру.

Данная технология оказывает огромное влияние на все сферы деятельности финансовых систем в виде цепочки блоков транзакций, а также в системы межбанковских расчетов, в том числе международных, которым требуется наивысшая безопасность и надежность. Примером использования блокчейна в такой системе является пилотный российский проект «Мастерчейн».⁶

На биржевых платформах блокчейн может быть использован в различных направлениях:

- для ведения реестров акционеров и организации голосований, хранения реестров торговых организаций;

- для посттрейдинговых операций;

- для проведения расчетов между участниками торгов.

Сфера использования технологии блокчейн развивается одновременно во множестве стран. В октябре 2018 года блокчейн-стартап SETL получил лицензию регулятора фондовых бирж Франции на управление центральным депозитарием ценных бумаг.⁷

Аналогичными разработками занимаются фондовые биржи Австралии, Сингапура, Турции, Гонконга, Центральный банк Южной Африки и Банк Канады.

Условно все страны по отношению к правовому статусу криптовалюты можно разделить на 2 группы:

- криптовалюта признана ценным имуществом и официальным платежным средством в США, Японии, Канаде, Германии, Великобритании и других странах;

⁴ Ляменков А. К. Криптовалюта как экономическая категория

мирового хозяйства. //Сб. «Цифровизация Евразии»: новые перспективы экономического сотрудничества и развития международная научная конференция Москва, 28 ноября 2018 года. – М.: Экономический факультет МГУ имени М. В. Ломоносова, 2019. – 208-219 с.

⁵ Табернакулов А., Койфманн Ян. Блокчейн на практике. – М. Альпина, 2019. – 111 с.

⁶ Глушченко Г. И., Галькова А. А. Технология блокчейн в развитии денежных переводов. //Сб. «Цифровизация Евразии»: новые перспективы экономического сотрудничества и развития международная научная конференция Москва, 28 ноября 2018 года. – М.: Экономический факультет МГУ имени М. В. Ломоносова, 2019. – 219-222 с.

⁷ Белова Л. Г. Внедрение технологии блокчейн в шеринговую экономику передовых зарубежных стран. //Сб. «Цифровизация Евразии»: новые перспективы экономического сотрудничества и развития международная научная конференция Москва, 28 ноября 2018 года.

– М.: Экономический факультет МГУ имени М. В. Ломоносова, 2019. – 67-69 с.

– Исландия, Румыния, Кыргызстан, Таиланд и другие объявили криптовалюты незаконным средством платежа.

Некоторые развитые страны все же легализовали криптовалюты.

Есть небольшой недостаток блокчейн технологии – она пока не годится для оперативной обработки больших объемов данных (особенно видео и аудио) и для использования в быстро меняющейся среде.

Данная технология цифровой экономики идеальна для долгосрочного и максимально надежного хранения редко изменяющейся информации. Поэтому технология перспективна для фиксации данных о клиентах банков, медицинских учреждений, страховых и логистических компаний. Распределенный реестр сделок принесет пользу патентным бюро и кадастровым центрам.


Технология подходит правоохранительным и налоговым органам для учета персональных данных. Брокерским и инвестиционным компаниям он пригодится в качестве реестра биржевых операций.

Законодательное урегулирование криптовалют – это долгий и трудоемкий процесс, который продлится еще не один год. Необходимо будет учитывать все недостатки криптовалют при адаптации их под экономику страны. Однако нельзя не признать, что перспективы развития данной технологии колоссальны. Эксперты отмечают, что ее можно использовать в самых различных сферах жизни общества: финансовой, энергетической, юридической (например, смарт-контракты, системы электронного голосования и т.д.), сфере государственного управления, здравоохранения и др. Поэтому очень важно закрепить технологии цифровой экономики на законодательном уровне, что безусловно предопределяет их дальнейшее развитие в прогрессивном, будем надеяться, направлении.

Особые правовые режимы своим участникам для апробации цифровых технологий и выработки методологических подходов правового регулирования уже применяются в Великобритании, Сингапуре, Малайзии, Нидерландах и Узбекистане.

Основные направления использования цифровых технологий:

- разработка и внедрение технологии блокчейн в различные отрасли экономики, в частности в сферу услуг;




- предоставление услуг по внебиржевым сделкам с крипто-активами;
- осуществление частного и промышленного майнинга;
- деятельность по конвертации крипто-активов, предоставление услуг крипто-кошельков;
- осуществление первичного размещения крипто-активов (Security Token Offering);
- иная деятельность в области оборота крипто-активов и технологии блокчейн.

Узбекистан стал одним из первых государств на пространстве СНГ, начавших регулировать использование технологии блокчейн и оборот крипто-активов в рамках развития цифровой экономики.

В 2018 году в Узбекистане приняты Постановления №ПП-3832 «О мерах по развитию цифровой экономики в Республике Узбекистан» и №ПП-3926 «О мерах по организации деятельности крипто-бирж в Республике Узбекистан», заложившие основу для начала правового регулирования оборота крипто-активов.

В Постановлении указывалось, что важнейшими задачами по дальнейшему развитию цифровой экономики является внедрение и развитие деятельности в области оборота крипто-активов, включая майнинг (деятельность по поддержанию распределительной платформы и созданию новых блоков с воз-



возможностью получения вознаграждения в формате новых единиц и комиссионных сборов в различных криптовалютах), смарт-контракты (договоры в электронной форме, исполнение прав и обязанностей по которым осуществляется путем совершения в автоматическом порядке цифровых транзакций), консалтинг, эмиссию, обмен, хранение, распределение, управление, страхование, крауд-фандинг (коллективное финансирование).

Продвижение технологии блокчейн предполагает также использование ее для диверсификации различных форм инвестиционной и предпринимательской деятельности; подготовку квалифицированных кадров в сфере разработки и использования технологии блокчейн, обладающих практическими навыками работы с использованием современных информационно-коммуникационных технологий; всестороннее развитие сотрудничества с международными и зарубежными организациями в сфере деятельности по крипто-активам и технологии блокчейн, привлечение высококвалифицированных зарубежных специалистов в области разработки технологии блокчейн для совместной реализации проектов в цифровой экономике; создание необходимой правовой базы для внедрения технологии блокчейн с учетом передового опыта зарубежных стран; обеспечение тесного взаимодействия государственных органов и субъектов предпринимательства в сфере внедрения

инновационных идей, технологий и разработок для дальнейшего развития цифровой экономики.

Согласно данным портала «Howmuch.net. Understanding Money», по состоянию на 15 января 2018 г. 99 государств в мире (около 40% от их общего количества) легализовали использование биткоина или не ограничивают его законодательно, 7 государств (3%) законодательно ограничивают его использование, в 10 государствах (4%) его использование было запрещено правовыми актами и является противозаконным, по остальным 130 государствам, в основном бедным, развивающимся и наименее развитым странам (53% мира), информация о регулятивных условиях использования биткоина отсутствует [Howmuch.net..., 2018].

Кроме того, был сделан смелый шаг в виде освобождения операций и доходов юридических и физических лиц, связанных с оборотом крипто-активов, в том числе осуществляемых нерезидентами, от налогообложения. Результатом стала выдача Республике Узбекистан в декабре 2019 года первой в Центрально-азиатском регионе лицензии на осуществление деятельности крипто-биржи, которая в январе 2020 года официально заявила о начале своей деятельности.

ABSTRACTS

DIGITAL ECONOMY, BLOCKCHAIN TECHNOLOGY, AND CRYPTOCURRENCY. HISTORY, CURRENT STATUS, AND PROSPECTS

The development of the digital economy and blockchain technology can radically change modern accounting and control. According to the author of the article, cryptocurrencies are gaining attention against the background of geopolitical uncertainty and depreciation of national currencies as a result of unprecedented stimulating measures to support the economy. In the article, the author cites both the positive aspects of cryptocurrency assets and the arguments of those who are against the widespread introduction of this system.

КРЕДИТ РЕЙТИНГЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИНВЕСТИЦИОН ИҚЛИМИГА ТАЪСИРИ



Дилноза Усманова,
Ўзбекистон
Республикаси
Молия вазирлиги
хузуридаги Бюджет-
солиқ тадқиқотлари
институту 1-тоифали
мутахассисиси

МАҚОЛАДА ТУРЛИ ХИЛ КРЕДИТ РЕЙТИНГЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИНВЕСТИЦИОН САЛОҲИЯТИГА ТАЪСИРИ АКС ЭТТИРИЛГАН ВА ТЕГИШЛИ ТАКЛИФЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН. БУНДАН ТАШҚАРИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ТАШКИЛОТИ ТОМОНИДАН БЕРИЛАДИГАН КРЕДИТ РЕЙТИНГИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ КЕЛТИРИЛГАН. ШУНИНГДЕК, ПАНДЕМИЯ ИНҚИРОЗИ САБАБЛИ 2020 ЙИЛДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ИҚЛИМИНИНГ "COVID-19" ТУФАЙЛИ ЁМОНЛАШГАНИ ВА РЕЙТИНГДАГИ ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЁТГА ТАЪСИРИ АКС ЭТТИРИЛГАН.



Мамлакатнинг иқтисодий ҳолатини баҳолаш нафақат пандемия даврида, балки бирор бир давлатга инвестиция киритиш мобайнида ҳам инвестор учун асосий факторлардан саналади. Бунинг кўрсаткичларидан бири – Инвестицион иқлимнинг ҳолатидир. Баъзи давлатларнинг ўзига хос, шаклланиб улгурган инвестицион имижи мавжудки, улар орасида Ўзбекистон Республикаси ҳам бор. Инвестицион иқлим тушунчаси бу иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва бошқа омилларнинг комбинацияси бўлиб, шу асосда инвестор инвестицияларнинг мақсадга мувофиқлигидан келиб чиқиб қарор қабул қилади.

Банклар ўз мижозларини шахс ва компания сифатида фарқлай бошлаши, ишонч ва таваккалчилик тамойиллари юзага келиши билан кредит рейтингларининг ҳам тарихи бошланган. Ушбу рейтинг тури-

Ўзбекистон Республикасининг Халқаро рейтинглардаги ўрни

Агентлик	Рейтинг	Қутилма	Сана
S&P	BB-	Салбий	2020 йил 5 июнь
Moody's	B1	Барқарор	2020 йил 8 апрель
Fitch	BB-	Барқарор	2020 йил 10 апрель
ИХТТ	5		2019 йил 1 февраль

да кредитнинг қайтарилмаслик хавфини баҳолаш асосий хусусият ҳисобланади. Қарз олувчи сифатида сизнинг рейтингингиз қанчалик юқори бўлса, унда сизга фойдали шартлар асосида кўпроқ пул таклиф қилишлари эҳтимоли шунча юқори бўлади. Молиявий бозорда глобаллашув ва унда турли воситаларнинг ривожланиши бозор иштирокчиларини турли категорияларга ажратиш зарурлигини кўрсатди. Натижада молиявий корпорация ва банклар, йирик трансмилий компаниялар, мустақил давлатлар ва уларнинг маҳаллий ҳокимият органлари вужудга келди. Агар давлат қарз олувчи бўлса, унда компания ёки банкка қараганда кўпроқ омилларни ҳисобга олиш зарурати пайдо бўлади. Масалан, битта давлатнинг мустақил рейтингини корпоратив секторнинг мавжуд ҳолати ва унинг истиқболини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, миллий компанияларнинг шароити, макроиқтисодий параметрларни ўлчаш билан баҳоланади. Инфляция, ички ва ташқи қарзнинг ҳажми ва тузилмаси, валюта курси ва бошқа макроиндикаторлар, сиёсий тизимнинг барқарорлиги ҳам ўта муҳим.

Халқаро миқёсда инвести-

цияларнинг жозибadorлигини объектив баҳолаш бўйича халқаро рейтинг агентликлари мавжуд ва улар томонидан мунтазам равишда мамлакатларнинг инвестициялар учун хавфлиги баҳоланган ҳисоботлар эълон қилиб борилади. Энг машҳур рейтинг агентликлари орасида катта учлик номини келтириб ўтиш жоиз, булар: Fitch, S&P 500, Moody's. Бу компаниялар ҳар бирининг ўзига хос баҳолаш услуги бор.

ИХТТ



Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти томонидан 1999 йилда Ўзбекистон кредит рейтингини яратилди. Кредит рейтингини экспорт кредитига суғурта мажбуриятини юклайди, хорижий банкларнинг импорт қилувчи корхоналарга қарз беришига имкон яратади, ўз навбатида бу ана шу томонлар учун кредит ресурсларининг қийматини ка-

майтиради. 2018 йилда Ўзбекистон хавф-хатар кўрсаткичи бўйича 6-гуруҳда бўлган ва айни дамда 2019 йилнинг февралдан кредит рейтинги кўрсаткичида 5-гуруҳга киритилган. Айтиш мумкинки, мамлакат кредит рейтингини кўтаришда валюта сиёсатининг муваффақиятли либераллаштирилиши, миллий валютанинг конвертация қилиниши, очиқ иқтисод муҳитининг яхшиланиши ва статистик ҳисоб-китобларнинг шафдофлашуви каби бир қатор омиллар муҳим роль ўйнади.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкilotи Ўзбекистон кредит рейтингини тузишда қуйидагиларни ҳисобга олган:

- Мамлакатнинг кредит тизими бўйича тарихи;
- Молиявий аҳвол;
- Қарзни қоплаш учун зарур бўлган валюта захиралари миқдори;
- Иқтисодий барқарорлик, унинг барқарор ўсиш суръати;
- Маъмурий соҳадаги турли қийинчиликларни бартараф этиш;
- Кредит ресурсларини олишда қулай муҳитга эришиш;
- Олинган кредитларни суғурталаш харажатларини камайтириш;
- Узоқ муддатга кредит олиш имконининг пайдо бўлиши.

Бугун Ўзбекистонда ички ва ташқи қарзнинг камлиги, корпоратив қарзларнинг камҳажмилиги муҳити, шунингдек, ижобий кредит тарихи мавжуд. Чунки шу вақтга қадар давлат қарзларини доим тўлаб борган. Бундан ташқари, банк ва молия соҳасида ислохотлар

қилинмоқда, ҳукумат хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватламоқда.

S&P



S&P ҳисоботида кўра, Ўзбекистон рейтингидан кутилманинг «барқарор»дан «салбий»га ўзгартирилишига асосий сабаблардан бири сифатида Ўзбекистоннинг давлат ташқи қарзи ўсаётганлиги ва инвестиция дастурлари, иқтисодийэтни модернизация қилиш ва Covid-19га қарши курашиш асосан давлат маблағлари ҳисобига амалга оширилиши натижасида ташқи қарз жалб этишнинг ортиши ва тўлов баланснинг жорий ҳисобварақлар бўйича дефицити юқори даражада қолишининг прогнози қутилаётганлиги айтилади.

Covid-19 пандемиясининг тарқалиши натижасида иқтисодий ўсиш суръатининг пасайиши ва соғлиқни сақлаш ҳамда иқтисодийэтни қўллаб-қувватлаш мақсадида **қўшимча фискал харажатларнинг пайдо бўлганлиги** 2020 йилда Ўзбекистонда **давлат қарзи, бюджет ва давлат бюджети дефицитини келтириб чиқарди**. Мамлакат тўлов баланси ҳолатининг ёмонлашувида асосий сабаб эса пандемия ва унинг чекловлари натижасида **мамлакатнинг асосий савдо ҳамкорлари иқтисодийэтидаги пасайиш ва экспорт қилинувчи хомашё товарлари (айниқса**

олтин, табиий газ ва мис учун) нархнинг кескин тушишидан иборат.

“MOODY’S”

2020 йил 8 апрелда “Moody’s” халқаро рейтинг агентлигининг ҳисоботида Ўзбекистон Республикаси банк тизими прогнози “барқарор” даражада сақлаб қолинган. Шунингдек, республика банк тизимининг коронавирус пандемиясининг таъсирига МДХ мамлакатларига нисбатан бардошлироқ эканлиги асосий омил сифатида кўрсатилган.



Ўзбекистонда давлат секторининг мамлакат иқтисодийэти ва банк тизимида салмоқли улушга эга эканлиги ҳамда моддий захиралар яратганлиги коронавирус тарқалиши сабабли иқтисодий фаолият бузилишининг банкларнинг активлари сифатида бўлган таъсирини камайтиради. Бундан ташқари, мустақкам моддий захиралар ва олдинги катта даромадлар иқтисодий шароитнинг ёмонлашуви натижасида кўриладиган зарарларни қоплаш учун етарли ҳисобланади. Бироқ давлат банкларидаги кредитларнинг ўсиши уларнинг ликвидлик захираларига нисбатан бошимни кучайтиради. “Moody’s” агентлиги қуйидаги омиллар Ўзбекистон банк тизимининг барқарорлигига ижобий таъсир кўсатишини маълум қилган:

▶ банк тизими кредит портфелида давлат корхона-ларига берилган кредитлар устунлик қилиши ва ушбу қарз олувчилар давлатнинг ёрдами-га суяниши мумкинлиги берил-ган кредитлар ишончилигини ошириб, банклар активлари-нинг сифати ёмонлашиши хав-фини камайтиради;

▶ Республиканинг асо-сий савдо ҳамкор давлатлари бўлмиш Россия Федерацияси, Қозоғистон ва Туркия миллий валюталарининг сезиларли даражада қадрсизланишига қарамай, сўмнинг қиймати АҚШ долларига нисбатан барқарор бўлиб қолди. Бу, ўз навбатида, хорижий валютада ифодалан-ган активларнинг инфляцияга учраш хатарини чеклайди ва капитализация даражасининг барқарорлигини таъминлайди;

▶ ЯИМнинг 52 фоизи қиймати тенг захиралар билан Ўзбекистон ҳукумати мам-лакат иқтисодиёти ва банк тизимини қўллаб-қувватлаш учун катта салоҳиятга эгадир.

Шу билан бирга, агентлик томонидан қўйидаги салбий омиллар санаб ўтилди:

▶ Коронавирус пандемия-си туфайли ҳукумат томони-дан амалга оширилаётган чора-тадбирлар иқтисодий фаолиятга салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундан биринчи навбатда кичик ва ўрта бизнес субъектлари, жисмоний шах-слар, ноозиқ-овқат истеъмол то-варлари чакана савдоси, уму-мий овқатланиш корхоналари, транспорт ва туризм соҳасига оид бизнес субъектлари ва бошқа хизмат кўрсатувчи таш-килотлар зарар кўрмоқда;

▶ банкларнинг миллий валютадаги омонатларни

ҚИСҚАЧА:

COVID-19 ПАНДЕМИЯСИНИНГ ТАРҚАЛИШИ НАТИЖАСИДА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ СУРЪАТИНИНГ ПАСАЙИШИ ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ҲАМДА ИҚТИСОДИЁТНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАҚСАДИДА ҚўШИМЧА ФИСКАЛ ХАРАЖАТЛАРНИНГ ПАЙДО БўЛГАНЛИГИ 2020 йилда Ўзбекистонда давлат қарзи, бюджет ва давлат бюджети дефицитини келтириб чиқарди. МАМЛАКАТ ТўЛОВ БАЛАНСИ ҲОЛАТИНИНГ ёмонлашувига асосий сабаб ЭСА ПАНДЕМИЯ ВА УНИНГ ЧЕКЛОВЛАРИ НАТИЖАСИДА МАМЛАКАТНИНГ асосий савдо ҳамкорлари иқтисодиётидаги ПАСАЙИШ ВА ЭКСПОРТ қилинувчи хомашё товарлари (айниқса олтин, табиий газ ва мис учун) НАРХИНИНГ КЕСКИН ТУШИШИДАН ИБОРАТ.

хорижий валютага конвер-сия қилиш натижасида омон-натлар чиқиб кетишининг олдини олиш бўйича саъй-ҳаракатлари билан боғлиқ молиялаштириш харажатла-

ри ошган сари соф фоизли маржа (Net interest margins) камаяди. Бу, юқори захира тўловлари билан бирга, рен-табелликнинг пасайишига олиб келмоқда;



► 2020 йил 1 март ҳолатига секторнинг ўртача ликвидлик коэффициенти жами активларнинг қарийб 16 фоизини ташкил қилган. Давлат банклариди кредитлашнинг ўсиши ҳисобига ликвидлик захиралари босим остида қолган.

FITCH RATINGS

Fitch Ratings халқаро рейтинг агентлиги Ўзбекистоннинг узоқ муддатли кредит рейтингини «BB-» даражасида (спекулятив хусусиятларга эга бўлган рискли мажбуриятлар) сақлаб қолди. Рейтинг бўйича прогноз – «барқарор¹».

Агентликнинг ҳисоботида кўра, COVID-19 пандемияси туфайли юзага келган глобал инқироз шароитида Ўзбекистон рейтингининг сақлаб қолинишига сабаб бўлган асосий омиллар бу: мамлакатда мустақкам ташқи ва фискал захираларнинг мавжудлиги, диверсификацияланган

товарлар экспорти базаси ҳамда ташқи молиявий манбалардан фойдаланиш имкониятларидан иборат. Мазкур омиллар Ўзбекистоннинг глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича чораларини молиялаштириш, иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш ҳамда жорий операциялар ҳисоби дефицитининг юқорилиги ва давлат қарзининг ошиши билан боғлиқ қисқа муддатли хатарларни юмшатишга хизмат қилади.

Шу билан бирга, «Fitch Ratings» томонидан президентимиз Ш.М.Мирзиёев бошчилигида 2017 йилда бошланган ислохотлар, жумладан макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш истиқболларини яхшилаш, иқтисодий давлатнинг ролини камайтириш ҳамда институционал ва

бошқарув соҳаларидаги заиф томонларни бартараф этишга қаратилган ислохотлар изчил амалга оширилаётганлигини ҳам кўрсатиб ўтилган. Гарчи жорий йилда Fitch Ratings томонидан иқтисодий ўсиш прогнози 2 фоизга туширилган бўлса-да, Ўзбекистоннинг инқирозга қарши кураш чоралари, инвестиция лойиҳаларининг давомий молиялаштирилиши ҳамда асосий савдо ҳамкорларининг тикланиши келгуси йилда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини (2021 йил учун прогноз 6,8 фоиз) таъминлаши алоҳида таъкидланган.

Ҳисоботда COVID-19 пандемиясига қарши курашиш, аҳоли бандлиги, ижтимоий тўловларнинг амалга оширилиши, иқтисодий ва инвестициявий фаолликни қўллаб-қувватлаш мақсадида Молия вазирлиги ҳузурида Инқирозга қарши кураш жамғармасининг (1 млрд. АҚШ доллари ҳажмида) ташкил этилгани ҳамда Ҳукумат томонидан мақсадли ва вақтинчалик солиқ имтиёзлари, тегишли секторларнинг кредит тўловларини кечиктириш имтиёзларининг (3 млрд. АҚШ доллари ҳажмида) тақдим этилиши кабилар ҳам таъкидланган.

Шунингдек, агентлик томонидан давлат ташқи қарзини жалб этишнинг йиллик юқори чегараси жорий этилгани ва Ҳукуматнинг давлат қарзи (Ҳукумат номидан ва унинг кафолати остидаги қарз) максимал миқдорини ялпи ички маҳсулотга (ЯИМ) нисбатан 50 фоиз этиб белгилаш бўйича

ҚИСҚАЧА:

S&P ҲИСОБОТИГА КўРА, ЎЗБЕКИСТОН РЕЙТИНГИДА КУТИЛМАНИНГ «БАРҚАРОР» ДАН «САЛБИЙ»ГА ЎЗГАРТИРИЛИШИГА АСОСИЙ САБАБЛАРДАН БИРИ СИФАТИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДАВЛАТ ТАШҚИ ҚАРЗИ ЎСАЁТГАНЛИГИ ВА ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРЛАРИ, ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА COVID-19ГА ҚАРШИ КУРАШИШ АСОСАН ДАВЛАТ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИГА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ НАТИЖАСИДА ТАШҚИ ҚАРЗ ЖАЛБ ЭТИШНИНГ ОРТИШИ ВА ТўЛОВ БАЛАНСНИНГ ЖОРИЙ ҲИСОВВАРАҚЛАР БўЙИЧА ДЕФИЦИТ ЮҚОРИ ДАРАЖАДА ҚОЛИШИНING ПРОГНОЗИ КУТИЛАЁТГАНЛИГИ АЙТИЛАДИ.

¹ <https://www.fitchratings.com/research/sovereigns/fitch-affirms-uzbekistan-at-bb-outlook-stable-10-04-2020>

режалари давлат қарзининг ўсишини камайтиришга қаратилгани қайд этилган.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Кредит рейтингларини яхшилаш Ўзбекистонга қуйидаги имкониятларни бериши мумкин:

✓ Маъмурий соҳадаги турли қийинчиликларни бартараф этиш;

✓ Кредит ресурсларини олишда қулай муҳитга эришиш;

✓ Олинган кредитларни суғурталаш харажатларини камайтириш;

✓ Узоқ муддатга кредит олиш имконининг пайдо бўлиши.

Айни дамда Ўзбекистон ушбу тизимни яқин истиқболда яхшилаш мақсадида қуйидаги вазифаларни амалга ошириши керак, деб ўйлаймиз:

1. Узоқ муддатли макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий хавфсизликни таъминлайдиган, инфляция содир бўлишининг олдини оладиган «Бюджет қоидалари»ни ишлаб чиқиш;

2. Экспорт тузилмасини диверсификация қилиш (экспортда юқори даражада қайта ишланадиган маҳсулотларнинг улушини кўпайтириш);

3. Бюджет даромадларини оширадиган соҳаларга йўналтириш учун ташқи инвестицияларни жалб қилиш механизминини тартибга солиш;

4. Ташқи иқтисодий фаолиятни қўллаб-қувватлаш мақсадида Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти мамлакатлари ва экспорт-кредит агентликлари билан ҳамкорликни кучайтириш.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ ҚАРЗИ ҲОЛАТИ ВА ДИНАМИКАСИ ШАРҲИ



(2020 йилнинг III чораги)

Ўзбекистон Республикасининг халқаро молия институтларидан жалб қилган ташқи қарз портфели ҳажми 8,9 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, мазкур кредитлар узоқ муддат (30 йилгача) ҳамда имтиёзли фоиз ставкаларида тақдим этилган.

Давлат ташқи қарзининг кредиторлар кесимида тақсимланиши (2020 йил 1 октябрь ҳолатига, АҚШ доллари):

▶ Осиё тараққиёт банки – 4,5 млрд.;

▶ Жаҳон банки – 3,1 млрд.;

▶ Хитой Эксимбанки – 2,2 млрд.;

▶ Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги – 1,9 млрд.;

▶ Хитой давлат тараққиёт банки ва бошқалар – 1,8 млрд.;

▶ Халқаро инвесторлар – 1,0 млрд.;

▶ Ислон тараққиёт банки – 0,9 млрд.;

▶ Япония халқаро ҳамкорлик банки ва бошқалар – 0,3 млрд.;

▶ Бошқа халқаро молиявий ташкилотлар – 2,8 млрд.

Қайд қилиш керакки, давлат ташқи қарзининг манбалари диверсификацияси таъминланган бўлиб, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари ҳиссасига давлат ташқи қарзининг 46,3 фоизи

тўғри келади. Ўзбекистон Республикасининг асосий кредиторлари Хитой Эксимбанки, Хитой давлат тараққиёт банки, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги ва ташкилоти ва бошқа мамлакатларнинг хорижий ҳукумат молия ташкилотлари ҳиссасига тўғри келиб, қарз маблағлари асосан турли инвестицион дастурларнинг Ҳукумат кафолатлари остида молиялаштирилиши учун жалб этилган. Кредиторлар олдидаги қарздорлик бўйича харажатлар давлат корхоналари томонидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш натижасида тушган маблағлар ҳисобидан сўндирилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат ташқи қарзи портфелининг валюта таркиби (01.10.2020 й. ҳолатига):

АҚШ доллари – 70,0%;

Япон иенаси – 11,8%;

СДР (махсус қарз олиш ҳуқуқлари) – 10,5%;

Евро – 4,4%;

Хитой юани – 1,4%;

Корея вони – 0,9%;

Саудия Арабистони риали – 0,7%;

Қувайт динари – 0,4%;

БАА дирҳами – 0,03%.

Манба:

**Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги**

ABSTRACTS

THE IMPACT OF CREDIT RATINGS ON THE INVESTMENT CLIMATE IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

The article reflects the impact of various credit ratings on the investment potential of Uzbekistan and develops relevant proposals. The author of the article commented on the deterioration of the investment climate in 2020 due to Covid-19 and the impact of changes in the rating on the economy.

ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК: ЯНГИ ХИЗМАТЛАР – ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

2020 ЙИЛНИНГ
15 ДЕКАБРЬ КУНИ
ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК
ТОМОНИДАН ЖОРИЙ
ҚИЛИНГАН ЯНГИ ХИЗМАТЛАР
ТАҚДИМОТИГА БАҒИШЛАНГАН
МАТБУОТ АНЖУМАНИ БЎЛИБ
ЎТДИ. ТАДБИРДА БАНК
РАҲБАРИАТИ, ТЕГИШЛИ
ТАРКИБИЙ БЎЛИНМАЛАР
МАСЪУЛЛАРИ ҲАМДА
ОММАВИЙ АХБОРОТ
ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ
ИШТИРОК ЭТДИ.



Сўнги пайтларда кенг жамоатчилик ўртасида скоринг, озиқ-овқат саватчаси, эко-тизим, софт коллекшн каби тушунчаларга тез-тез дуч келинмоқда ва бу ҳеч кимни ажаблантиргани йўқ. Чунки банк тизими модернизация қилиниб, рақамлаштириш босқичларидан ўтмоқда, жараёнлар мақбуллаштирилиб, бош офис ва сотув нуқталари ўртасидаги вазибалар қайта тақсимланмоқда.

Ўзсаноатқурилишбанк тизимида Президентимизнинг 2020 йил 12 майдаги “2020-

2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармонида белгиланган вазибаларга мувофиқ, банк фаолиятини автоматлаштириш ва хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш, самарали инфратузилма яратиш, кредитлашни бозор шартлари асосида амалга ошириш каби чора-тадбирлар бутунлай янгича мазмунда ташкил этилмоқда.

Халқаро молия корпорацияси (ХМК) билан ҳамкорликда Банкни трансформация қилиш

бўйича янги бизнес-модель ишлаб чиқилди. Банкни стратегик ривожлантириш дастури ва Мижозларга хизмат кўрсатиш стандартлари яратилди. Банк хизматларининг онлайн турлари жорий этилди, кредит ва омонатни расмийлаштиришда ҳужжатлар сезиларли даражада қисқартирилди, валюта айирбошлаш ва халқаро пул ўтказмалари амалиётлари оптималлаштирилди. Корпоратив бизнес учун кредит маҳсулотларини сотиш бўйича янги бизнес жараёни, кичик ва хусусий тадбиркорликни

ривожлантириш мақсадида эса алоҳида стратегия ишлаб чиқилди.

Анжуманда Банкдаги трансформация жараёнлари қайси босқичда давом этаётгани, айрим тузилмалар фаолияти янгилашиб, уларнинг вазифалари блокларга бўлинган ҳолда йўлга қўйилаётгани, тизимда қайси лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилиб, қай бирлари ўрганиш ҳолатида эканлиги батафсил тўхталиб ўтилди.

Журналистлар эътибори Банк тизимида яқинда янгиланган тартибда иш бошлаган колл марказ, қарздорликларни марказлашган ҳолда сўндирувчи софт коллекшн ҳамда андеррайтинг хизматлари фаолиятига қаратилди.

– Колл марказимизнинг асосий вазифалари банк маҳсулотлари бўйича мижозларга кенг тушунча бериш, банк маҳсулотларини уларнинг мақсад ва эҳтиёжларига кўра йўналтириш, маркетинг изланишларини олиб бориш ва раҳбариятга мижозлардан келиб тушган мурожаатлар асосида таклифлар киритиб боришдан иборат, – дейди “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Ахборот хизмати раҳбари Беҳзод Бозоров. – Шунингдек, марказ мутахассислари ижтимоий тармоқлардан келган саволларга ҳам жавоб бериб, аҳолининг молиявий саводхонлигини оширишга қўмаклашади.

Қарздорликларни марказлашган ҳолда сўндириш маркази, ўз номига кўра, Банк кредит маҳсулотидан фойдаланаётган мижозлар билан ишлайди. Бугунги кунда марказда махсус психологик тестдан муваффақиятли ўтган 20

нафар ходим фаолият юритиб, уларнинг ҳар бири кунига 300 тагача қўнғироқ асосида мижозлар билан мулоқот қилади.

Андеррайтинг–кредитажратишнинг марказлашган тизими бўлиб, у Банк томонидан юридик ва жисмоний шахсларга ажратиладиган кредитлар бўйича ҳужжатларнинг ортиқча бюрократик тўсиқларсиз, қисқа муддатда кўриб чиқилишини таъминлайди.

Шунингдек, тадбирда Банкнинг республика молия бозорида тутган ўрни, хорижий ҳамкорлари, молиялаштираётган йирик лойиҳалари хусусида маълумот берилди. Янги хизматларидан – JOYDA мобиль иловаси, ипотека кредити, микроқарз, “Sog’ligim – boyligim” омонати ҳақида тушунча берилди.

– JOYDA платформаси аҳолига анъанавий банк хизматларини кўрсатиш баробарида уларни савдо компаниялари билан ўзаро боғловчи савдо

майдончаси эканлиги билан қулайлик туғдирмоқда, – дейди “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Бошқаруви Раиси ўринбосари Улуғбек Таваккалов. – *Платформада мерчантларнинг товарлари кредитга суғурта полиси ва етказиб бериш хизмати билан бирга тез ва қулай сотилмоқда. Агар сотув суръати бугунгидек давом этаверса, унда мижозларга озиқовқат саватчасидаги товар ва хизматларни янада кенг доирада таклиф этиш имкони туғилади. Шу ўринда таъкидлаб ўтмоқчиманки, биз илова имкониятларини ҳам горизонтал, ҳам вертикал усулда ривожлантириб бориш ҳаракатидамиз. Масалан, яқинда JOYDA иловасида “НитоPay” орқали тўлов тизимини ишга туширдик. Мазкур тизим андроид телефонларида “Нито” картаси орқали харидларни амалга ошириш имконини беради.*

Банк ахборот хизмати



ПОЛУЧЕНИЕ ЗАЙМА В РОССИИ ВОЗМОЖНО БЕЗ ГРАЖДАНСТВА РФ

ЭТАП ПЕРВЫЙ: УСТАНОВКА МОБИЛЬНОГО ПРИЛОЖЕНИЯ

Предложение реализуется в партнерстве с «Золотой Коронай»: заявка на получение займа оформляется в ее мобильном приложении «Денежные переводы». Если вы уже пользовались этим инструментом, например, отправляли с его помощью кому-нибудь деньги, то можете сразу переходить к следующему этапу.

Если такого опыта не было, приложение необходимо скачать в App Store или Google Play и пройти стандартную авторизацию: ввести номер телефона и одноразовый код, полученный в SMS.


Узбекистан, Ташкент – AN Podrobno.uz. Граждане Узбекистана теперь могут рассчитывать на получение займа в России. Причем без российского гражданства, кредитной истории и поручителей. Такую возможность предоставляет компания «Страна Экспресс» заемщикам в возрасте от 18 до 60 лет. Услуга эта доступна онлайн, что очень удобно. Процедура проста и предполагает всего три этапа.

ЭТАП ВТОРОЙ: ПОДАЧА ЗАЯВКИ

Чтобы подать заявку, следует открыть мобильное приложение, зайти в раздел «Займы» и заполнить анкету. Перед этим при помощи калькулятора можно просчитать и выбрать с учетом процентов оптимальный для себя вариант:

- ✓ займ от 5 000 до 15 000 рублей сроком на 63 дня,
- ✓ займ 30 000, 40 000 и 50 000 рублей сроком на 6 месяцев.

Решение о предоставлении займа принимается в течение нескольких минут.



ЭТАП ТРЕТИЙ: ПОЛУЧЕНИЕ ДЕНЕГ

В первый раз одобренная сумма выдается только наличными в банке. Все адреса офисов перечислены на сайте компании, забрать деньги можно в любом из них. Однако при следующих обращениях появляется альтернативный способ – зачисление средств сразу на банковскую карту.

Чтобы получить займ удаленно, используйте карты платежных систем МИР, Visa, Mastercard или Maestro, выпущенные любым российским банком.

ПОГАШЕНИЕ ЗАЙМА

Вносить платежи в счет погашения займа можно на сайте «Страна Экспресс», в мобильном приложении «Денежные переводы», а также наличными через кассу в банках, салонах связи и отделениях «Почты России». Кроме того, онлайн-оплата долга возможна через сервис «Погашение кредитов» от «Золотой Короны».

Какой способ предпочесть, чтобы вернуть займ, выбирает сам заемщик.

ОЛТИН БОЗОРИ ВА УНИНГ НАРХЛАРИ

Жаҳондаги иқтисодий ноаниқликлар ва молия бозорларидаги кескин тебранишлар ҳисобига **олтин нархи** йил бошидаги ўртача (1 троя унцияси учун) 1 511 АҚШ долларидан 1 октябрь ҳолатига 1 883 АҚШ долларигача етиб, 25 фоизга ўсди. Олтин нархининг бундай кўтарилиши бюджет даромадлари ва ишлаб чиқарувчиларнинг инвестицион фаоллигини қўллаб-қувватловчи омил бўлмоқда. Хусусан, тоғ-кон саноати корхоналарининг 2020 йил январь-сентябрь ойларидаги ўртача пул тушумлари (қимматбаҳо металллар учун Марказий банк томонидан тўланган) ҳажми 2019 йилнинг мос даврига нисбатан қарийб **50 фоизга**, бюджетга тўловлари миқдори **53 фоизга** ва ўз ихтиёридаги даромадлари **43 фоизга** ўсди.

Дунёда коронавирус билан боғлиқ вазият мураккаблигича қолаётган шароитда жорий йил якунига қадар олтин нархи 1 троя унцияси учун **1 900-2 000** доллар атрофида шаклланиши прогноз қилинмоқда.



Пандемия давридаги иқтисодий ноаниқликлар ва молия бозорларидаги кескин тебранишларни ҳисобга олиб, кўплаб институционал ва хусусий инвесторлар ўз маблағларини инқироз шароитларида nisбатан хавфсиз актив ҳисобланган олтинни сотиб олишга йўналтирди. Бунинг натижасида жаҳон бозорларида олтиннинг нархи кескин кўтарилди. Кейинги йилларда жаҳонда иқтисодий ўсишнинг аста-секин тикланиб бориши фонидо олтин нархининг прогноз даврида бир маромда (1 900 дан 1 700 долл./тр. унц.) пасайиб бориши кутилмоқда.

ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИОН БАНКЛАР ТОМОНИДАН ОЛТИН БОЗОРИ КОНЪЮНКТУРАСИ ТАҲЛИЛИ ВА ОЛТИН НАРХИНИНГ ЎРТА МУДДАТЛИ ПРОГНОЗИ


Олтин нархи динамикасида 1980-2000 йиллардаги узоқ муддатли турғунликдан кейин (1 троя унцияси учун 350-500 доллар), сўнгги икки ўн йилликда ўсувчи тенденциялар кузатилмоқда. Бунда 2005 йил охиридан бошлаб олтин нархи барқарор ўсиш фазасига ўтди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг энг жиддий тус олган даврларида ушбу металл нархи 1 000 доллардан ошди ва кейинги икки йил ичида (2009 йил сентябрдан 2011 йил сентябргача) 1,8 баробарга ўсиб, 1 троя унцияси учун 1 794 долларга етди. Инқироздан кейинги даврда ушбу нархларда пасайиш тенденцияси кузатилди. 2013 йилнинг май ойидан 2019 йил апрелигача бўлган даврда олтин нархи яна барқарорлашиб, 1 000-1 300 доллар атрофида шаклланди.

Бироқ 2019 йил апрель ойидан бошлаб


дунёдаги энг йирик иқтисодиётлар – АҚШ ва Хитой ўртасидаги савдо зиддиятлари шароитида нисбатан хавфсиз актив сифатида олтин жозибдорлигининг ортиши сабабли қимматбаҳо металл нархи кўтарила бошлади ва 2019 йил август ойида 1 500 долларлик маррани забт этди. Ушбу даврдан бери олтин нархи фақат ўсувчи тенденцияни намоён этмоқда.

2020 йилдан бошлаб пандемия тарқалиши ва жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши бўйича ноаниқликларнинг кучайиши сабабли хатарларнинг ошиши шароитида инвесторлар олтинни барқарор ва хавфсиз актив сифатида танладилар. Натижада дастлабки 8 ой давомида мазкур металл нархи қарийб 36 фоизга ўсди ва август ойида яна бир рекорд кўрсаткич – 2 063 долларлик маррани забт этди.



FINE
GOLD
999.9

Олтин нархи динамикаси



Таъкидлаш жоизки, олтин нархининг кескин кўтарилиши ва тарихий рекорд даражасидан ошиб ўтиш шароитлари 2019 йил ўрталаридан АҚШ Федерал захиралар тизимининг фоиз ставкаларини пасайтириш эҳтимоли борлиги тўғрисида сигнал бериши билан пайдо бўла бошлаган эди.

Халқаро бозорда олтин нархи 2020 йилнинг сентябрь ойидаги бироз пасайишдан сўнг октябрь ойида яна кўтарилди ва октябрь ойининг иккинчи ҳафтасида олтин нархининг спот даражаси (реал маҳсулотни маълум бир жойда дарҳол етказиб бериш шартлари бўйича сотилдиган нарх) 1 900 доллар атрофида шаклланди.

Кўплаб нуфузли таҳлилчилар ва йирик инвестицион банклар прогнозларига кўра, олтин нархи 2020 йил якунига қадар 1 950-2 000 доллар атрофида шаклланиши кутилмоқда.

Олтин нархининг юқори даражада сақланиб қолиши ривожланган мамлакатлар (АҚШ, Европа Иттифоқи ва Япония каби давлатлар) марказий банкларининг ўта юмшоқ пул-кредит сиёсати натижасида реал фоиз ставкаларининг пасайиши, сўнгги пайтларда доллардан бошқа асосий валюталарнинг заифлаиши, фискал рағбатлантиришларнинг кучайиши, товар бозоридаги ўзгарувчанликлар билан изоҳланади.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. Пул-кредит сиёсатининг 2021 йил ва 2022-2023 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари <https://cbu.uz/upload/medialibrary/f69/Asosiy-yunaliishlar-2021.pdf>

ИСЛОМДА ИЖАРА (ЛИЗИНГ)НИНГ АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ

1. Ижара бу мулкнинг эгаси шу мулктан фойдаланиш ҳуқуқини келишилган муддатга, муайян шартлар асосида бошқа бир шахсга беришини кўзда тутувчи битимдир.

2. Ижарага берилётган мулк фойдаланишга яроқли бўлиши шарт, шу сабабли фойдаланиб бўлмайдиган нарсалар ижарага берилиши мумкин эмас.

3. Ижара шартномаси ҳуқуқий кучга эга бўлиши учун ижарага берилган мулкнинг эгалик ҳуқуқи ижара берувчининг ўзида қолиши, ижара олувчига эса фақат ундан (яъни мулктан) фойдаланиш ҳуқуқигина ўтиши керак. Шундай қилиб, истеъмор қилмасдан туриб фойдаланиб бўлмайдиган ҳар қандай нарсани ижарага бериб бўлмайди. Шу сабабли пул, озик-овқат, ёқилғи ёки ўқ-дори каби нарсалар ижарага берилиши мумкин эмас, чунки уларни истеъмор қилмасдан фойдаланиб бўлмайди. Агар шу каби истеъмор қилинадиган нарсалар ижарага бериладиган бўлса, у ҳолда бу қарз ҳисобланади ва бунда қарзга нисбатан қўлланиладиган барча қоидалар ишга тушади. Табиийки, бундай ножоиз шартнома доирасида амалга оширилган тўлов, яъни бундай "ижара" учун олинган пул қарз учун фоиз – рибо ҳисобланади.

4. Ижарага берилган мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқи ижара берувчига тегишли бўлгани учун, мулкчиликка оид барча мажбуриятлар ижара берувчи зиммасида, шу мулктан фойдаланиш билан боғлиқ мажбуриятлар эса ижара олувчи зиммасида бўлади.

Масалан:

А ўз уйини Б га ижарага берган бўлса, мулк солиғини А тўлайди, сув, газ, электр энергияси учун тўловлар ва уйдан фойдаланиш билан боғлиқ бошқа барча харажатларни эса Б қоплайди.

5. Ижара муддати аниқ (келишилган) бўлиши керак.

6. Ижарага олинган мулк, шартномада кўзда тутилган мақсадлардагина фойдаланилиши мумкин (яъни

ижарага олувчи бу мулктан бошқа мақсадларда фойдаланиши мумкин эмас). Агар шартномада аниқ мақсад кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда ижарага олувчи одатда бу мулктан қандай фойдаланилса, шундай фойдаланаверади. Аммо, агар у бу мулктан қандайдир бошқа (ноодатий) мақсадда фойдаланмоқчи бўлса, у ҳолда бунинг учун ижара берувчининг аниқ-равшан рухсатини олиши керак бўлади.



7. Ижара олувчи нотўғри фойдаланиши ёки бепарволиги туфайли ижарага олинган мулкка етган ҳар қандай зарарни қоплаши шарт.

8. Ижара муддати давомида ижарага берилган мулкка етиши мумкин бўлган барча хатарлар ижара берувчининг зиммасида бўлади, яъни ижарага олувчига боғлиқ бўлмаган омиллар туфайли мулкка етган ҳар қандай зарар ёки талафот ижара берувчи томонидан қопланади.

9. Икки ёки ундан ортиқ шахсининг биргаликдаги мулки ижарага берилиши мумкин, бунда ижарадан тушган маблағ барча мулкдорлар ўртасида уларнинг шу мулкдаги улушларига мос равишда тақсимланади.

10. Ижара шаръий жиҳатдан жоиз бўлиши учун ижарага берилаётган

мулк аниқ бўлиши ва шартномада аниқ-тиниқ кўрсатилиши / тавсифланиши зарур.

Масалан:

А томон Б га: “Мен сенга иккита дўконимдан бирини ижарага бераман” деди, Б ҳам рози бўлди, аммо шу икки дўкондан қайси бири ижарага берилаётганлиги аниқ кўрсатилмагунча / белгиланмагунча ижара шартномаси шаръий жиҳатдан ҳақиқий ҳисобланмайди.

11. Ижара ҳақи миқдори шартномада аниқ кўрсатилиши ва бутун ижара даври учун белгиланиши керак. Шу билан бирга, ижара муддатининг турли даврлари учун турли ижара ҳақи белгиланиши мумкин. Агар ижара муддатининг бирор бир даври учун ижара ҳақи миқдори белгиланмаган бўлса ёки бу масала ижара берувчининг ихтиёрига қолдирилган бўлса, ижара шартномаси ҳуқуқий кучга эга бўлмайди.

Мисол (1):

А ўз уйини Б га 5 йил муддатга ижарага бермоқчи. Биринчи йил учун ижара ҳақи бир ойга 1.000.000,00 (бир миллион) сўм миқдорида белгиланди ва келгуси йилларда ижара ҳақи аввалги йилгига нисбатан 10%га кўпайиб боришига келишиб олинди. Бундай ижара жоиз.

Мисол (2):

А ўз уйини Б га 5 йил муддатга ижарага бермоқчи. Биринчи йил учун ижара ҳақи бир ойга 1.000.000,00 (бир миллион) сўм миқдорида белгиланди, аммо келгуси йиллар учун ижара ҳақи аниқ кўрсатилмади ва кейинги йиллар учун ижара ҳақини белгилаш

ҳуқуқи ижара берувчининг ихтиёрида қолдирилди. Бундай ижара жоиз эмас, чунки ижара ҳақи аниқ белгиланмаган.

12. Ижара берувчи ижара ҳақини бир томонлама ошириши мумкин эмас ва буни кўзда тутувчи ҳар қандай шарт битимни ботил (бекор) қилади.

13. Ижара ҳақи ёки унинг бирон бир қисми олдиндан бўнак сифатида тўланиши мумкин, аммо белгиланган муддатдан аввал ижара берувчи ҳисобига келиб тушган бундай тўловлар “келгусида тўланиши керак бўлган ижара ҳақи” дейилади ва улар ижара берувчи томонидан тўлов муддати келгандан сўнггина ижара ҳақи сифатида қабул қилинади.

14. Ижара муддати ижара олувчи мулкдан фойдаланишни бошлаган ёки бошламаганлигидан қатъи назар, мулк ижара олувчига топширилган кундан бошланади.

15. Агар ижарага берилган мулк ижара мақсадлари учун яроқсиз ҳолга келса ва уни таъмирлашнинг иложи бўлмаса, унда мулкка бундай талафот етган кундан бошлаб ижара муддати тугаган ҳисобланади. Шу билан бирга, мулкка етган талафот ижара олувчининг айби билан (масалан мулк нотўғри ишлатилганлиги, эътиборсизлик/лоқайдлик ва ҳ.к. туфайли) юзага келган бўлса, у ҳолда ижара олувчи қўрилган зарарни тўлиқ қоплаб бериши керак бўлади.



ИСЛОМ МОЛИЯСИ БЎЙИЧА АЙРИМ САВОЛЛАРГА ЖАВОБЛАР



Савол: Маълумки, ислом банклари пул қадрсизланиши (инфляция) муаммосини ҳал қилмайди ва шу билан бирга фоизга асосланган

анъанавий банк-молия маҳсулотлари шариатда тақиқланган дейилади. Агар пул қадрсизланиши сабабли бугунги 1 доллар келгуси йилда 90 центга тенг бўладиган бўлса, қандай қилиб шу 10 цент зарарни қоплаш мумкин? Буни банк фоизи ҳисобидан қоплашим мумкинми?

Жавоб: фоиз асосидаги олди-берди, анъанавий молия маҳсулотлари динимизда тақиқланган.

Жуда кўп мусулмонлар фоиз юзасидан Куръон ва Суннатда айtilган ҳукмларни ўз шахсий тушунчалари асосида "тафсир" қиладилар ва негадир пул қадрсизланишини банк орқали олинган фоиз билан қоплаш мумкин, деган хулосага келадилар. Албатта, бундай тушунча илмдан узоқ ва ўта хатарлидир.

Яна баъзи бировлар банкларнинг ҳар қандай туридан узоқ юриш керак, чунки ислом банклари ҳам умумий банк-молия тизимининг бир қисми бўлиб, шу туфайли уларнинг фаолияти энг камида шубҳали, деган фикрни илгари суришади. Бундай ёндашувни туякушга ўхшаб бошни қумга тикиб олишга ўхшатиш мумкин, чунки мусулмонлар ҳам шу жамиятда яшаб фаолият юритишар экан, токи уларда ўз молиявий маблағларини бирор бир усул билан сақлаш ёки кўпайтириш зарурати бор экан, улар банк каби молия муассасаларига мурожаат қилишаверади. Асосий масала ана шу жараёнларнинг динимиз қоидаларига мувофиқ бўлишидир. Агар баъзи ислом банклари ислом молияси тамойилларига мос келмайдиган битимларни ўтказишса, бу уларнинг бўйнидаги гуноҳ, лекин бу бутун молия тизимини қоралаш учун асос бўла олмайди (бу худди бир нечта мусулмоннинг гуноҳи туфайли бутун мусулмон жамиятини айблашга ўхшайди).

Инфляцияни қоплаш масаласида эса, ислом банклари турли молиявий воситаларни ва улар орқали фоизсиз даромад ишлаб олиш имкониятини тақдим этишади. Бугунги кунда ислом банкларида фойда келтирадиган омонат (депозит)ларнинг асосан икки тури мавжуд:

1. Музораба битими. Ушбу омонат турида банк бошқарувчи-музориб, мижоз эса омонатчи-сармоядор вазифасини бажаради. Банк мижоздан қабул қилиб олган пул маблағларини шартнома асосида турли шариат нуқтаи назаридан ҳалол бўлган даромадли лойиҳаларга сармоя сифатида киритади ва олинган фойдани мижоз билан аввалдан келишилган нисбатда бўлишиб олади. Албатта бунда мижоз аввалдан аниқ белгиланган даромад/фойда ололмайди, чунки бу рибо бўлади (ислом банки даромадни олдиндан кафолатлай олмайди, чунки пул тикилган лойиҳа даромад келтирмаслиги ҳам мумкин). Агар инвестиция фаолияти натижасида зарар кўрилса, у омонат эгаси (мижоз) томонидан қопланади,





банк эса фойдадаги улушга эга бўлмайди.

2. Вакала битими. Ушбу битим доирасида ҳам музорабага ўхшаш фаолият амалга оширилади, бунда банк мижоз маблағларини тасарруф қилиш ваколатини олган томон (вакил/агент) сифатида фақат белгиланган миқдорда хизмат ҳақи (комиссия) олади. Қилинган инвестициядан олинган барча фойда омонатчи мижозга тегишли бўлади. Зарар ҳам омонатчи мижоз ҳисобига ёзилади. Лекин агар банк мижоз маблағларини тасарруф этишда лоқайдлик, лаёқатсизлик, ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар ёки битим шартларини бузиш ҳолатларига йўл қўйса, у ҳолда кўрилган зарар банк тарафидан қопланади.

Ушбу иккала битимда фойда миқдори банк тарафидан инвестиция қилинган лойиҳанинг ёки активнинг рентабеллик даражасига боғлиқ бўлади. Шунингдек, мижознинг омонати кафолатланмаганлиги туфайли банк сармоя киритилаётган лойиҳа/активни синчковлик билан ўрганади, чунки муваффақиятсизлик банкнинг обрў-эътиборига таъсир қилиши мумкин.

Ушбу битимлардан ташқари “вадиъа” туридаги жорий омонат битимлари ҳам мавжуд бўлиб, унда омонат устидан даромад олинмайди ва мижознинг талаби билан банк омонат тўлиқ қайтарилишини кафолатлайди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган битимлардан ташқари *таварруқ* битими ҳам борки, бу битим

мижозга омонатнинг тўлиқ қайтарилишини ва қатъий белгиланган даромад банк тарафидан тўланишини кўзда тутди. Аммо ушбу битим баъзи ислом банклари томонидан қўлланилишига қарамасдан, ислом молиясининг асл моҳияти ва руҳиятига мос эмас, шу сабабли йирик ислом уламулари ушбу битимни танқид қиладилар.



Савол: Ислам банклари ҳақиқатда ҳам исломийми ёки улар пардоз бериб ташқи кўриниши ўзгартирилган аънавий банкларми?

Жавоб: Олимлар ва банк соҳаси мутахассислари бўлмаган оддий одамлар ўртасида қолган ислом банкчилари кўп вақтларини ислом банкларига нисбатан шубҳа билан қаровчиларга ислом банкларининг асл моҳиятини, уларнинг аънавий банклардан фарқини тушунтиришга сарф қилишади. Албатта бундай тушунтиришлар самара бермаяпти, деб бўлмайди, бу саъй-ҳаракатлар ўз натижасини кўрсатаяпти. Аммо, афсуски, ушбу жараён кўпроқ назарий бўлгани учун катта натижа бермаяпти.

Шу билан бирга, ислом банклари фаолияти ҳақиқатда ҳам ислом молияси тамойилларига мувофиқ ёки мувофиқ эмаслигини билиш учун улар амалда қандай ишлаётганлигини кўриш керак. Ана шунда, ўз ғаразли мақсадлари йўлида ислом номидан фойдаланаётган ноинсоф молиячиларни таниб олиш мумкин бўлади ва одамлар (мижозлар)нинг ўз манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятлари ошади.

Аммо биринчи навбатда куйидаги бир муҳим масалани яхши тушуниб олиш лозим:

Ислам молия маҳсулотининг зоҳиран аънавий молия маҳсулотига ўхшашлиги уни ножиоз маҳсулотга айлантirmайди. Танқидчилар ислом банкчилигини қоралаш учун асосан мана шу «далил»дан фойдаланишади. Аммо ислом молия маҳсулотлари аксарият аънавий молия маҳсулотларига ўхшагани билан моҳияти бошқача.

Исламда қайтарилган (ҳаром қилинган), ихтиёрий (мубох) ва буюрилган (ҳалол) амалларни фақат улардаги жараёнларни текшириб кўриб фарқласа бўлади. Ислам молия маҳсулотларининг шариат тамойилларига мувофиқлигини имзоланаётган шартномалар ва қўлланилаётган битимларни синчиклаб кўриб чиқиш орқали билиш мумкин.

Манба: *islomoliyasi.uz*

РОССИЯДА ШАРИАТ МЕЪЁРЛАРИГА АСОСЛАНГАН УЙ-ЖОЙ СОТИШНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ РЕЖАЛАШТИРИЛМОҚДА

**ДАВЛАТ ДУМАСИ ДЕПУТАТИ РАСУЛ БОТАШЕВНИНГ
СЎЗЛАРИГА КЎРА, УШБУ ТАШАББУС МАРКАЗИЙ
БАНКДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН МАХСУС КОМИССИЯ
ТОМОНИДАН МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА.**

Бунда ссудага фоиз қўйилмайди, балки уй-жойнинг таннари ва унинг сотиш нархи ўртасидаги тафовут миқдори ҳисобга олинади. Бу ҳақда Бошқирдистон ташқи иқтисодий алоқалар давлат қўмитаси маълум қилди.

Қайд этилишича, ҳозирда ҳалол ипотека ва ислом банклари хизматларига бўлган талаб ўсиб бормоқда. Давлат думаси депутати Расул Боташевнинг сўзларига кўра, ушбу ташаббус Марказий банкда ташкил этилган махсус комиссия томонидан муҳокама қилинмоқда.

«Ҳалол мавзуси, бу нафақат озиқ-овқат маҳсулотлари, балки турмуш тарзи ҳамдир. Мазкур бизнеснинг ривожини истемолчилар ишончига боғлиқ, шу боис уни диний-ахлоқий қадриятларни ҳисобга олган ҳолда олиб бориш лозим», — деди Россия мусулмонлари диний бошқармаси раиси Талгат Тожиддин Уфада бўлиб ўтган

ҳалқаро бизнес ҳафталигида.

Россияда аввалроқ ёшлар учун имтиёзли ипотека дастури эълон қилинганди.

Бугунги кунда Россияда тахминан 20 млн. мусулмон яшайди. Мамлакатда ислом молияси тамойилларига мувофиқ бўлган молиявий амалиётлар ўтказиш 90-йилларнинг ўрталарида бошланган бўлса, 2015-2016 йилларда мамлакатда ислом молия тизимини тўлақонли жорий қилиш бўйича йўл харитаси ишлаб чиқилган. Ўзбекистонда 30 миллиондан ортиқ киши ислом динига эътиқод қилади, ислом молияси маҳсулотларига аҳоли тарафидан ҳам, тадбиркорлар томонидан ҳам эҳтиёж юқори, аънавий молия маҳсулотларига муқобил бўлган ислом молия маҳсулотлари ҳам етарли, масалан худди шу ипотекани ислом молия тизимида бир неча усул билан, жумладан

“Мушорака мутанақиса”, “Ижара мунтаҳия бит-тамлик” ёки “Муробаҳа” (агар уй тайёр бўлса) молия маҳсулотлари орқали амалга оширса бўлади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ислом молия тизимини мамлакатимизда жорий қилиш масаласи қанчалик тез ижобий ҳал қилинса, аҳолимиз ва тадбиркорларимизнинг эҳтиёжлари шунчалик тез қондирилади ва бунинг натижаси албатта иқтисодиётнинг ривожига акс этади. Зеро, аҳоли ва тадбиркорлар манфаатига хизмат қилувчи ҳар бир хатти-ҳаракат тез орада мамлакат иқтисодиёти ривожига ўз ижобий аксини топади, бунга шубҳа йўқ.

Манба: islommoliyasi.uz



Ойлик илмий-амалий иқтисодий журнал

БПК

БОЗОР, ПУЛ ва КРЕДИТ

РЫНОК, ДЕНЬГИ и КРЕДИТ

Ежемесячный экономический научно-практический журнал



Обуна индекси: **853**

Сизни қизиқтирган барча саволларга таҳририятнинг қуйидаги телефон рақамлари орқали батафсил маълумот олишингиз мумкин:

(+998)71-234-91-13;

(+998)94-677-78-04

«БПК» журнаliga 2021 йил учун обунани бугуноқ расмийлаштиринг. Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт ва молия, уларнинг ривожланиши ва истиқболлари борасида бир қадам олдинда юринг!

ОБУНА УШБУ ТАШКИЛОТЛАР ОРҚАЛИ
РАСМИЙЛАШТИРИЛСА, ТАҲРИРИЯТ ЖУРНАЛНИ
ЎЗ ВАҚТИДА ЕТКАЗИШНИ КАФОЛАТЛАЙДИ:

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

АЖ «ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ»
ХУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИДА
АЖ «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»
ХУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИДА

БУХОРО ВИЛОЯТИ

«INFORM ROCHTA» МЧЖ – 71-237-08-70

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

«MATBUOT TONGI» МЧЖ – 91-599-58-98

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

«INFORM ROCHTA» МЧЖ – 71-237-08-70

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

«INFORM ROCHTA» МЧЖ – 71-237-08-70

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

«СИРДАРЁ МАТБУОТ ХИЗМАТИ» – 97-277-27-72

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

«SURXON MATBUOT NASHRLARI» МЧЖ – 91-586-70-00

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

«KALEON INFORM» МЧЖ – 71-267-18-94

«ТОШКЕНТ МАТБУОТ МЕДИА» – 97-156-22-77

«INFORM ROCHTA» МЧЖ – 71-237-08-70

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

«INFORM ROCHTA» МЧЖ – 71-237-08-70

«ТОШКЕНТ ЖАҲОН ЗИЁ» – 97-922-02-33

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ,

НАМАНҒАН ВИЛОЯТИ,

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

«INFORM ROCHTA» МЧЖ – 71-237-08-70

«САЙЁР – 2017» МЧЖ – 99-990-61-01



42682
ЎзБ-У



СИЛА В ДОВЕРИИ



 @milliyapp

 @milliy.app

 @milliy_nbu

 www.nbu.uz

Услуги лицензированы